

**ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЧАКИРИККАЧА ХАРБИЙ ТАОЛИМ ЙУНАЛИШИ БУЙИЧА



**«ХАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИ АСОСЛАРИ»**  
фанидан

**МУАММОЛИ**

**МАОРУЗАЛАР МАТНИ**

Фаргона 2006

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ЧАКИРИККАЧА ХАРБИЙ ТАОЛИМ  
ЙУНАЛИШИ БУЙИЧА

«ХАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИ АСОСЛАРИ»  
фанидан

**МУАММОЛИ**

**М А О Р У З А Л А Р М А Т Н И**

Умумий соат - 125 (укитиш 5-8семестрлар)

Маоруза - 20

Амалий - 40

**Тузувчи:** харбий кафедра укитувчиси  
майор Ш.Тилаволдиев

**Такризчи:** педагогика фанлари номзоди, харбий кафедра укув булими бошлиги подполковник С.Ганиев

Мазкур маорузалар матни харбий кафедранинг 2006 йил  
махкулланган ҳамда купайтиришга тавсия этилган.

кунги йигилишида муҳокама қилиниб

**Мавзу № 1: «Харбий- ватанпарварлик тарбиясининг услубий ва назарий асослари».**

**Режа:**

1. Харбий- ватанпарварлик тарбияси асослари фанини урганиш предмети, вазифалари ва мазмуни.
2. Харбий- ватанпарварлик тарбияси -ёшлар умумий тарбиясининг таркибий қисмидир.
3. Харбий- ватанпарварлик тарбиясининг мафкуравий -назарий асослари.
4. Харбий-ватанпарварлик тарбиясининг асосий йуналишлари.

**Таянч иборалар:**

Харбий-ватанпарварлик тарбияси, миллий ва байналмилал тарбияси, миллий гоя ва миллий истикпол, миллий мафкура, умуминсоний кадриятлар, миллий ифтихор, ахлокий-сиёсий тайёргарлик, рухий тайёргарлик, жисмоний тайёргарлик, диний экстремистик гуруҳлар.

**Муаммоли саволлар:**

1. Харбий- ватанпарварлик тарбияси асослари фанининг урганиш предметлари нималардан иборат?
2. Харбий- ватанпарварлик деганда сиз нимани тушунасиз?
3. Харбий-ватанпарварлик тарбиясининг асосий йуналишлари нималардан иборат?

Ёшлар харбий ватанпарварлик тарбиясининг назарияси ва амалиётини узлаштириш, уларни харбий хизматга, уз Ватани -Узбекистон Республикасини химоя қилишдаги бурчларини бажаришга хар томонлама тайёрлаш -укув юртлари педагогик жамоаларининг муҳим вазифаларидан биридир.

Бу вазифани муваффақиятли равишда ечиш учун «Чакирикча харбий тайёргарлик ва жисмоний тарбия» мутахассислиги буйича тахлим олаётган «Харбий ватанпарварлик тарбияси асослари» фани яқиндан ёрдам беради.

«Харбий ватанпарварлик тарбияси асослари» фанини урганиш предмети булиб, ёшлар харбий ватанпарварлик тарбиясининг услубий ва мафкуравий-назарий асослари, укув юртидаги харбий ватанпарварлик тарбиясининг системаси, укувчи ёшларни Куролли Кучлар хизматиға, Ватан химоясига ахлокий-сиёсий, психологик, харбий-техник ва жисмоний тайёрлашни ташкиллаш, унинг мазмуни, шакл ва услублари булиб хисобланади.

«Харбий ватанпарварлик тарбияси асослари»нинг асосий вазифалари булиб қуйидагилар хисобланади:

- биринчидан, олий укув юртида уқитилаётган бошка фанлар билан узвий бирликда, талабаларни миллий ва байналминал руҳида тарбиялаш, уларни Ватан химоясига доимо қулда қурол билан шай булишларини тахминлаш;
- иккинчидан, талабаларда фаол онгли, меҳнатсевар, Ватан учун жасоратта ва қахрамонликка тайёр ёш авлодни тарбиялай оладиган педагог уқитувчи хислатларини ривожлантириш;
- учинчидан, талабаларни харбий ватанпарварлик тарбиясини назарий-амалий билимлари билан қуроллантириш, уларда умумий урта тахлим мактабларида чакирикча харбий тахлим уқитувчиси лавозимида ишлаш учун укув ва тарбиявий ишларни ташкиллаш ва утқизиш, малака ва қуникмаларини шакллантириш.

Ушбу фан буйича талабалар қурс имтихонини топширадилар, фаннинг асосий мазмуний саволлари давлат имтихониға киритилади.

Уқиш мобайнида хар бир талаба мустикал равишда харбий ватанпарварлик тематикасида 4-5 та маҳруза ёзиши, урта мактабларда харбий тахлим асослари буйича бирор бир тугаракка раҳбарлик ишларида қатнашиши қерак.

«Харбий ватанпарварлик тарбияси асослари» фани булажак харбий тахлим раҳбарларига Ватан химоясига тайёр булган муносиб ёш авлодни юқори даражада тайёрлаш учун яқиндан ёрдам беради.

Харбий ватанпарварлик тарбияси -ёшлар умумий тарбиясининг таркибий бир қисмидир.

**«Ватан», «Ватанпарварлик» деганда биз нимани тушунамиз?**

«Ватан» -бу минг йиллар мобайнида сайқалланиб, қишилар руҳиға илхом берувчи, мард углонларни жасоратта, қерак булса она-замин учун жонларни фидо этишға ундовчи муқаддас бир туйғудир.

«Ватан» -бу бизнинг оила, уйимиз, яшаб турган маҳалламиз, кишлоғу-шаҳримиз ва, албатта, бу -Она-Узбекистонимиздир.

*Шу уринда, Президентимиз И.А.Каримовни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 3-сессиясида сузлаган нуткидан куйидаги сузларни таъкидлаб утиш мақсадга мувофиқдир: «Одамларимиз, жамиятимиз мафқурасида Ватан, юрт гоёси устивор булмоғи керак. Миллий гурур, миллий ифтихор ҳар қандай ишимизнинг пойдевори булмоғи керак».*

*Бу муқаддас гоёлар, миллати ва эҳтиқодидан қатъий назар, шу юртда, шу заминда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаронинг ҳаётига, онгига синмоғи, ҳар биримиз учун энг қатта таянчга, энг қатта ишончга, бориники, хақиқий иймонга айланиши керак».*

*Истиқлолни ҳимоялаш, уни қадрлаш, улуғлаш ва унга хизмат қилиш миллий онгимизга, ақидамизга айлансагина, бизни танлаган йўлимиздан ҳеч қандай қуч қайтаролмайди, қаддимизни буқолмайди.*

*Бу буюқ гоёлар ҳар биримиз қонимизга, қалбимизга сингиб, келажак авлодларга муқаддас бойлик -муқаддас мерос булиб утиши керак.*

*Президентимизнинг ушбу сузлари бизларга «Ватанпарварлик» сузи қандай мазмунга, моҳиятга эга эканлигини, «Ватанпарвар» қандай булиши кераклигини тула-туқис очиб беради.*

Биз «Ватанпарвар», «Миллатсевар» деган сузларни эшитганимизда беихтиёр қуз олдимизда буюқ аждодларимиз булмиш Широқ, Тумарис, Алпомиш, Жалолiddин Манғуберди, Намозботир ва буюқ соҳибқирон Амир Темур қиёфалари гавдаланади.

Биз ҳам улар сингари Ватан учун, ўзбек халқи учун муносиб авлод булишга ҳаракат қиламиз.

Яқин утмишимиздан, шуролар ҳуқумати вақтида яшаб утган миллатимизнинг асил утлонлари Усмон Носир, Фитрат, Чулпон ва бошқа буюқ сиймолар олдида бош эгамиз. Уларнинг ватанпарварлиги, жасурлиги, ўзбек халқининг ёркин келажағи учун жонларини фидо этганлиқлари, уларни миллат рақнақи учун яшаб, қурашиб утган ҳаётлари биз ёш авлод учун бир ҳаёт мактаби -ватанпарварлик мактаби булиб қолади.

Мустақиллик, мустақил суверен давлатнинг тузилиши -бу ҳар бир халқнинг асрий орзуси -умидларининг, муқаддас мақсадларининг руёбга чиқишидир. Ўзбекистон халқи 1995 йил 31 августда узининг давлат мустақиллигини эҳлон қилди. Дунё харитасида яна битта мустақил, тула ҳуқуқли, суверен давлат -Ўзбекистон Республикаси пайдо булди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1991 йил 1 сентябрни Мустақиллик қуни байрами деб эҳлон қилди. Шу қундан бошлаб биз Ватан деган туйғуни тула-туқис ҳис этдик.

Халқимизнинг мустақил Ватан учун фидоқорона қурашлари руёбга чиқиб, биз уз Она Ватанимизга, тилу-динимизга эга булдик.

Президентимиз И.Каримов айтиб утганларидек, хар бир авлод эл юртининг тарихини ва обрўини, узининг фарзандлик мухаббати ва эхтикоди, садокати ва бунёдкорлиги, матонати ва мардлиги билан барпо этади.

### **Эслаб колинг:**

Узбекистон Республикаси демократик, ҳукукий жамият куриш ва уни ривожлантиришда туртта асосий негизга асосланади.

Бу негизлар куйидагилардир:

- Умуминсоний кадриятларга содиклик;
- Халкимизнинг махнавий меросини мустахкамлаш ва ривожлантириш;
- Инсоннинг уз имкониятларини эркин намоён килиши;
- Ватанпарварлик.

Мустакил Узбекистоннинг куч-кудрати, манбаи -халкимизнинг умуминсоний кадриятларга содиклигидир. Халкимиз адолат, тенглик, ахил кушничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар оша асраб-авайлаб келмоқда. Узбекистонни янгилашни олий мақсади ана шу анханаларни кайта тиклаш, уларга янги мазмун белгилаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва хар бир кишини камол топтиришга эришиш учун зарур шарт-шароит яратишдир.

Узбекистон Республикаси Президенти И.Каримов уз нуткида миллий мафқурани миллий эхтиёж даражасига кутариш зарурлигини тахкидлаган эди.

Миллий истиклол мафқураси Узбекистоннинг мустакилликка эришиш хакидаги сиёсий, илмий, назарий, тарихий, фалсафий, бадий ва диний карашлар мажмуи, халкни келажакка ишонч, эхтикод рухида тарбияловчи гоёвий курол, барча тоифа кишиларни шу мақсад йулида бирлаштирувчи гоёят кудратли махнавий омил хисобланади. Миллий истиклол мафқурасининг асосий мохияти куйидагилардан иборат:

- халкимизнинг азалий анханаларига, удумларига, рухиятига, тилига, диний мос гоёлар асосида одамлар онгига келажакка ишонч, меҳр-мухаббат, инсоф, сабр-токат, адолат, маҳрифат туйгуларини сингдириш;

- миллий истиклол мафкураси оркали халкимизда узининг кудрати ва химоясига суянган холда, умуминсоний кадриятларга асосланиб, жахон ҳамжамиятида, илгор давлатлар орасида тенг ҳуқуқли ва муносиб урин эгаллашга интилиш хиссини тарбиялаш;
- соғлом, махнавий бой, комил авлодни шакллантириш.

Миллий истиклол мафкурасининг негизини ватанпарварлик, эркинлик, миллий ифтихор, инсонпарварлик, байналмилаллик каби хусусиятларни ташкил этади.

Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек, узимиз танлаган мустақил тараққиёт йулида аниқ марраларни кузлаб яшашимизда, пировард мақсадимиз булган озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт куриш борасидаги интилишларимизда биз учун рухий-махнавий куч-қудрат манбаи, илмий асос, бу миллий гоё, миллий мафкура булиши шарт.

Мамлакатимиз истиклолга эришган дастлабки кунлардан бошлаб, бу масалага алоҳида эҳтибор берилиб келинмоқда. Миллий мафкуранинг ҳаётимиздаги урнини белгилаш, унинг илмий-назарий асосларини яратиш, мафкуравий тарбиявий йуналишларини ишлаб чиқиш, шу асосда жамиятимизда ижтимоий фикрни шакллантириш мақсадида амалга оширилган ишларда барча хабардор. Президентимиз И. Каримов миллий гоё, миллий мафкура масалаларига доимий эҳтибор қаратиб, уз асарлари ва нутқларида бу масалага алоҳида ургу бериб келган.

Давлатимиз раҳбари бу борадаги фикрларни баён этиб, авваламбор, узининг келажагини қурмоқчи булган ҳар қандай давлат ёхуд жамият, албатта уз миллий гоёсига суяниши ва таянишини таъкидлайди.

Зеро, давлат тизими, уни бошқариш ва олиб борилаётган сиёсат аввало аниқ ва равшан ифодааланган мафкура асосига қурилмоғи лозим. Уз миллий гоёсига таянмаган жамият инкирозга дучор булиши, уз йулини йукотиб қуйиши муқаррар.

Ҳар бир инсоннинг, айниқса, эндигина ҳаётта қадам қуйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрларни сингдириш керакки, улар уртага қуйилган мақсадларга эришиш узларига боғлиқ эканлигини, яҳни бу нарса уларнинг собит қадам гайрат шижоатига, тула-туқис фидокорлигига ва чексиз меҳнатсеварлигига боғлиқ эканлигини англаб етишлари керак. Худди шу нарса давлатимиз ва халкимиз раванқ топишининг асосий шартидир - дейди Президентимиз И.Каримов.

Бизнинг бугунги энг буюк вазифамиз ва муқаддас бурчимиз Ўзбекистон тарихидан узимизга муносиб саҳифа очиш ва уни авлодларимиз учун ибрат буладиган олийжаноб ва савобли ишлар билан тулдиришдир.

Мана шу сузлар буюк мақсадларда келиб чиққан холда бизлар ҳам уз олдимизга асосий вазифаларни белгилаб олишимиз керак. Бизларни, яҳни булажак ҳарбий таҳлим уқитувчиларни, асосий вазифамиз - мана шу мустақил Ватанни жон-жонидан севувчи, унинг раванқи ва озодлиги, халқи учун жасоратта, керак булса жонини фидо этишга тайёр булган, элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган мард углонларни, узбек ватанпарварларини тарбиялаб вояга етказишдир.

Бу тарбия, албатта умумий тарбияни ахлокий, меҳнат, эстетик, сиёсий, жисмоний турлар билан узвий боғлиқликда олиб борилиши керак.

Юкорида айтиб утилган тарбия турлари орасида харбий ватанпарварлик тарбияси муҳим урин эгаллайди. Харбий ватанпарварлик тарбияси ёшларни Она-Ватанга, унинг шонли тарихига, тинчликпарвар ва бунёдкор халкига садоқат ва муҳаббат руҳида тарбиялаш керак.

Чакириккача ёшлар тайёргарлиги машгулотларида, харбий ватанпарварлик ва оммавий мудофаа тадбирларида укувчи ёшлар Куролли Кучлардаги булажак хизматлари ва Ватанимиз химояси учун зарур булган билимлар, куникмалар ва малакаларни узлаштирадидлар. Улар бу машгулотлар ва тадбирлар давомида харбий иш ва хизмат асосларида дастлабки маҳлумотларни оладидлар. Ёшлар Куролли Кучларимиз тарихини, унинг бугунги кундаги Ватанимиз мустакиллигини химоя қилишдаги фаолияти, Куролли Кучлар турлари ва уларни вазифалари, Куролли Кучлардаги хизмат қилиш тартибларни ва бошқа қуп зарур булган билимларни чуқур урганадилар.

Шундай қилиб, Чакириккача ёшлар тайёргарлиги машгулотлари ва оммавий мудофаа тадбирлари ёшларни харбий ватанпарварлик тарбиясида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларни Ватан химоясига тайёрлаш дастурининг асосий узагини ташкил этади.

### **Харбий ватанпарварлик тарбиясини ташкил этишнинг асосий йуналишлари.**

Барча ижтимоий-сиёсий фаолият сингари, харбий ватанпарварлик ишида ҳам маҳлум бир система, шаклий услуб мавжуддир.

У аниқ бир вазифаларни, шакл ва услублар мазмунини, воситаларни, шунингдек, узига хос вазифаларни бажарувчи давлат ва жамоат корхона, ташкилот ва муассасаларини уз ичига олади.

Бу система, шакл, биринчидан, комплекс хусусиятга эга, яхни ватанпарварлик туйғусини шакллантириш барча укув-тарбия муассасаларининг вазифасидир.

Иккинчидан, у узлуксиздир, чунки инсон ҳаётининг барча даврларида уз таҳсир қучида булади.

Учинчидан, у тулик бир шаклдир, чунки у тарбиянинг барча турларига ҳамда армия ва халқининг бирлигига таянади.

#### **Ёдда тутинг:**

Харбий ватанпарварлик тарбиясининг энг асосий вазифалари:

- Ёшларда Ватанга муҳаббат;

- Узбекистон Куролли Кучларига хурмат ва садокат;
- Аждодларимизнинг меҳнат ва анханаларига содиқлик;
- Ватан мустикалликни қўлда қўрол билан ҳимоя қилишга доимий шайлик;
- Ёшларда ҳарбий касбларга, Куролли Кучлар сафида хизмат қилишдек шарафли бурчга қизиқиш уйғотиш каби вазифалардан иборат.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг асосий йўналишларидан бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- ахлоқий-сиёсий ва руҳий (психологик) тайёргарлик;
- ҳарбий-техник тайёргарлик;
- жисмоний тайёргарлик.

Юқорида санаб утилган ўқ йўналиш ҳарбий ватанпарварлик тарбияси системасининг узагини ташкил этади.

Буни қуйидаги шарҳлар билан ёритиб бериш мумкин:

1. Қачонки, қайси бир давлат ёки армия шахсий таркиби ахлоқий-сиёсий ва психологик жиҳатдан тургун бўлса, улар ўз Ватанларига чексиз муҳаббат ва қўшинларига садокатда бўлса, улар ўз ишларини ҳақ эканликларига чуқур ишонишса, бу ҳақ иш ўчун, жонларини ҳам фидо этишга тайёр бўлсалар, бундай халқ ёки қўшин ҳеч қачон енгилмайди. Чунки, улар сиёсий жиҳатдан етук, психологик жиҳатдан эса тургун инсонлардир. Бундай инсонлар машаққатлар, қийинчиликлар олдида эсанқирамайди, иккиланмайди, аксинча, улар бор шижоатлари ила ва барча воситалар билан фақат галаба ўчун қўрашадилар.

Тарихдан бизга маълумки, қўп урушлар натижаси охири-оқибатда жанг қилаётган томон қўшинларининг руҳий ҳолатида боғлиқ бўлган.

Демак, шундай экан, бизнинг вазифамиз ўз Ватанига чексиз садокатда бўлган, руҳий жиҳатдан етук, тургун ёш авлодни тарбиялаш, улардан Ватан равнақи ўчун, мустикалликни ўчун, зарур бўлса жонини фидо этишга тайёр бўлишдек ҳислатларни шакллантиришдир.

2. Армия шахсий таркиби нафақат сиёсий ва руҳий жиҳатдан, балки ҳарбий-техник тайёргарлиги жиҳатидан ҳам юқори савияда тайёрланган бўлмоғи керак. Бу шахсий таркиб ҳарбий билимлар, малакаларни эгалламоғи, улар интизомий ва тартибли бўлишлари, ҳарбий касамёд ва низом талабларини сузсиз бажаришлари, қўл остидаги жанговар техника ва қўроллардан моҳирона фойдалана олишлари керак деганидир.

Албатта, юқорида айтилиб утилган барча жанговар хислатлар, ёшларда харбий ватанпарварлик тарбиясининг асосий йуналишларидан бири булган харбий-техник тайёргарликда шакллантирилади.

Бу ишларни амалга оширишда харбий-техник жихатдан юкори даражада тайёрланган чакирилувчи ёшларни тарбиялашда Чакириккача ёшлар тайёргарлиги машгулотлари, «Ватанпарвар» ташкилоти кошидаги тугараклар узларини улкан хиссаларини кушишлари керак.

3. Харбий ватанпарварлик тарбиясини асосий йуналишларидан яна бири, ёшларнинг жисмоний тарбияси хисобланади. Бу йуналиш ёшларда жисмоний чиникишни, яхни уларни харбий хизмат даврида хам, тинчлик вақтида хам катта жисмоний юкларни (нагрузкаларни) савод билан енгиш кобилиятини тарбиялайди.

Жисмоний жихатдан чиникканлик -бу нафакат соглом танага эга булиш, балки, бу Ватан химоясига ва мехнатта тайёргарлик хамдир. Хозирги статистик маълумотларга караганда, ёшларнинг 50 фоизининг саломатлиги ва жисмоний тайёргарлиги куйилаётган талабларга жавоб бермайди. Бу камчиликлар умум, урта тахлим мактабларида, ёшлар ташкилотларида, жисмоний тарбияни талаб даражасида олиб борилмаганлиги, бу мухим ишга, айтиш мумкинки, давлат ахамиятига молик булган ишга куп холларда юзаки ёндошилаётганликдан далолат беради.

Хозирги вақтда, Узбекистонда бир неча конун ва карорлар ана шу муаммоларни бартараф этиш, ёшларнинг жисмоний тарбиясини яхшилаш мақсадида президент ва ҳукумат томонидан кабул килинган ва бу борада сезиларли ишлар амалга оширилмоқда.

Узбекистон мустакиллик, тараққиёт йулидан буюк келажак сари шахдам одимлар ташлаб бормоқда. Мехнатсевар, тинчликпарвар, тараққиёти юксак даражада булган, маданияти, фани ривожлангани, ҳукукий жамият пойдеворини яратиш жараёнида ёш авлоднинг хам, албатта уз урни булиши керак. Ёш авлодни буюк келажак курувчилар сифатида тарбиялаш, уларни халқимизнинг бугунги кундаги улкан яратувчанлик ишларининг муносиб давомчилари сифатида вояга етказиш учун Президентимиз, ҳукуватимиз барча ишларни амалга оширмоқдалар. Халқимизнинг мана шу эзгу ниятларини руёбга чиқариш учун ҳукуватимиз томонидан бирига катор конунлар, карорлар кабул килинди. Булар жумласига, «Тахлим хақидаги конун», «Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурлари», «Соғлом авлод учун» ва бошқалар киради. Бу конунлар бизларга тахлим ва тарбиянинг барча турлари билан бир каторда ёшларнинг харбий ватанпарварлик тарбиясини хам мазмунан сифат жихатидан янада юкори даражаларида ташкил этиш ва амалга ошириш имконини беради.

Юқорида тахкидлаб утганимиздек, Узбекистон халқи буюк давлат, жамият қурилиши йулида мардонавор мехнат килмоқда.

Бизнинг кундалик вазифамиз, ёшларни ана шу қурилишлар жараёнига жалб қилиш, улар онгига Узбекистоннинг буюк келажаги айнан, ёшлар қулида эканлигини сингдириш, кундалик машгулотлар, турли тадбирлар давомида уларда

ватанпарварлик, миллатпарварлик туйгуларини уйғотиш ва бу туйгуларни асраб-авайлаб тарбиялашдир. Барчамизга яхши маълумки, ҳозирги кунларда бизнинг минтакамизда, хусусан, Марказий Осиёда ижтимоий-сиёсий аҳвол кескин бўлиб қолмоқда.

Турли диний экстремистик, ақидапараст гуруҳларнинг ҳокимият учун қурашиши, уларни бизнинг жамият учун умуман ёт бўлган дунёқарашларини тарғиб қилиши Ватанимиз мустақиллигига, унинг тинчликсевар қўпмиллатли халқига хавф тугдириши мумкин.

Бу гуруҳларнинг ёшлар уртасида олиб бораётган бузғунчилик тарғиботлари ҳеч қимни бефарқ қолдирмаслиги керак.

Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек, «Ёшлар учун қурашиш керак». Бу қураш бизнинг ҳар бир машғулотларимизда, утказётган тадбирларимизда уз аксини топиши, қисқасини айтганда эса ҳарбий ватанпарварлик тарбияси ишларининг бош низоми бўлиб қолиши керак.

#### **Уқув саволлари.**

1. Миллий гоё ва миллий мафқуранинг ёшлар тарбиясидаги аҳамиятини ёритиб беринг.
2. Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси асослари фанининг урганиш предметлари нималардан иборат?
3. Фаннинг асосий мақсад ва вазифаларини ёритиб беринг.
4. Ҳарбий ватанпарварлик деганда сиз нимани тушунасиз?
5. Буюқ аجدодларимиз жасоратларидан сузлаб беринг.
6. Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг асосий йўналишларини ёритиб беринг.
7. Ахлоқий-сиёсий ва рухий тайёргарликнинг мазмун ва моҳиятини тушунтириб беринг.
8. Ҳарбий-техник тайёргарлик деганда нимани тушунасиз?
9. Ёшлар жисмоний тайёргарлигининг аҳамиятини сузлаб беринг.
10. Миллий истиклол мафқурасининг асосий мазмуни нималардан иборат?

#### **Адабиётлар.**

1. И.А.Каримов «Ўзбекистон-миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, маъна» Т. 1998 й.
2. А.И.Ибрагимов, Х.Х.Султонов «Ватан туйғуси» Т. 1996 й.
3. «Ватан ҳимояси-муқаддас бурч» Т. Ҳарбий нашриёт. 2000 й.
4. Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси асослари» дарслиги. М. 1987 й

5. Ўзбекистон Республикасининг «Тахлим тугрисида»ги қонуни. Т. 1998 й

**Мавзу №2 «Урта махсус билим юртлари ва мудофаа -спорт соғломлаштириш оромгохларида укувчиларнинг харбий ватанпарварлик тарбиясини ташкиллаш ва утказиш».**

**Режа:**

1. Урта махсус билим юртларида харбий ватанпарварлик тарбиясининг мақсади, мазмуни ва вазифалари.
2. Ватан химоячисига куйилган умумий ва махсус талаблар.
3. Харбий ватанпарварлик тарбиясининг тамойиллари, шакл ва услублари.
4. Ёшларнинг харбий ватанпарварлик тарбиясига рахбарлик.

**Таянч иборалар:**

Ватан химоясига шайлик, ватанпарварлик туйгуси, умумий ва махсус талаблар, ахлокий-сиёсий тайёргарлик, харбий-техник тайёргарлик, харбий фаолият, харбий- ватанпарварлик тарбияси тамойиллари, харбий- ватанпарварлик тарбиясининг шакл ва услублари, рағбатлантириш услуби, мажбурлаш услуби.

**Муаммоли саволлар:**

1. Харбий-ватанпарварлик тарбиясининг мазмуни нималардан иборат?
2. Харбий-ватанпарварлик тарбияси қандай йуналишлар буйича олиб борилади?

**Урта махсус билим юртларида харбий-ватанпарварлик тарбиясининг мақсади, мазмуни ва вазифалари.**

Урта махсус билим юртларида тахлим ва тарбия олаётган ёшларнинг харбий ватанпарварлик тарбияси -Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати, тахлим бошқармаларининг муҳим фаолиятларидан бири булиб ҳисобланади.

Ёшларга уларнинг болалик йиллардан бошлаб, Ўзбекистон халқининг бой анханалари ва миллий кадриятлари, халқимизнинг буюк утмиши ҳақидаги билимларни, шунингдек, уз Она-Ватани Ўзбекистоннинг садокатли химоячилари бўлишини онгли равишда ҳис қилишларини сингдириб бориш керак.

Ҳозирги вақтда ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг мазмуни ва жараёни, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий ва иқтисодий ислохотларга боғлиқ бўлган бир қатор омиллар билан бойитилиши лозим.

Бу омиллар қуйидагилардир:

- мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнидаги инсон, яъни шахс ролининг ўсиши;
- унинг мамлакат мудофаасидаги аҳамияти;
- ҳарбий хизматни ташкиллашдаги туб ўзгаришлар;
- замонавий қуроқли қурашларнинг шакл ва усуллари такомиллашуви ва бошқалардир.
- Ёшларни Ватан химоясига тайёрлаш ишларининг тубдан ўзгариши ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг мазмуни, шунингдек, ташкилий-услубий жиҳатлардан туқик фойдаланишни такозо этади. Бунинг учун, тарбиявий тадбирларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш, анҳанавий тарбия шакллариини танлаш ва мустаҳкамлаш, ҳозирги шароитда ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси вазифаларини тула амалга ошира оладиган янги шакл ва услубларни излаш ва уларни ҳаётта тадбиқ этиш лозим. Бунда асосий эҳтиборни ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг шакл ва услубларини ташкилий жиҳатдан таҳсирчанлигига ва уларни Ватан химоячиси шахсини ривожлантиришга йуналтирилганлигига қаратиш зарур.

Ватан химоясига шайлик, укувчилар шахсини ҳар томонлама ривожлантириш, улар томонидан жамият маданияти бойлиқларини ўзлаштиришнинг натижаларидан келиб чиқади.

Ҳозирги шароитда ҳарбий ишнинг мураккаблашиб бориши, бугунги кун жангчисига қуйилаётган талабларнинг ўсиши, укувчи ёшларнинг ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясига янгича назар билан қараш ва ёндошишни такозо этаётир. Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясидаги кадриятлар ва сифатларни шакллантиришда асосий етакчи роқг -таҳлимга, яъни укутишга тегишлидир. Лекин, бу инқор этилмайдиган назарий ҳулоса, фан асосларини укутаётган укутувчиларнинг услубий материаллари ва амалий ишларида тула амалга оширилмаяпти. Умумтаҳлим фанлари укутувчиларининг аксарият қисми ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси вазифаларига юзақи ёндошадилар ва қуп ҳолларда ўзлари укутаётган фанларнинг бу вазифаларни ечишдаги имқониятларини тасаввур ҳам қилмайдилар. Ватан химоячиларини тарбиялаш ишларига педагогик жамоалари томонидан ЧЁТ раҳбари, «Ватанпарвар» ташкилоти, Мудофаа ишлари бўлимлари ва ёшлар ташкилотларининг тор доирадаги фаолиятлари деб қаралади. Лекин шу нарса аниқки, агар укувчиларнинг муҳим ҳаёт фаолиятларининг бири -укув фаолияти тинчликни саклаш, мамлакат мудофаасини мустаҳкамлаш ва унинг химоясига шай бўлиш қаби юқсак гоқлар билан бойитилмаса, у ҳолда уларни вақтинчалик тадбирлар воситасида урнини туқдириш самарасиз бўлиб чиқиши мумкин.

Бугунги кунда кенг фикрловчи, чукур эхтикодли инсонларгина ватанпарвар фукаро булиши мумкин.

Булажак ватан химоячисини тарбиялаш, энг аввало ватанпарварлик туйгусидаги интилишлар билан тулдирилган ёшлар турмуш тарзини ташкиллаш демакдир. Бунга эса тарбия муассасаларининг узаро хамкорликдаги харакатлари билан эришиш мумкин.

Турли жамият институтлари, бир йуналишда харакат килиб, бир-бирларини такрорламасликлари керак. Оилада болага сингдириладиган дастлабки ватанпарварлик тушунчалари ва туйгулари, укув юртларида фан асосларини урганиш жараёнида, уларнинг илмий англаш даражасига кутарилади. Ёшларнинг харбий-ватанпарварлик тарбиясини энг асосий боскичи хисобланган армия сафидаги харбий хизмат вактида шаклланган шахс сифатлари Ватанни химоя килишга шайлик сифатида тахлил килинади.

### **Ватан химоячисига куйиладиган умумий ва махсус талаблар.**

Ватан химоячисини тайёрлаш системасини тузиш ва унинг самарадорлигини ошириш учун Ватан химоясига шайлик сингари инсоннинг мураккаб сифатларидан бири ва харбий-ватанпарварлик тарбиясининг махсад ва вазифаларини билиш мухим ахамиятта эгадир.

Ватан химоясига шайликнинг тузилишида, одатда ахлокий сиёсий, рухий, харбий-техник ва жисмоний тайёргарлик каби сифатлар ажратиб курсатилади.

Шундай булсада, Ватан химоясига шайлик тугрисидаги тасаввурлар бу сифатни барча мураккаб томонларини, унинг бутун хусусиятини очиб бермайди. Бу шуни англатади-ки, Ватанни уз хаётини хавф остига куйиб, химоя килишга шайликни ривожлантиришни, инсон характерида алохида ижобий сифатларни шакллантириш билан алмаштириб булмайди. Шунинг учун хам Ватан химоясига шайликни тахминловчи бутун укув тарбия жараёнини яратиш учун у тугрисида яхлит бир тасаввурга эга булиш керак.

Мана шу муносабат билан харбий- ватанпарварлик тарбияси ташкилотчилари умумий педагогика ва психология, шунингдек харбий педагогика ва психология буйича чукур билимларга эга булиши зарур. Чунки, бу фанларнинг тахкидлашича, Ватан химоясига шайлик, эхтикод, туйгу, катхиятлилик, мустахам ирода, жисмоний чиникканлик ва харбий укув сингари шахсни бутун бир сифатлари мажмуасини намоён килади. Бу сифатларнинг барчаси бир-бири билан узвий боғланган булиб, улар биргаликда Ватан химоясига шайликнинг яхлит бир тузилишини хосил килади, ва бу инсоннинг асосий сифатларидан бири булиб хисобланади.

Харбий фаолиятта шайлик курсаткичларини 2 гурухга булиш махсадга мувофиқдир. Бу умумий ва махсус талаблардир.

**Умумий талаблар** -бу интегратив белгилар булиб, улар Ватан химоясига шайликнинг шаклланганлигини ифодалаб беради. Улар куйидагилардир:

- *Узбекистон Республикасини химоя килишга тургун ишонч укувчилар томонидан уз ватанпарварлик бурчларини чукур англаш;*
- *Узбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматининг ташки ва ички сиёсатиға, мамлакат мудофаасини ва Куролли Кучларини мустахамлаш буйича олиб бораётган тадбирларға ишонч;*
- *Укувчиларнинг етакчи фаолиятлари -укиш, меҳнат ва спорт билан шугулланишларининг ватанпарварлик йуналишида булиши;*
- *Узбекистон Республикаси Куролли Кучлари сафидаги рухий ва жисмоний кийинчиликларни енгиб утишға уз-узини онгли равишда тайёрлаш;*
- *Харбий Низом талаблари ва командирларнинг буйрукларини сузсиз бажаришдаги қобилияти, уларнинг Ватан топшириги деб қабул килиш, юриш-туришини бошқариш;*
- *Харбий интизом меҳёрлари ва талабларини хар қандай шароитда ҳам бажаришға шайлик;*
- *Хаёт учун ҳаёф булган шароитларда ҳам қахрамонлик намуналарини курсата олишға шайлик.*

**Махсус талаблар** ватан химоясига шайликнинг алоҳида томонлари ёки жихатларига боглик булиб, бир неча гуруҳларга булинади.

#### **Ахлокий-сиёсий тайёргарликка булган махсус талаблар:**

- Ватанзимиз мустиқлигининг гарови булган Куролли Кучларимиз харбий қудрати хар бир кишининг меҳнати билан яратилиши ва унинг янада мустиқлаш учун чукур билим, қуниқма ва малақалар, ижодий фаолият, интизомийлик ва юксак иш қобилияти зарурлигига укувчиларнинг ишончи;
- Узбек халқининг жанговар ва меҳнат анханларини рухан қабул килиш, Ватан химоячиси булган идеалларнинг уларда булиши;
- Укувчиларда ижтимоий туйғулар булиши (бурч, масхулият, ватанпарварлик, душманга нафрат, юксак сезгирлик ва бошқалар);
- «Ватанпарварлик», «Ватан», «Она юрт», «Харбий бурч», «Жасорат», «Қахрамонлик», «Жасурлик», «Фидоийлик» каби ва бошқа таянч тушунчаларнинг мазмунини чукур англашлар ва бошқалардир.

#### **Рухий тайёргарликка булган махсус талаблар:**

- Рухий билиш жараёнларини (хотира, фикрлашнинг тезқорлиги, тасаввур, хар томонлама қабул килиш), ирода сифатларини (қатихятлик, жасурлик, рухий тургунлик, мақсадга интиланлик, бажарувчанлик, интизом, қурқмаслик, Ватан учун узини ҳам

фидо этишга шайлик), рухий сифатларни (Ватанга мухаббат, душманларга нафрат ва бошкалар), ижтимоий рухий сифатларни (жамоага суяниш, уртоклик, узаро хамкорлик, бир-бирига ёрдам), юксак даражада ривожланганлиги;

- Хозирги замон уруши хусусиятларини, янги курулларни билиш, улардан сакланиш малакаларига эга булиши;
- Хакикий жанговар вазиятда учраши мумкин булган кийинчилик ва машаккатларни онгли равишда чукур англаш;
- Харбий фаолият ва жанговар жамоа шароитларига куникиш малакаларига эга булиш;
- Уз юриш-туришини бошкара олиш, бахзи бир туйгуларни (куркув, саросима, узини йукотиб куйиш) сундира олиш, бошка бир туйгуларни эса (Ватанга мухаббат, бурч, душманга нафрат) кучайтира олиш кобилиятларининг булиши;
- Рухий ва жисмоний кийинчиликларни енгиб утиш тажрибасининг борлиги;
- Рухий сифатларни бир фаолият туридан иккинчи бир фаолият турига утказа олиш имконияти ва бошкалардир.

Харбий-техник тайёргарликка булган махсус талаблар:

- Илмий-техник таракиёт ахамияти ва унинг харбий ишга тахсирини, Узбекистон Республикаси Харбий Доктринасининг мудофаа хусусиятини, замонавий жанговар техника ва куруллар томонидан аскарларга куйилган юксак талабларни билишлари;
- Чакириккача харбий тахлим асосларидан билим, куникма ва малакаларнинг булиши;
- Узбекистон Республикаси Курулли Кучларининг тузилиши, кушин турлари хакидаги билимларга эга булиши, техника ва курулларга кизикиши, бирор бир харбий мутахассисликни эгаллаш учун зарур билим ва малакаларнинг борлиги ва бу билимларни бошка бир харбий мутахассисликка утказа олиш имконияти;
- Аник бир харбий амалий фаолият тажрибасини борлиги (автомобилг, мотоцикл, тракторларни бошкара олиши, ук отар куруллардан фойдалана олиши, парашютдан сакраши), харбий куруллардан жанговар вазиятда фойдаланишда ва вазифаларни бажаришда аник харакат килиш малакаларига эга булиш;
- Умумтехник куникма ва малакаларни харбий техник фаолият вазиятларига утказа олиш кобилиятининг булиши;

Жисмоний тайёргарликка булган махсус талаблар:

- Ватанни химоя килиш вазифасини бажариш билан боглик умумий жисмоний сифатлар -куч, тезлик, чакконлик ва чидамплиликнинг ривожланганлиги;
- Махсус жисмоний сифатларга эга булиш: бош айланишига, тог касалликларига, иссик минтакалардаги харакатларга, чегараланган сув истехмолига, махсус жихозлар ва асбоб-анжомлар билан харакат килишга тургун кобилиятининг булиши;
- Катта жисмоний юк ва зурикишларни енга олиш имконияти ва бошкалар.

Юкорида келтириб утилган Ватанни химоя килишга шайлик курсаткичлари укувчиларни шакллантириш, харбий ватанпарварлик тарбиясида вазифалар куйиш учун ва уларни амалга ошириш учун воситалар излашда илмий асос булиб хизмат килади.

Юкорида айтиб утилганлардан шуни хулоса килиш мумкинки, харбий-ватанпарварлик тарбиясининг максadini бирор-бир жумла билан ифодалаб булмайди. Бу тарбия ишларининг ушбу йуналишини куп кирралиги ва мураккаблигидан далолат беради. Харбий ватанпарварлик тарбиясининг махсад ва вазифалари, тарбиявий жараённинг асосий йуналишларини узида мужассамлаштиради.

### Харбий- ватанпарварлик тарбиясининг тамойиллари, шакл ва услублари.

#### **Эслаб колинг:**

Харбий- ватанпарварлик тарбиясининг илмий асослари, унинг бирламчи мазмунини ташкил этувчи тамойилларида ёритиб берилган. Бу тамойилларда харбий-ватанпарварлик тарбиясининг асосий коидалари, талаблар, ёшларни Ватан химоясига ахлокий-сиёсий, харбий-техник ва жисмоний жихатдан тайёрлашнинг амалий фаолиятининг мазмуни, шакл ва услублари уз аксини топган.

Харбий-ватанпарварлик тарбиясининг асосий тамойиллари куйидагилардир:

1. Харбий-ватанпарварлик тарбиясининг илмий асосланганлиги;
2. Харбий- ватанпарварлик тарбиясига тарихий ёндошиш;
3. Харбий-ватанпарварлик тарбияси назариясининг амалиёт билан узвий боғликлиги;
4. Ватанпарварлик ва байналминал тарбиянинг

- бирлиги тамойили;
5. Жамоада ва жамоа ёрдамида тарбиялаш тамойили;
  6. Хар хил ёшлар гуруҳларига мувофик ёндошиш тамойили;
  7. Тарбиянинг шахс хусусиятларига мувофиклиги тамойили;
  8. Харбий-ватанпарварлик тарбиясининг хакикий хизмат шароитларига мувофиклиги тамойили.

**Харбий-ватанпарварлик тарбиясининг илмий асосланганлиги** тамойили, унинг услубий ва мафкуравий асослари илмий жихатдан асосланганлигини харбий-ватанпарварлик тарбияси жараёнидаги хар кандай узгаришлар, фактлар, холатлар тахлил этилиб, хар томонлама очиб берилишини назарда тутди.

Ёшларнинг харбий-ватанпарварлик тарбияси миллий мафкурага асосланиб, жанговар хужумкор хусусиятларга эга булиши, ёшларни Ватан химоясига тайёрлаш борасида учраётган барча камчиликларни катхий очиб ташлаши ва уларни тузатиш тадбирларини ишлаб чиқиши керак.

**Харбий-ватанпарварлик тарбиясига тарихий ёндошиш тамойили**, аввало, бу тарбия мазмуни, унинг шакл ва услублари кечаётган тарихий вазиятга мослашиши керак, деган мазмунни ифода этади. Бу харбий-ватанпарварлик тарбиясини узбек халкининг утмишдаги жанговар ва меҳнат анханаларига ва хозирги даврдаги мустакил суверен, иктисодиёт жихатдан ривожланган, халқаро микёсда уз урнига эга булган, Узбекистоннинг буюк келажакини яратаётган халкимизнинг қахрамонона меҳнатларига таяниб, улар асосида олиб борилишини назарда тутди.

Амур Темур, М.Бобур каби доно хукмдорлар хокимиятни бошқарган замонларда узбек давлатчилигининг, цивилизациясининг энг гуллаб яшнаган ва энг юкори даражага кутарилган даврлари булган. Бундай буюк кишилар хукмронлик қилган ерларда хунармандчилик, илм фан ва санхат гуллаб яшнаган. Худди шу даврларда халкимизнинг харбий санхати хам узининг энг юксак даражаларига етган. Биз А.Темур, Бобур каби буюк саркардаларимизнинг мустакил, кудратли давлат тузилиши учун олиб борган қахрамонона курашларини биламиз ва улар билан хакли равишда фахрланамиз.

Хулоса шуки, харбий-ватанпарварлик тарбияси жараёнида, ёшлар уз Ватанлари ва халкининг утмиши нақадар буюк булганлигини яхши билиб ва тушуниб олишлари керак, биз келажаги буюк Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, улқамизнинг ана шу буюк утмиши бизга қатта ишонч, интилиш, қобилият ва қучқувват бахш этади.

**Харбий-ватанпарварлик тарбияси назариясининг амалиёт билан боғлиқлиги тамойили,** тарбия жараёнида узининг муҳим урнига эгадир.

Бу тамойил харбий-ватанпарварлик тарбиясини Ўзбекистон халқи ҳар бир тарихий вазиятда ечаётган, амалга ошираётган вазифаларига ёндоштиришни назарда тутди. Ёшларга халқимиз, жамиятимиз тараққиётини юқсалтириш борасида олиб бораётган ишлар, булаётган улқан узғаришлар натижалари ва қурилиш жараёнида ўқраётган қамчиликлар ҳақида тула маълумот бериш, уларни халқимиз амалга ошираётган тарихий, оламшумул меҳнат жараёнига жалб қилишда жуда муҳимдир.

**Ватанпарварлик ва байналминал тарбиянинг бирлиги тамойили** -бу харбий-ватанпарварлик тарбиясининг яна бир муҳим тамойилларидан биридир. Ватанпарварлик тарбияси -бу ёшларни, халқимиз қахрамона утмишини, улуг аجدодларимиз ва халқимизнинг буюк сарқардалари, жасур углонлари қахрамонлиқлари ва улар ҳаётига таяниб, уларда Ватанга чексиз муҳаббат, Она юрт душманларига нафрат руҳида тарбиялашни, уз Президенти ва халқига ҳамиша садокатли булиб қолиш қаби хусусиятларни шакллантириш демақдир.

Байналмилал тарбия -бу узга халқлар ва уларнинг тили ва маданиятини ҳурмат қилиш, дуст давлатлар халқлари, уларнинг ёшлари билан узаро дустона алоқада булиш ва ҳамжихатлиқда, тинч-тотувлиқда яшаш, умумий мақсадлар сари бирга қурашиш қаби ҳислатларга ургатиш ва йуналтириш деган мазмунни англатади.

**Жамоада ва жамоа ёрдамида тарбиялаш тамойили**- бу харбий иш, харбий хизмат ва харбий хизматчилар уртасидаги муносабатлар жамоавий хусусиятга эга эканлигини назарда тутди. Чунки, ҳозирги даврда мураккаб қурол-яроғлар, жанговар техникалар, харбий жамоалар -экипажлар, булимлар томонидан бошқарилади. Бу вазият уз-узидан бу жамоада узаро ҳамқорлик, бир-бирларини тушуниш, бир-бирларига ёрдам бериш қаби муносабатларни талаб этади. Бундай муносабатларнинг булиши, харбий жамоанинг ҳар қандай вазиятда ҳам аниқ ва тезқор равишда ҳаракат қилишларига имқон яратади.

**Харбий-ватанпарварлик тарбиясининг ҳар хил ёшлар гуруҳларига мувофиқ ёндошиш тамойили,** аввало, бу ёшлар гуруҳлари билан, уларни қизиқиши ва интилишларини, ҳаётда эгаллаган мавқелари ва уларни эзгу-нийат, мақсадларини инобатга олиб, тарбия ишларини олиб боришни такозо этади.

Бизга маълумки, ёшлардаги улғайишнинг ҳар бир даврида, улар ўқун қизиқиш ўйготувчи ва уларнинг ҳаракатини, интилишини маълум бир йуналишларга йуналтирувчи омиллар мавжуд булади.

Харбий- ватанпарварлик тарбияси жараёни мана шу омилларни ҳисобга олиб, уз ишларини амалга оширган ҳолдагина, қуланган натижаларига эришиши мумқин.

**Тарбиянинг шахс хусусиятларига мувофиқлиги тамойили**, яна бир муҳим тамойиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу тамойил ЧЁТ раҳбари ва бошқа уқитувчилар томонидан ҳар бир уқувчининг шахсий сифатлари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уларга тартибли ёндошишни назарда тутлади. Бу ерда уқувчиларнинг қобилиятларини, қизиқиш ва интилишларини, уларни ижобий ва салбий одатларини урганиш ва улар асосида тарбия ишларини олиб бориш муҳим аҳамиятга эгадир.

Харбий-ватанпарварлик тарбиясининг яна бир муҳим тамойилларидан бири, *бу- харбий- ватанпарварлик тарбиясини ҳақиқий харбий хизмат шароитларига мувофиқлиги тамойилидир*. Бу тамойил ЧЁТ раҳбаридан, харбий иш ва харбий хизмат асосларидаги янгиликлардан ўз вақтида хабардор бўлишни, янги жанговар техника ва қуролларни билишни, Қуролли Қучлар тузилишидаги ўзгаришлар ва қушинлардаги таҳлим ва тарбия жараёнидаги илғор шакл ва услублар асосида иш юритишни талаб этади. Булғуси Ватан химоячиларини харбий хизмат даврида зарур булган билим, қуниқма ва малакаларга ургатиш катта аҳамиятга эгадир.

Юқорида келтириб ўтилган харбий-ватанпарварлик тарбиясининг асосий тамойиллари, бир-бирлари билан ўзвий боғлиқликда бўлиб, улар доимо бир-бирларини тулдириб турадилар. Шунинг учун ҳам харбий- ватанпарварлик тарбияси жараёнини ана шу омилларни ҳисобга олган ҳолда режалаштириш ва ташкиллаш мақсадга мувофиқдир.

### **Харбий -ватанпарварлик тарбиясининг шакл ва услублари.**

Уқувчиларнинг харбий-ватанпарварлик тарбияси ишларида тарбия, оммавий ташвиқот ишларининг кенг шакл ва услублари қулланилади.

#### **Ёдда тутинг:**

**Тарбиявий ишларнинг шакллари деганда**, у ёки бу тарбиявий мақсадга эришишга йўналтирилган, уқувчиларнинг жамоавий ва яқка тартибдаги фаолиятларини ташкиллаш услублари тушунилади.

Бундай шаклларга қуйидагилар киради:

- маҳрузалар;
- докладлар;
- суҳбатлар;

- хикоялар;
- тематик кечалар;
- йигилишлар;
- мажлислар;
- саёхат ва экскурсиялар уюштириш;
- жасорат дарслари;
- харбий- спорт байрамлари;
- «Шункорлар» харбий- спорт уйинлари.

#### **Ёдда тутинг:**

**Тарбиянинг услуги дейилганда**, уқувчиларда аниқ бир тарбиявий сифатларни шакллантиришга йуналтирилган педагогик тахсирнинг усул ва услубларининг йигиндиси тушунилади.

Харбий-ватанпарварлик тарбиясида тарбиянинг умумий услублари кенг кулланилади. Уқувчиларнинг харбий-ватанпарварлик тарбиясида урнат, ишонтириш, машқ, рағбатлантириш, тақдирлаш ва мажбурлаш каби услублар фойдаланилади.

Тарбия услублари уз хусусиятлари буйича ургатиш, ривожлантириш, шунингдек, тарбиялаш вазифаларини ҳам бажаради.

ЧЁТ раҳбари дастур буйича машгулотлар учун зарур булган услубларни танлайди, бу услублар кузланган тарбия ва уқув мақсадларига эришишни тахминлаши лозим.

Куйида, биз харбий-ватанпарварлик тарбиясининг асосий услубларини куриб чиқамиз:

**Ишонтириш услуги** -уқувчиларда кенг дунё карашни, ватанпарварлик туйғуларини, асосий сифатларини шакллантирувчи ва уларни ривожлантирувчи асосий услубдир. ЧЁТ раҳбари бу услуб ёрдамида уқувчиларнинг онги, туйғулари ва иродаларига бевосита тахсир этиб, уларни аниқ мақсадлар сари йуналтиради.

**Урнат услуги** -бу услуб асосида, аввало инсонларнинг ижобий образларига тақлид килиш, уларга эргашини каби онгли интилишлари ётади. Уқувчиларга аждодларимизнинг қахрамонона утмишлари, уларни жасурликлари ва бугунги кундаги Куролли Кучларимиз сафидаги фидоий офицер ва аскарларнинг жасоратлари хақидаги хикоялар чуқур тахсир ётади. Улар бу

кахрамонлар хаётидан фахрланадилар, улардан урнак олишга интиладилар, уларнинг хаёт йулларини урганиб, уларга ухшашга ҳаракат қиладилар.

Уқувчиларнинг ҳаракатлари ва юриш туришларини фаоллаштириш учун рағбатлантириш услублари қулланилади. Буларга қуйидагилар киради:

- рағбатлантириш услуби;
- мажбурлаш услуби;

**Рағбатлантириш услуби** -уқувчилардаги ижобий кизиқиш ва интилишларни, уларда узига булган ишонч туйғуларини ривожлантириш ва эришилган натижаларига махсулият ҳисси, янги мувафаккиятларга интилишлар каби ҳислатларни шакллантириш учун қулланилади. Рағбатлантириш шакллари булиб, бу ерда мактов, миннатдорчилик, муқофот, фахрий тахтачага уқувчининг суратини жойлаштириш ва бошқалар булиши мумкин.

**Мажбурлаш услуби** -тарбиявий мақсадларда, агар уқувчининг ҳаракати ва юриш туришлари жамиятда қабул қилинган умумий ахлоқ нормаларига зид келса, шунингдек, унга қуйилаётган талабларни бажармаса, уларни бажариш унда хоҳиш истакларни ҳосил қилиш учун қулланилади. Уқувчига мулжалланаётган ҳар бир жазо ёки мажбурлаш, ишонтириш услуби билан биргаликда булиши ва унинг асосида қулланилиши керак.

**Мажбурлаш услуби**- бу услуб қачонки, барча услублар ва чоралар қулланилиб, улар қутилган натижаларни бермаган вазиятлардагина қулланилиши мумкин.

Харбий-ватанпарварлик тарбиясининг шакл ва услубларини, улардан фойдаланиш тартиб қоидаларини чуқур билиш, ЧЁТ раҳбарига харбий-ватанпарварлик тарбияси ва оммавий-мудофаа ишларини пухта режалаштириш ва ташкиллашга имкон яратади.

### **Ёшларнинг харбий ватанпарварлик тарбиясига раҳбарлик.**

Ҳар қандай мураккаб система сингари, харбий- ватанпарварлик тарбияси ҳам бошқарув булишини такозо этади. Бошқарув вазифалари қуп қирралидир, лекин унинг энг асосийси -бу бошқариладиган системанинг ҳолатини урганишдир. Бу ерда суз харбий-ватанпарварлик тарбиясининг ташкилланиши ва унинг натижалари, яъни уқувчиларнинг харбий хизматта муносабати, Ватан химоясига шайлиги тугрисида ва бу ишларни такомиллаштириш буйича қарорлар қабул қилиш тугрисида бормоқда.

Бу асосий вазифалардан ташқари, харбий-ватанпарварлик тарбиясининг ҳисоботини юргизиш ва уни таҳлил қилиш, педагог кадрларни танлаш ва жойига қуйиш, уларнинг вазифаларини белгилаш ва тартибга келтириш, шунингдек, бу махсулиятли ишда уларни назорат қилиш ва рағбатлантиришни ҳам уз ичига олади.

Харбий-ватанпарварлик тарбиясини педагог бошқарувининг муҳим тамойиллари қуйидагилардир:

- илмийлик, яхши ҳар хил ёшдаги ўқувчиларда ҳарбий-ватанпарварлик тўғуларини ривожланиши қонуниятларини ҳисобга олишга асосланганлиги;
- жамоавий ва яққабшлик бошқарувининг бирлиги;
- ошқоралик, ишчанлик, бутун педагог жамоанинг ўқув юрти бошқарувида қатнашиши;
- ҳар бир кишининг топширилган топшириққа шахсий маҳсулияти;
- ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини ташкиллашнинг режага асосланганлиги;
- тарбиявий ишларда энг муҳим йўналишларни танлаб олиш ва уларни ривожлантириш малақасининг борлиги;
- ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси жараёнига кенг оммани жалб қилиш ва бошқалар.

Бошқарув фаолияти -бу энг аввало, ўқув юрти маҳмуриятининг вазифаси бўлиб, у маҳмурий топшириқ бериш усуллари билан бирга услубий усуллардан ҳам кенг фойдаланиши керак. Бу ўқувчиларнинг ва синф раҳбарларини ҳарбий-ватанпарварлик ишларидаги педагогик маҳоратларини ўсишга ёрдам бериши, ўқув юртида фаоллик ва бу ишларнинг яқиний натижасига интилиш каби ижобий ҳолатларини шаклланишига хизмат қилиши зарур.

Бошқарув фаолиятининг муваффақияти педагогик жамоа ўртасида вазифаларни аниқ тақсимлаш билан боғлиқдир.

Қуйида биз ўқув юрти маҳмурияти ва ўқувчиларининг ҳарбий ватанпарварлик тарбияси борасидаги вазифаларни қуриб чиқамиз.

**Ўқув юрти директорининг вазифалари** қуйидагилардан иборатдир:

- ўқув юртида ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси ишларига умумий раҳбарлик қилиш, кадрларни танлаш, уларни ўз жойига қўйиш ва тарбиялаш;
- ҳарбий- ватанпарварлик тарбияси ишлари ҳолатини таҳлил қилиш, уни режалаштириш ва жамоат ўқув юртидан ташқари ташкилотлар билан мувофиқлаштириш;
- ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси фаолияти, ўқувчиларнинг педагогик маҳоратларини ошириш бўйича ташаббуслар билан чиқиш ва уларни амалга ошириш;
- ўқув юрти микёсида ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси ишларини назорат қилиш ва ҳисоботни юргизиш;
- ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини ташкиллаш учун зарур бўлган моддий, ижтимоий ва ахлоқий-руҳий шароитларни яратиш;
- ўқув юртидаги ёшлар тараққиётига амалий ёрдам қўриштириш.

Булардан ташқари ўқув юрти директори ҳарбий- ватанпарварлик тарбияси бўйича педагогик кенгашнинг раиси бўлиб ҳам ҳисобланади.

### **Директорнинг уқув тарбиявий ишлар буйича уринбосарининг вазифалари:**

- уқув фанларининг харбий-ватанпарварлик тарбияси буйича вазифаларни ечиш имкониятларини аниқлайди ва уларни уқув тарбия жараёнида амалга оширади;
- уқувчиларни Ватан химоясига тайёрлаш буйича дарс ва дарсдан ташкари амалга ошириладиган ишлар бирлигини ва узаро хамкорлигини тахминлайди;
- уқув тарбия жараёнини харбий-ватанпарварлик йуналишида олиб борилиши хакида гамхурлик килади ва бу борада амалий ва назарий конференциялар, семинарлар, педагогик жамоа йигилишларини утказиши, шунингдек, уқитувчиларга услубий ёрдам беради.

### **Директорнинг дарсдан ва мактабдан ташкари ишлари буйича уринбосарининг вазифалари:**

- дарсдан ва мактабдан ташкари вақтдаги харбий-ватанпарварлик тарбияси ишларига рахбарлик килади;
- ёшлар ташкилотларига оммавий- мудосфаа ишларини ташкиллаш ва утказишга услубий ёрдам беради;
- «Шункорлар» харбий-спорт уйинларини утказиш буйича маслахатчилар кенгашига рахбарлик килади;
- синф рахбарлари томонидан режалаштириладиган харбий ватанпарварлик тарбияси ишларини назорат ва тахлил килади, уларни аниқ бир мақсадга йуналтирилганлигини тахминлайди;
- синф рахбари ва фан уқитувчиларига харбий-ватанпарварлик тарбияси ишлари буйича услубий ёрдамлар беради;
- уқув юртини бошка ташкилотлар ва муассасалар билан харбий ватанпарварлик тарбияси буйича булган алоқа ва узаро хамкорликларини мувофиқлаштиради.

### **Синф рахбарининг вазифалари:**

- синф жамоасининг харбий-ватанпарварлик тарбияси буйича фаолиятига рахбарлик килади;
- ушбу синф билан ишлайдиган уқитувчилар ишларини режалаштиради ва уларни мувофиқлаштиради;
- уқувчиларда харбий-ватанпарварлик туйгуларининг шаклланишини доимий равишда кузатиб боради;
- харбий- ватанпарварлик тарбияси жараёнига тузатишлар киритади ва бу жараёнга ота-оналар ва мутасадди ташкилотлар вакилларини жалб килади.

### **Фан уқитувчиларининг вазифалари:**

- уқув тарбия жараёнининг харбий-ватанпарварлик йуналишида булишини, уз фани воситалари ёрдамида булажак Ватан химоячиси шахсини шаклланишини тахминлайдилар;
- дарснинг тарбиявий мақсадлари таркибига доимий равишда харбий ватанпарварлик жихатларини киритадилар, уқув мақсадига мувофиқ материал танлайдилар ва уни фаол услублар билан баён киладилар;
- уқув юртининг ёшлар ташкилотларига педагогик ёрдам курсатадилар;

- «Ватанпарвар», «Камолат» сингари ташкилотларнинг бирламчи жамиятларига раҳбарлик қиладилар;
- тугаракларда утказиладиган машғулотлардан укувчиларнинг ҳарбий ватанпарварлик тарбияси учун фойдаланадилар.

#### **Чакириккача ёшлар тайергарлиги раҳбарининг вазифалари:**

- укув юрти директорининг дарсдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар буйича уринбосари билан биргаликда укувчиларни ҳарбий ватанпарварлик тарбияси буйича тадбирларни режалаштиради, ёшларни Ватан ҳимоясига тайёрлашларида синф раҳбарлари ва фан укутувчиларига услубий ёрдам курсади;
- укув соатлари вақтида ЧЁТ буйича ва дарсдан ташқари вақтларда факултетив машғулотлар утказади;
- укув юрти маҳмурияти ёрдамида ЧЁТ моддий базасини ривожлантиради ва такомиллаштиради;
- ЧЁТ фанини бошқа фанлар билан фанлараро боғлиқлигини тахминлайди;
- Ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси буйича фаоллар кенгашини тайёрлашга раҳбарлик қилади;
- Ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси буйича педагогик кенгашга ва ёшлар ташкилотларига «Шункорлар» ҳарбий-спорт уйинларини ташкиллаш ва утказишда услубий ёрдам курсади;
- Ҳарбий-техник тугаракларини ташкиллайди ва улар ишига раҳбарлик қилади;
- укув юртида оммавий-мудофаа ишлари буйича тадбирларга раҳбарлик қилади ва бу ишларга масхул шахслар, ташкилотлар, укутувчилар, захирадаги фаҳрийлар ва ота-оналарни жалб қилади;
- юкори синф укувчилари билан оммавий-мудофаа тугаракларида шахсан машғулотлар утказади;
- «Ватанпарвар», «Камолат» сингари ташкилотларнинг бирламчи жамиятларига услубий ёрдам беради;
- ҳарбий қисмлар ва хомий ташкилотлар билан укув юрти уртасидаги алоқаларни тахминлайди;
- укувчиларда ҳарбий хизматга, ҳарбий касбларга булган кизиқишни рағбатлантиради ва ҳарбий касбларга йуналтириш ишларини олиб боради;
- ҳарбий қисмлар, хомий ташкилотлар ва бошқа ташкилотларнинг ёрдамидан ЧЁТ фани, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси самарадорлигини оширишда, укув-моддий базасини такомиллаштиришда фойдаланади.

#### **УКУВ САВОЛЛАРИ:**

1. Укув юртида ҳарбий- ватанпарварлик тарбиясини ташкиллаш ва утказишдан кузланган мақсад ва вазифалар;
2. Ҳарбий- ватанпарварлик тарбиясининг асосий тамойилларини санаб утинг.
3. Ҳарбий- ватанпарварлик тарбиясига тарихий ёндошиш тамойилини мазмунини ёритиб беринг.
4. Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг илмий асосланганлиги тамойили деганда нимани тушунаси?

5. Харбий-ватанпарварлик тарбиясини ташкиллашнинг асосий шакл ва услубларини санаб беринг.
6. «Рағбатлантириш» услуги мазмунини ёритиб беринг.
7. «Урнак» услуги деганда нимани тушунаси?
8. «Мажбурлаш» услуги мохиятини айтиб беринг.
9. Харбий- ватанпарварлик тарбиясига кимлар рахбарлик қилади?
10. Харбий-ватанпарварлик тарбиясидаги ЧЁТ рахбарининг мажбуриятлари нималардан иборат?

### **АДАБИЁТЛАР:**

1. И.А.Каримов «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаравон ҳаёт-пировард мақсадимиз» Т. 2000 й.
2. И.А.Каримов «Хушёрликка даҳват» Т. 1999 й.
3. И.А.Каримов «Ўзбекистон-миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мавкура» Т. 1998 й.
4. А.И.Ибрагимов, Х.Х.Султонов «Ватан туйғуси» Т. 1996 й.
5. «Ватан химояси-муқаддас бурч» Т. Харбий нашриёт. 2000 й.
6. «Харбий-ватанпарварлик тарбияси асослари» дарслиги. М. Просвещение. 1987 й.
7. «Бошланғич харбий таолом услугиёти» М. Просвещение. 1986 й.

### **Мавзу: 3 Урта махсус билим юртлирида ва мудофаа спорт соғломлаштириш оромгохларида оммавий мудофаа ишларини ташкиллаш ва утказиш услугиёти.**

#### **Режа:**

1. Оммавий-мудофаа ишларининг вазифаси, мақсад ва йуналишлари. Харбий тахлим рахбарининг харбий иш асослари буйича тугаракларни ташкиллашдаги урни ва вазифалари;
2. Оммавий-мудофаа ишларининг шакл ва услублари. Оммавий-мудофаа ишлари ойлиги ва ҳафталигини ташкиллаш ва утказиш;
3. Оммавий-мудофаа ишларини мудофаа-спорт соғломлаштириш оромгохларида ва укув-дала йигини даврида утказишнинг хусусиятлари.

### **Таянч иборалар:**

Оммавий мудрофаа ишлари, харбий техник тайёргарлик, спортнинг харбий техник турлари. Мудрофаа спорт соғломлаштириш оромгохлари, оммавий мудрофаа ишлари ойлиги, моддий техник база, тадбирларни мафкуравий-сиёсий мазмуни, харбий техник ва жисмоний тайёргарлик, мусобака дастури, мудрофаага кумаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти.

### **Муаммоли савол:**

Оммавий-мудрофаа ишларининг вазифалари нималардан иборат ва улар қандай ташкилланади?

1. Усиб келаётган ёш авлодни харбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни Она Ватан химоясига тайёрлаш, ёшлар умумий тарбиясининг ажралмас бир таркибий қисмидир.

Бу муҳим вазифани амалга оширишда урта махсус билим юртлари муҳим урин эгаллайди, чунки усиб бораётган ёш авлоднинг мафкуравий эҳтиоди, дунё карашлари айнан шу билим юртларида шаклланади.

Урта махсус билим юртларида укувчиларнинг харбий-ватанпарварлик тарбияси укушнинг бутун бир даври давомида амалга оширилади. Ёшларни Она Ватан химоясига тайёрлашда оммавий-мудрофаа ишларининг урни ҳам сезиларлидир.

### **Эслаб колинг.**

Оммавий мудофаа ишлари бу - давлат ва жамоат ташкилотларининг меҳнаткашларда, айниқса, ёшларда юксак ахлокий, жанговар хислатларини шакллантириш, уларни давлат мудофааси учун зарур булган ҳарбий билим ва малакалар билан қуроллантириш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар мажмуидир. Оммавий-мудофаа ишлари жараёнида, ёшларда мажбурий ҳарбий таҳлим шаклларида олган билим, қуникма ва малакалар мустаҳкамланади.

Оммавий-мудофаа ишлари қуйидаги тадбирларни уз ичига олади:

1. Ҳарбий -ватанпарварлик тарбияси;
2. Ҳарбий-техник билимларни ташвиқот қилиш;
3. Ҳарбий -техник спорт турларини ривожлантириш;
4. Турли техник тугаракларини тузиш;
5. Ҳарбий спорт уйинларини ташкиллаш.

Оммавий-мудофаа ишларини, ҳарбий билимларни ташвиқот қилишнинг яхши йулга қуйилишига доимий равишда утказилиб туриладиган оммавий -мудофаа ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари қуриқлари имкон яратади. Бу ишлар жараёнида ташкилот ва муассасаларда, билим юртларида жанговар ва меҳнат анханалар ташвиқоти фаоллаштирилади, янги тирлар, ҳарбий тайёргарлик хоналари, радиосинфлар ва қурик майдончалари қурилади, мудофаа тугараклари тузилади, укувчи ёшлар ҳайдовчи, тракторчи, радио алоқачи, санитар ва шунга ухшаш касбларни эгаллайди.

Ҳарбий-техник билимларни ташвиқот қилишни, ёшларда ҳарбий иш асосларини урганишга булган иштиёқни тарбиялаш шаклларида бири, бу ҳарбий ватанпарварлик аҳамиятига эга булган ва Ватанимиз тарихидаги муҳим воқеалар билан боғлиқ улуг саналар шарафига бағишлаб утказиладиган оммавий-мудофаа ишлари ойлиги ва ҳафталикларидир.

Ҳарбий-техник билимлар ташвиқоти учун маҳруза ва докладлар, жанговар техника ва қуруллар, ёшларни ҳарбий техник ижодлари қуриқлари, викторина ва тематик кечалар, матбуот, қурғазмали ташвиқот ва шу каби бошқа воситалар фойдаланилади.

Ёшларни Куролли Кучларни бугунги кундаги ҳолати, унинг жанговар тайёргарлиги ва куролланиши билан таништиришга катта эҳтибор қаратилади. Уқувчи ёшлар радио электроника, ракета, авиация ва бошқа техникалар борасидаги ютуқлар ва улардан ҳарбий иш манфаатлари учун фойдаланишдаги намуналар билан танишадилар.

Оммавий мудофаа ишларида ёшларни ҳарбий иш асосларига ва мудофаа учун ахамиятга эга булган ҳарбий-техник ва халқ ҳужалигининг аниқ бир мутахассисликларига амалий ургатиш учун муҳим урин ажратилади. Ёшлар таҳлим жараёнида фуқаролар химоясининг асослари, айниқса, Оммавий қиргин куролларидан химояланиш, душманнинг ядро зарбалари оқибатларини тугатиш ва жабрланганларга уз вақтида тиббий ёрдам курсатиш усуллари билан танишадилар. Бунинг учун ёшларни амалий уқитиш ва ҳарбий техник ташвиқотнинг ҳар хил шакл ва воситалари қулланилади.

Ҳозирги вақтда, мамлакатимиздаги ташкилот, уқув юртлиари ва мактабларда ташкил этилаётган уқ отиш, авиомоделг, радио техника ва шу каби тугарак ва клублар кенг эҳтибор қозонмоқда. Бу ерда мудофаага кумаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг спорт-техник клублари, мактаб ва курслари ҳақида гапириб утиш мақсадга мувофиқдир. Чунки бу ерда ёшлар халқ ҳужалиги, шунингдек, Куролли Кучларда бир хил муваффақият билан фойдаланиладиган техникавий касбларни эгалламоқдалар.

Ҳар бир билим юрти тугарак йуналишини танлашда моддий базани ва машгулотларни олиб бора оладиган мутахассисларни борлигидан келиб чиқиб иш юритиши керак. Оммавий-мудофаа тугаракларида раҳбарлик қилиш учун яқин атрофдаги ҳарбий қисм офицер ва сержантлари, ҳарбий билим юрти курсантлари, «Ватанпарвар» ташкилоти фаоллари, захирадаги офицерлар, ота-оналар, ҳарбий таҳлим уқитувчилари ва олий уқув юрти талабалари жалб қилинади.

Тугараклар ишларини Ўзбекистон Республикаси Олий ва Урта махсус таҳлим Вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва мудофаага кумаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти билан келишилган дастурлар асосида олиб бориш тавсия этилади. Ҳар бир билим юртида 2-3 та тугарак ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳарбий ва ҳарбий-техник тугаракларнинг дастурларини уларга мувофиқ қелувчи фан дастурларига боғлиқ ҳолда олиб бориш керак. Тугарак машгулотларида тайёрланаётган кичик ҳажмли машина ва радиоасбобларнинг тузилиши ва ишлаш принципи асосида ётган, уқувчиларга физикадан маълум булган қонунларни эслатиб утиш мақсадга мувофиқдир. Тугараклар ишларини ҳарбий ишлар билан боғланган ҳолда, қачон, қандай ҳарбий техникаларда, у ёки бу илмий қонунлар ва қонуниятлардан фойдаланиш мумкинлигини курсатиб, уларни амалий йуналишлигини таҳминлаб бериш жуда муҳимдир.

Тугараклар ишларининг муваффақияти қуп жихатдан билим юрти моддий базасини техник жихатдан таҳминланишига боғлиқ булади. Бунинг учун ҳомий ташкилотлар, ҳарбий қисмларнинг имқониятларидан уқув ва таҳлим қоналарини уқитишнинг техник воситалари билан жихозланган устақоналарни жихозлашда, билим юртини керакли қурғазмали қуроллар ва материаллар билан таҳминлашда тулик фойдалана билиш керак.

Тугарак ишини ташкил этишда шуни назарда тутиш керакки, унинг самарадорлиги амалий йуналиши ва натижаллиги, у ёки бу харбий мутахассисликка бошлангич билим ва куникмаларни олишга ёрдам берувчи турли туман услублардан фойдаланишга боғлиқ булади. Укув йилининг охирида тугарак ишларини якуний натижалари куриб чиқилади, укувчиларнинг техник ижодлари намуналари куриги ташкил этилади.

Харбий ватанпарварлик ишларида юкори синф укувчиларига харбий ва харбий техник билим ва куникмаларни узлаштиришга ёрдам берувчи укувчиларнинг харбий ватанпарварлик бирлашмалари ва клублари сезиларли уринни эгаллайди. Шунингдек, харбий билим юртларини укувчи ёшларни харбий мутахассисликларни эгаллашга тайёрлашда утказадиган барча иш шаклларида тула фойдаланиш тавсия этилади.

Ушбу клуб ва билим юртларида машгулотлар учун керакли шароитларни яратиб, юкори синф укувчиларининг харбий техник тахлимлари мувафаккиятини тахминлаган холда, укувчиларни хар томонлама кизиштириб, бу даргохларга купрок ёшларни йуллаш керак.

Урта махсус билим юртларида харбий ватанпарварлик ишларини ташкиллашда, ёшлар уйи (маркази), ёш техниклар станциялари, техник ижод клублари каби мактабдан ташкари муассасалар якиндан ёрдам беришлари керак. Улар харбий техник тугараклар (ук отиш, автмотоцикл, радиотехник, радиоэлектроника ва бошқалар)ни ташкил этадилар, шунингдек, барча тугаракларда ва усмирларни техник ижодлари гурухларида харбий ватанпарварлик ишларини олиб борадилар; «Ватанпарвар» ташкилоти билан биргалиқда спортнинг харбий амалий турлари буйича мусобакалар, харбий ва харбий техник мавзуида куриклар ва олимпиадалар ташкил этадилар.

Укувчиларни харбий техник тайёргарлиги ёзги тахтил вақтларида ҳам тухтаб колмаслиги керак. Бу вақтда мактабдан ташкари болалар ва усмирлар муассасалари уз ишларини давом эттирадилар, укувчилар оромгохларида харбий техник тугараклари тузилади, спортнинг техник турлари буйича мусобакалар утказилади, «Ватанпарвар» ташкилотининг техник клубларига, харбий кисм ва билим юртларига экскурсиялар уюштирилади. Укувчилар харбий спорт оромгохларида автомобилг ва мотоциклларни хайдаш, ук отар куруллардан ук отиш малакаларини такомиллаштирадилар.

Жамоа ташкилотларининг ёрдами билан махсуслашган техник мудофаа оромгохлари ташкил этилиб, уларнинг моддий базаси асосида хар хил техник тугараклар катнашчиларининг йигини утказилади ва шунингдек, спортни харбий техник турлари буйича мусобакалар ташкил қилинади.

Укувчи ёшларни Курулли Кучлар хизматига яхши тайёрлаш мақсадида спортнинг харбий-амалий турлари машгулотларига жалб қилиш, харбий ватанпарварлик ва оммавий мудофаа ишларида алоҳида урин эгаллайди.

Усмирларда жисмоний чидамлилиқни, эпчиллиқни, харакатлар бажарилишининг тугрилиқини, кузатувчанлиқни, ташки тахсирга жавоб тезлиқининг ривожланиши доимий диққат эҳтиборда булиши зарур. Укувчилар бу малакаларни тусиқлар чизигини

забт этишда, кичик калиберли винтовкалардан ук этишда, жойларда йуналишни топишда, нишонга гранатани улуктириш каби машгулотларда узлаштирадилар.

Жисмоний ривожланиш ва олинган малакаларни такомиллашуви мактаблар ва жамоа ташкилотлари кучлари билан ташкил этилган мудофаа спорт оромгохларида давом эттирилади.

Куйилган вазифаларни муваффакиятли равишда ечиш учун мактаб укув спорт базасининг «Чакириккача ёшлар тайёргарлиги» дастурида курсатиб утилган талаблар даражасига етказиш учун харакат килиш керак.

«Алпомиш ва Барчиной» махсус тестларини топшириш учун хар бир мактабда энг яхши спортчилардан жамоат инструкторларини ва спорт секциялари рахбарларини тайёрлаш керак.

**Харбий ватанпарварлик тарбияси ва оммавий мудофаа ишларини ташкиллаш ва утказишда харбий тахлим рахбарининг вазифалари:**

1. Мактабда харбий тугаракларни тузиш ва улардан 1,2-сида машгулотлар олиб бориш, шунингдек, бошка укутувчиларга укувчиларни харбий ватанпарварлик рухида тарбиялашда уз ёрдамини курсатиш, хар хил куриклар, спортнинг харбий-амалий турлари буйича мусобакалар ташкил этиш ва утказишда фаол катнашиш;
2. 2,5-синф укувчилари билан Фукаролар химоysi буйича шугулланаётган укутувчиларга услубий ёрдам курсатиш;
3. Харбий ватанпарварлик ва оммавий мудофаа ишларини режалаштириш ва утказишда синф рахбарларига услубий ёрдам курсатиш;
4. Укувчи ёшларни харбий тахлими ва харбий ватанпарварлик тарбияси сифатини ошириш махсадида хомий булган харбий кисмлар ва жамоат ташкилотларининг ёрдамидан самарали фойдаланиш;
5. Харбий мутахассисликларни ташвиқот килиш ва мудофаа ишлари булимига усмирларни харбий билим юртларига танлашда кумак бериш;
6. Мактаб директори рахбарлигида харбий тахлим тайёргарлигини тугалланишига багишлаб, харбий спорт байрамларини ташкил этиш ва утказиш.

ЧЕТ рахбари уз вазифаларини мактабнинг педагогик жамоаси ва энг аввало, синфдан ва мактабдан ташкари тарбиявий ишлар ташкилотчиси, жисмоний тарбия укутувчиси ва синф рахбарлари билан биргалиқда бажариши керак. У уз ишларини мактабдаги ёшлар ташкилотларига таяниб олиб бориши лозим.

***ХАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИ ВА ОММАВИЙ МУДОФАА ИШЛАРИ ОЙЛИГИНИНГ АСОСИЙ  
ВАЗИФАЛАРИ.***

1. Мактабдаги ёшлар ташкилотларини харбий кимлар билан булган алоқасини янада мустахамлаш.
2. Укувчи ёшларни Узбекистон Куролли Кучларига садокат рухида тарбиялаш ишларини кучайтириш.
3. Оммавий мудофаа ишларини самарадорлиги ва юкори синф укувчиларини техник ва жисмоний тайёргарлиги даражасини ошириш, шунингдек уларни Узбекистон Куролли Кучлари хизматига тайёрлаш.

Харбий ватанпарварлик ва оммавий мудофаа ишлари ойлиги кунларида, ёшларни жисмоний ва харбий техник тайёргарлиги буйича «Алпомиш» ва «Барчиной» махсус тестларини топшириш утказилиши, Харбий ватанпарварлик ва оммавий мудофаа тадбирлари, жанговар ва меҳнат шуҳрати жойларига сафарлар, улар буйича махрузалар, суҳбатлар, шон-шуҳрат кечалари, кинофестиваллари, Узбекистон кахрамонлари билан учрашувлар, шунингдек, харбий-амалий спорт турлари буйича мусобакалар уюштирилиб, харбий спорт байрамлари утказилади. «Ватанпарвар» ва «Камолат» ташкилотлари ойлик кунларида «Узбекистон Конституцияси Ватан химояси тугрисида» мавзусида махрузалар, жасорат дарслари ва куриклар ташкил этадилар. 14-январ «Ватан химоячилари куни» укувчилар Ватанимиз озодлиги ва мустакиллиги йулида курбон булган кахрамонлар хайкаллари пойига гулчамбарлар куйиб, фахрий коровулда турадилар.

Утказилаётган барча Харбий ватанпарварлик ва оммавий мудофаа ишлари тадбирларининг мафкуравий-сиёсий мазмуни, укувчиларга Узбекистон Конституцияси, Президент ва ҳукуматнинг Ватанни химоя қилиш борасидаги конун ва қарорларини, Узбекистон Республикаси ҳукумати олиб бораётган тинчликсевар ички ва ташқи сиёсатни, Ватанимиз тинчлиги ва хавфсизлиги йулида амалга оширилаётган фаолиятларини тушунтириб беришдан иборат булиши керак.

Харбий ватанпарварлик ва оммавий мудофаа ишлари ойлиги кунларида халқимизнинг утмишдаги буюк фарзандлари қилган оламшумул кахрамонликларини ва бугунги кунда Куролли Кучлар сафларида Ватан химояси учун садокат билан хизмат қилаётган замондошларимиз жасоратларини кенг ташвиқот қилиш тавсия этилади.

Укувчи ёшларга бугунги кунда халқимизни, озод ватанимизни мустахам, иқтисодиёт жихатидан қудратли ҳуқуқий жамият яратиш йулидаги тинч меҳнатини қура олмаётган ва бизнинг мустакилликимизга раҳна солаётган ҳар хил диний экстремистик гуруҳларининг жинойтқорона қирдикорларини руй-рост очиб ташлаб, уларни бу иллатларга, халқимиз душманларига қарши аёвсиз қурашга ва Узбекистоннинг садокатли фарзандлари булиб етишишга чақириб мақсадга мувофиқдир.

«Ватанпарвар» ва ёшлар ташкилотлари ойлик кунларида укувчиларнинг жамоатчилик асосида укув моддий базасини, укотиш тирларини, майдончаларни, тусиқлар қизигини ва бошқа укув жойларни такомиллаштиришга, қурғазмали қуролларни тайёрлашга, укув синфларни жиҳозлашга кенг жалб қилиши керак. Укув моддий базасини тула ва талаблар даражасида булиши оммавий мудофаа ишларини янада кенг ёйишга имкон яратади.

«Ватанпарвар» ташкилоти ойлик кунларида утказилаётган тадбирларни деворий газета тахририяти мунтазам равишда «Жанговар варака» лар, деворий газеталар ва мактаб радиотармоги оркали ёритиб боришларига ҳаракат қилишлари керак. Шунингдек, «Ватанпарвар» ташкилоти янги ахзолар қабул қилиш, ахзолик бадалларини тулаш, укувчилар, уқитувчилар ва ёрдамчи таркиб уртасида «Ватанпарвар» лотореясини тарқатиш бўйича катта ишларини амалга ошириши керак. Оммавий муҳофаа ойлигини яқунловчи босқичи бўлиб, Ўзбекистон «Ватан химоячилари кўни» га бағишлаб утқазиладиган кеча ҳисобланади. Бу кечалар барча иштирокчиларни эҳтиборини қозongan ҳолда, қизиқ ва мазмунли ўтиши керак. Мактабга оdatда, Улуг Ватан Уруши қатнашчилари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, захирадаги офицерлар ва маҳаллий ҳарбий қисмлар офицерлари қеладилар. Бу инсонлар ҳаётида укувчиларга айтишга, ўз хотираларини эслашга арзигулик воқеалар, ҳаётни аччиқ-чучук тажрибалари бор. Уларнинг қаҳрамонликлари, босиб ўтган ҳаёт йўллари укувчи ёшлар учун намуна бўлиб қолиши лозим. Она-Ватан химояси ва унинг раvнаки учун қилган жасорати ва меҳнат қаҳрамонликлари ёшларга «Яшашдан мақсад нима?» деган мангу саволга жавоб топишларига қумак бериб, уларни ҳаёт йўлларини белгилаб беради.

Мактабдаги бундай кечалар узок вақт кеча қатнашчилари ва укувчилар хотирасида қолиши учун узини утқазиб тартибига эга бўлиши керак.

Кеча тантанали равишда барабан садолари остида Ўзбекистон байрогини олиб кириш билан бошланади. Унинг бадиий қисми ҳам, мазмуни ҳам бой бўлиши зарур. Бунга мактаб бадиий ҳаваскорларини чиқиши, Ватан ҳақидаги қушиқ ва шеърлар, турли мавзудаги савол-жавоблар орқали эришиш мумкин.

Ҳарбий ватанпарварлик ва оммавий муҳофаа ишлари ойлиги режаси уни утқазилдан анча олдин тузилади (ишлаб-чиқилади) ва «Қамолат» ёшлар ташкилоти, «Ватанпарвар» ташкилоти, «Шўнқорлар» ҳарбий спорт ўйини мактаб штаби томонидан биргалиқда ҳар томонлама муҳоқама қилинади, ва мактаб директори томонидан тасдиқланади.

Унда барча тадбирлар, утқазиб муддатлари ва уларни амалга ошириш учун жавобгар бўлган шахслар санаб ўтилади. Ҳарбий ватанпарварлик ва оммавий муҳофаа ишлари ойлиги давомида техник ва ўқ отиш тугаракларида шугулланувчи укувчиларни сони сезиларли даражада қўпаяди, отиш мусобақалари утқазилади, муҳофаага қумаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотига янги ахзолар қабул қилинади ва «Ватанпарвар», «Қамолат» ташкилотларини лотореялари тарқатилади.

Оммавий муҳофаа ишлари ойлиги ёшларда Ўзбекистон Қуролли Қўчларига бўлган ҳурмат ва муҳаббатни тарбиялашга ҳизмат қилади, уларда шонли тарихимизни янада яхшироқ билишга интилиш ўйғониб, Чақирувгача ёшларни ҳарбий ҳизматга онгли равишда тайёрланишларига имқон яратади. Юқорида айтиб ўтилгандек, спортни ҳарбий техник турлари бўйича мусобақалар ташкиллаш, оммавий-муҳофаа ишлари ойлигининг таркибий бир қисмидир.

Спортнинг харбий-техник турлари, ёшларни меҳнатга ва Ватан химоясига хар томонлама тайёрлашнинг муҳим бир воситаларидан булиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, харбий таҳлим уқитувчиси мактабда «Ватанпарвар» ташкилоти билан биргалиқда уни кенг ривожланишига эришишга ҳаракат қилиши керак.

Бизга маҳлумки, қўпгина мактаб ва бошқа уқув юртлирида оммавий-мудоффа ишлари талаб даражасида йўлга қўйилган эмас. Уларда камдан-кам ҳолларда мусобақалар утқазилади, спортчиларни тайёрлаш, уларни тарбиялаш яхши ташкил этилмаган. Қўп ҳолларда ишларни бундай ҳолатда булишига харбий таҳлим уқитувчиси ва мактаб маҳмуриятининг меҳёрий ҳужжатларни билмасликлари, баҳзан эса мусобақаларни ташкиллашга истаклари йўқлиги сабаб булади.

- Ушбу машғулотда спортнинг баҳзи бир харбий-техник турлари буйича мусобақаларни уюштириш ва утқазилни шакл ва услубларини қўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Бундай мусобақаларга катнашиш учун 5 синфдан бошлаб уқувчиларни жалб қилиш мумкин. Мусобақалар спортнинг барча турлари буйича «Алпомиш ва Барчиной» меҳёрлари асосида утқазилади. Шундай қилиб, бу мусобақа тугарак ишлари натижаларининг якуний қўриғидир. Мусобақалар синф ичида, синфлараро, мактаб, туман, шаҳар ва вилоят биринчилиги учун утқазилни мумкин.

Спортнинг харбий-амалий турлари буйича мактабда синфлараро мусобақалар уюшган ҳолатда тантанали вазиятда утқазилади. Мусобақага уқувчиларнинг ота-оналари, хомий ташкилотларнинг вакиллари, харбий қисм офицерлари тақлиф этилади.

Мусобақалар дастури, уларни утқазилни муддатлари, уқувчиларнинг ёшлар спорт турлари буйича мусобақа қоидаларига катхий равишда мувофиқ булиши керак.

Уқувчилар қўйидаги харбий техник спорт турлари билан шугулланишлари мумкин:

- Авиамоделг;
- Автомоделг;
- Мотоциклг;
- Баталгон;
- Ук отиш;
- Радио спорти;
- Йўналишни топиш.

Мактабда утқазиладиган хар бир мусобақа пухта равишда тайёрланиши, чиройли безатилни, ташкилий жихатдан юксак даражада ва қиска вақт ичида утқазилни лозим. Мусобақаларни утқазилнига ҳақамлик даражаларига эга булган

укувчилар кенг жалб килиниши керак. Мактабдаги хар бир мусобака директор томонидан тасдиқланган датур буйича утказилиши ва бу дастур шартлари мусобака катнашчиларига икки ой аввал етказилиши шарт.

### **МУСОБАКАНИ ТАШКИЛЛАШ.**

Харбий спорт мусобакаси -бу ЧЁТ фанини узлаштиришни, тугарак ва укув машгулотлари ишларининг якунини утказиш демақдир.

Хар бир мусобака тасдиқланган дастур шартлари буйича утказилиши керак. Бу дастур мусобака утказишнинг асосий хужжати булиб хисобланади. Мусобака дастури мусобака утказилишдан икки ой аввал директор томонидан тасдиқланади. Дастур тасдиқлангандан сунг, у кучга киради ва унга мусобака давомида хам мусобакадан кейин хам узгартириш киритиш катхиян тахкиқланади. Мусобака дастури одатда 10 та булимдан иборат булади:

1. Ушбу мусобаканинг мақсад ва вазифалари ёритиб берилади.
2. Мусобакани утказиш жойи ва вақти курсатилади.
3. Мусобака рахбарияти хақида маълумотлар.
4. Мусобакани моддий техник жиҳатдан тахминлаш кимга юклатилганлиги.
5. Мусобака катнашчилари ва командалар таркиби.
6. Мусобака дастури.
7. Мусобакани утказиш шартлари.
8. Биринчиликни ва шахсий мусобака голибларини аниқлаш тартиби.
9. Катнашчиларни мукофотлаш тартиби.
10. Мусобакаларда катнашиш учун аризалар бериш тартиби курсатиб утилади.

Мусобакаларда курсатиладиган натижалар, энг аввало катнашчиларни мусобакага тайёргарлиги сифатларига боғлиқ булади.

Мусобакалар бошланишидан икки ой аввал катнашувчилар томонидан мусобака шартлари, хар бир спорт тури буйича «Алпомиш» ва «Барчиной» махсус тестларидаги нормативлар куриб чиқилиши керак булади. Мусобака катнашчилари учун хар бир спорт тури буйича доимий, хафтасига 2-3 маротаба машгулотлар ташкил этилиш мумкин.

Команда таркибини тузиш ва мусобакага ариза топширишдан бир хафтадан олдинрок якуний синов назоратини утказиш мақсадга мувофиқдир.

Бу синов назорати натижаларига асосланиб, командани асосий таркибини аниқлаш мумкин. Мусобакаларга тайёрланиш даврида спорт инвентарлари жиҳозларини, техника ва курул яроқларни яхши холатга келтириш жуда муҳимдир.

Мусобакалар сифати ва уларни тартибли утиши, уларнинг укув моддий базасини пухта тайёрлашга боғлиқ булади. Мусобака каерда булиши, югуриш йулакчаларини ким ва каерда тайёрлаши, кайси тирда ук отиш утказилиши ва шунга ухшаш барча саволлар аник ва равшан белгилаб олиниси керак. Бундан ташкари у ёки бу спорт иншоотини спортчиларни кабул килиш имкониятларини хам тугри белгилаш жуда мухимдир. Масалан, граната улоктириш майдончасига факат 1 киши жойлашади. Машкни бажариш учун зарур булган вақт (1 имконият) 1 дакика. Агар дастурда 2та имкониятдан фойдаланиш курсатилган булса, уз-уздан машкни бажариш учун булган вақт хам 2 баробар купаяди, яхни 2 дакика булади. Команда таркиби 20 кишидан иборат. Шундай экан, командага бу машкни бажариши учун 40 дакика керак булади. Командалар алмашишига, тайёрланишга яна 5 дакика ажратилади. Шундай килиб, граната улоктириш буйича 4та команда мусобакаси учун умумий хисобда 3 соат вақт керак булади.

Мана шундай хисобларни хар бир спорт тури буйича буладиган мусобакалар учун хам тузиш керак. Бу мусобакаларни тугри ташкил этишга ва уз вақтида утказишга ёрдам беради.

Юкорида куриб утилган оммавий мудофаа ишларининг шакл ва услублари турли тумандир. Бу ишларни ташкил этиш ва утказишга харбий тахлим уқитувчилари ижодий тарзда ёндашишлари керак. Чунки, укувчи ёшларни харбий билимлар билан куроллантириш, уларда харбий касбларни эгаллашга булган иштиёкни тарбиялаш, харбий спорт турларини ёшлар орасида кенг ташвикот килиш бу тадбирлар ёрдамида уларда Узбекистонга, унинг Куролли Кучларига мухаббат ва садокат туйгуларини тарбиялаш демақдир. Албатта, бундай мақсадларга етиш, режалаштирилган натижаларга эришиш уқитувчилардан, оммавий мудофаа ишлари ташкилотчиларидан катта куч-гайрат, билимдонлик, юксак ташкилотчилик сифатлари булишини талаб килади. Уз ишига ижодий тарзда ёндашиб, бу тадбирларни турли услуб ва шаклларини амалиётга жорий этиб, ёшларни Ватан химоясига тайёрлаш, давлат ахамиятига эга булган мухим вазифалардан бири эканлигини чукур хис этган уқитувчилар албатта, уз олдиларига куйилган бу шарафли вазифаларни бажарилиши уддасидан чикадилар.

### **УКУВ САВОЛЛАРИ:**

1. Оммавий мудофаа ишларининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
2. Укув юртларида ташкил этиладиган оммавий мудофаа ишларининг шакл ва услублари.
3. Оммавий мудофаа ишлари буйича утказиладиган хафталик ва ойликларнинг мазмун ва мохиятини ёритиб беринг.
4. Оммавий мудофаа ишларида харбий техник тугаракларининг ахамияти.
5. Оммавий мудофаа ишларини ташкиллаш ва утказишда ЧЁТ рахбарининг вазифалари нималардан иборат?

6. ЧЁТ фанининг яқунланишига бағишланган спорт байрами қандай амалга оширилади?
7. Харбий спорт мусобақаси дастурининг мазмунини сузлаб беринг.
8. Харбий спорт мусобақасига тайёргарлик босқичлари.
9. Харбий ватанпарварлик тарбияси ва оммавий муҳофаа ишларида «Ватанпарвар» ташкилотининг роли.
10. Ёшларни Ватан ҳимоясига тайёрлашда оммавий муҳофаа ишларининг аҳамиятини сузлаб беринг.

#### **АДАБИЁТЛАР:**

1. И.А.Каримов «Ўзбекистон-миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мавқура» Т. 1998 й.
2. А.И.Ибрагимов, Х.Х.Султонов «Ватан туйғуси» Т. 1996 й.
3. «Ватан ҳимояси-муқаддас бурч» Т. Харбий нашриёт. 2000 й.
4. «Харбий-ватанпарварлик тарбияси асослари» дарслиги. М. Просвещение. 1987 й.
5. «Бошланғич харбий таолим услубиёти» М. Просвещение. 1986 й.

### **МАВЗУ: 4 «УРТА МАҲСУС БИЛИМ ЮРТЛАРИ ВА МУҲОФАА-СПОРТ СОГЛОМЛАШТИРИШ ОРОМГОХЛАРИДА ХАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК ВА ОММАВИЙ-МУҲОФАА ИШЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ»**

#### **Режа:**

1. Харбий-ватанпарварлик ва оммавий-муҳофаа ишларини режалаштиришга қуйилган асосий талаблар.
2. Билим юртининг харбий таолим уқитувчиси ва педагогик жамоасининг харбий-ватанпарварлик ва оммавий-муҳофаа ишлари режаларини амалга оширишдаги вазифалари.

3. МССОда укувчилар харбий ватанпарварлик тарбияси тадбирларининг мазмуни ва йуналишлари.

**Таянч иборалар:**

Харбий-ватанпарварлик тарбияси системаси, харбий-ватанпарварлик тарбиясининг шакл ва услублари, харбий-ватанпарварлик тарбияси тамойиллари, тарбиянинг умумий ва махсус талаблари, «ВАТАНПАРВАР» ташкилоти, «КАМОЛОТ» ёшлар ижтимоий харакати, Жисмоний тайёргарлик. ахлокий-рухий тайёргарлик, МССО ички тартиб коидалари, ватан химоясига шайлик.

**Муаммоли саволлар:**

1. ХВТ ва ОМИ нинг режалаштиришни махсад ва вазифалари нималардан иборат?
2. Режалаштиришда кандай шароитлар хисобга олинади?

**Харбий-ватанпарварлик ва оммавий-мудофаа ишларини режалаштиришга булган асосий талаблар.**

Олдин утилган мавзуларда тахкидлаб утганимиздек, ёшларнинг харбий-ватанпарварлик тарбияси умумий тарбиянинг таркибий бир кисми булиб, у урта махсус билим юртларида маолум бир системалар асосида олиб борилади.

**Бу системанинг асосий таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:**

**Биринчидан:** Ёшларни Ватан химоясига ахлокий-рухий, умумтаолим, сиёсий жихатдан тайёрлаш учун зарур булган билим, куникма ва малакаларни узлаштиришга имкон берувчи фанлар асосларини урганиш;

**Иккинчидан:** Ўзбекистон қонунларида курсатиб утилган Чакирувгача ёшлар тайёргарлиги;

**Учинчидан:** Мактабда харбий-амалий хусусиятга эга булган куникма ва малакаларни узлаштириш буйича синфдан ташқари махсус ишлар;

**Туртинчидан:** Урта махсус билим юртлари, «Ватанпарвар» ва ёшлар ташкилотлари қучи билан ёшлар марказлари клублари ва МССОда ташкил этиладиган қувчи ёшларни мактабдан ташқари харбий-ватанпарварлик тарбияси;

**Бешинчидан:** Урта махсус билим юртларига қувчиларни харбий-ватанпарварлик рухида тарбиялашга жамоатчилик, оила, «Ватанпарвар», «Қамолот» ва ёшларнинг бошқа спорт ташкилотлари томонидан ёрдам.

Юқорида курсатиб утилган харбий-ватанпарварлик тарбияси системасини таркибий қисмлари бир-бирлари билан узаро узвий боғлангандир.

Шундай экан, харбий-ватанпарварлик системаси -бу турли тадбирларнинг мажмуи, уларни ташкиллашнинг шакл ва услублари, мазмуни, шунингдек, ёшларни Она-Ватанни химоялаш қабии, узларининг муқаддас бурчларини бажаришга тайёрлашда ёшларга билим бериш ва уларда амалий куникма ва малакаларни шакллантириш демақдир.

Харбий-ватанпарварлик тарбияси системасининг самарадорлиги, умумий педагогик ва улар билан боғланган бу тарбиянинг узига хос тамойилларини тартибли равишда амалга оширилишига боғлиқ. «Тамойил» деганда, биз, қув-тарбиявий жараён асосида ётган ва уларни шакл, услуб, мазмун ва ташкил этилишини қамраб олган таянч қоидаларни тушунамиз.

Шундай қилиб, харбий-ватанпарварлик ва оммавий-мудофаа ишларини режалаштиришда, тажрибалар ва илмий тадқиқотлар курсатаётганидек, тарбиянинг умумий, умумпедагогик ва харбий-ватанпарварлик тарбиясининг узига хос тамойилларига таяниш лозим.

Биз умумий тамойилларга бошқариш ва координациялаш, тургунлик ва усиш, жадаллаштириш ва оммалаштириш, шунингдек, харбий-ватанпарварлик тарбияси жараёнини моделлаштиришни қиритамиз.

Умумпедагогик тамойиллар орасида харбий-ватанпарварлик тарбияси мажмуини муваффақиятли тузиш учун қуйидагиларни ажратиб курсатиш муҳимдир: таолим бериш ва тарбиялаш, қув ва қушидан ташқари

ишларни узаро алоқадорлигини, укув-тарбия жараёнларини, объект ва субъектларини бирлиги ва узаро боғлиқлиги, уларни бошка фанлар билан боғлиқлиги ва бошкалар.

Харбий-ватанпарварлик тарбиясини самарадор-лиги тарбиянинг умумий тамойилларини амалга ошириш билан ҳам таоминланади.

Улар куйидагилардан иборат:

- мақсадга йуналишлиги ва босқичма-босқичлиги, хар томонлама ёндашиш, ёш ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш, жамоа орқали тарбия, укувчи шахсини ҳурмат қилиш билан талаб қилишни бирга олиб бориш, болаларни тарбиялашда укув юртининг, оила ва жамоатчиликни узаро алоқалари ва бошкалар;

### Эслаб қолинг

**Харбий-ватанпарварлик тарбиясини узига хос тамойилларига куйидагилар қиради:**

1. Укувчиларнинг Ватан ҳимоясига тайёргарликлари ва интилишларини шакллантиришга хар томонлама ёндошиш;
2. Харбий-ватанпарварлик тарбиясининг умумийлиги ва узлуксизлиги;
3. Харбий-ватанпарварлик тарбиясининг манфаатлари учун тарбияни турли фойдали- жамоатчилик фаолият турлари билан бирга олиб бориш;
4. Ўзбекистон Қуролли Қучлари фахрийлари ва жангчилари билан хар томонлама алоқалар урнатиш;
5. Укувчиларни, тузилиши ва моҳияти жиҳатдан харбий хизмат хусусиятларини уз ичига олган фаолият турларига жалб қилишдир.

Шундай экан, харбий-ватанпарварлик тарбияси системаси, бир қатор хусусиятларга эга эканлигини инобатга олиб, уни режалаштиришда, режалаштиришни нафакат яхлитлигини, балки уни тургунлигини ҳам таоминловчи талабларни ҳисобга олиш керак.

Фуқаро тарбиясида, фақат педагогик жараён назарияси эмас, балки унинг амалиёти ҳам мураккаб муаммолардан ҳисобланади. Бу йуналишда аниқ натижаларга эришиш учун, педагогик жамоалар харбий-ватанпарварлик тарбияси тадбирларини режалаштиришга кунт билан ва жиддий тарзда ёндашишлари керак.

Перспектив, йиллик ва ойлик режалаштиришни амалга ошираётган урта-махсус укув юртларининг тажрибаси диққатга сазовордир.

### **Ёдда тутинг:**

Перспектив режалаштириш деганда, биз укувчиларни ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уларни урта махсус билим юртидаги бутун таолими даврига мулжалланган харбий-ватанпарварлик тарбиясининг ташкилий шакл ва услублари, мазмун ва вазифаларини белгилашни тушунамиз.

Бу ерда укувчиларни фақат ёш хусусиятлари эмас, балки, у ёки бу синфдаги таолим мазмуни, унинг хусусиятлари, укувчиларга тарбиявий ишларни таосир даражалари, билим юртининг тури ва унинг атрофидаги ижтимоий муҳит ҳам ҳисобга олиниши керак.

Перспектив режалаштиришнинг мақсади - харбий-ватанпарварлик ва оммавий-мудофаа ишларининг барча шакл ва услубларини мафкуравий йуналишини таоминлашдан иборатдир. Қисқача айтганда, бу укувчиларни Ватан ҳимоясига тайёрлаш борасидаги барча тарбия ва таолим ишларини самарадорлигини оширишдир.

Перспектив режалаштириш бизга қандай имкониятлар бериши мумкин?

**БИРИНЧИДАН**, у синф раҳбарига ва бошқа ташкилот вакиллари томонидан айнан бир хил булган тарбиявий ишларни утказилиш эҳтимолини олдини олади. Қолаверса, жамоатчилик ва укувчиларни умумий ҳаракатларини олдиндан бирлаштиришга имкон яратади.

**ИККИНЧИДАН**, тарбиянинг энг қўл қўланиладиган шаклларида фойдаланишда, уқитувчи олдида перспектив режаларни мазмун жиҳатдан бойитиш заруриятини қўяди.

Масалан, уқитувчи 4-синфда харбий-ватанпарварлик мавзусидаги суҳбатларда қандай вазифалар ҳал этилганлигини била туриб, 5-6 синфларда ҳудди шундай суҳбатлар мазмунини бойитиш имкониятига эга бўлади.

**УЧИНЧИДАН**, харбий-ватанпарварлик ишлари самарадорлигини аниқлашда, бундай режалаштириш, қандай воситалар билан эришилганлигини белгилашга ва келгусида укувчиларни маолум бир таркиби билан харбий-ватанпарварлик системасини муваффақиятли тузиш имкониятини яратади. Бу айниқса, эндигина синф раҳбари этиб тайинланган уқитувчилар учун жуда муҳимдир. Чунки, уларда перспектив режа ва уни

амалга ошириш йул-йуриклари булмаслиги, улар утган йиллардаги харбий-ватанпарварлик тарбияси хусусиятлари хакидаги маолумотларга эга булмаслиги мумкин. Улар учун укувчиларни ватанпарварлик тарбиясининг у ёки бу даражасига кандай воситалар билан эришилганлиги буйича хулосалар чикариш имкони булмайди, бу эса ушбу йуналишда кейинги вазифаларни мураккаблашишига олиб келади.

ТУРТИНЧИДАН, перспектив режанинг булмаслиги харбий-ватанпарварлик тарбиясини, тарбиянинг бошка турлари билан хамкорлигини амалга ошириш йулида муаммолар келтириб чикариши мумкин.

БЕШИНЧИДАН, перспектив режанинг булмаслиги, ватанпарварлик тарбияси каби мухим ишда субобектив холатларни юзага келтиради. Чунки харбий-ватанпарварлик тарбияси системаси хусусиятларини белгилаш факат бир укувчига бериб куйилган булиб, бу эса уз навбатида билим юрти маомурияти, педагогик жамоа томонидан билим юртида олиб борилиши керак булган мухим мафкуравий ишларга рахбарлик килишни сусайишига олиб келади ва яна бундан ташкари, перспектив режанинг булмаслиги, таолим муассасалари томонидан харбий-ватанпарварлик тарбиясига рахбарлик килиш даражаси пасайишини келтириб чикаради. Бу эса, билим юртида олиб борилаётган ватанпарварлик тарбияси ишлари хакида обобектив хулосалар чикариш имконини бермайди. Режалаштиришнинг навбатдаги тури -бу йиллик режалаштиришдир.

### **Ёдда тутинг:**

Йиллик режалаштириш деганда, биз тадбирлар бажарилиши лозим булган вакти ва унинг жавобгар шахслари курсатилиб, маолум бир укув муддатига мулжалланган ташкилий шакл ва услублар, мазмун ва вазифаларни йигиндисини тушунамиз.

Амалиётда, харбий-ватанпарварлик ишларини бошка ишларда булгани каби чорак, ярим чорак, йиллик режалаштириш одат тусига кирган. Харбий-ватанпарварлик ишларини узига хослиги шундан иборатки, куп холларда бахзи бир тадбирларни амалга ошириш учун, факат билим юртини эмас, балки, бир катор бошка ташкилотларни хам харакатлари керак булиб колади. Шунинг учун хам, билим юртида харбий-ватанпарварлик тарбиясини йиллик режаси тузилиб, унда олдиндан хар бир ташкилот ва муассасаларнинг уринлари белгилаб куйилган булиши керак.

У куйидаги тадбирларни уз ичига олиши мумкин:

1. Укув жараёнида харбий-ватанпарварлик тарбиясини фаоллаштириш;
2. Оммавий харбий-ватанпарварлик тарбияси (жасорат дарслари, кечалар, харбий мавзудаги кинофестиваллар, харбий китоблар хафталиги, учрашувлар, харбий техникалар билан таништириш, харбий кушиклар куриги ва бошкалар);
3. Укувчиларни жанговар ва мехнат шухрати жойларига уюштириладиган саёхатларида катнашиш;
4. Жанговар шухрат хонаси, музейлардаги тадбирлар;
5. Укувчиларнинг харбий-техник тайёргарлигини такомиллаштириш (тугараклар, клублар, харбий-спорт турларидан мусобакалар, харбий спорт байрамлари ташкил этиш);
6. Харбий жисмоний тайёргарлик (мусобакалар, уйинлар, узокка югуришлар, «Алпомиш» ва «Барчиной» тест синовлари);
7. Харбий-ватанпарварлик тарбияси буйича фаол укувчилар билан ишлаш (укиш хакида сухбатлар, йигилишлар, тажриба алмаштириш буйича конференциялар);
8. Харбий-ватанпарварлик тарбияси буйича ота-оналар билан ишлаш (ота-оналар конференцияларини утказиш, тугарак ва секцияларни бошкаришга ота-оналарни жалб килиш, Ватанни онгли равишда химоя килишга укувчиларни тайёрлаш борасидаги оилавий тарбия тажрибаларини урганиш).
- 9.

### **Эслаб колинг:**

Ойлик режалаштириш- бу тарбиявий жараённи аник вазифалари ва мазмунларини белгилаш, харбий-ватанпарварлик тарбиясини у ёки бу шаклига таосир этувчи аник бир холатларни хисобга олишдир.

Ойлик режалаштириш харбий-ватанпарварлик ишларини бирламчи режаси булиб, унда куйидаги тадбирлар уз аксини топиши керак:

Ватанпарварлик туйгусини шакллантириш, уларга рухий таосир этиш ва уларни Ватанни севиш каби хислатларига ургатиш. Бирок, оммавий амалиётда аник бир тарбиявий ишларнинг мазмун ва услублари

буйича куп саволлар, унинг ташкилотчилари диққат эҳтиборидан четда қолмоқда. Бунинг сабаби куйидагилардан иборат.

Билим юртида аниқ вақтда утказиладиган тарбиявий тадбирларни режалаштиришга салбий ёндошишни юзага келиши, бундай режани шарт эмас деб ҳисоблашлари ва куп раҳбарларни назоратни сусайтирганликлари шундай вазиятни юзага келтирмоқда. Шунингдек, куп уқитувчиларда тарбиявий ишларни олиб боришни «узи учун» хомаки режалар тузилган булади. Уқитувчилар куп вазиятларда вазифаларни белгилаб олмайди, бунинг оқибатида эса улар тарбиявий ишлар мазмунини тула тушуниб етмайдилар.

Уқувчи тарбиясига ҳар томонлама ёндошиш, энг аввало шундан иборатки, бунда билим юртининг тарбиявий тадбирлари уқувчи шахсини баркамол этиб шакллантиришга, янги инсонни юксак ижтимоий сифатларини яратишга имкон берувчи барча омилларни яхлит бир мажмуа (система)га бирлаштиришга йуналтирилган бўлиши керак. Бу мажмуа (система)да тарбиянинг барча турлари ёш инсон махнавий кифасини шакллантиради ва булажак Ватан химоячиси учун зарур бўлган сифатларни юзага келтиради ( ишлаб чиқаради).

### **ЧЁТ раҳбари ва педагогик жамоанинг ҳарбий- ватанпарварлик ва оммавий-мудофаа режаларини амалга оширишдаги вазифалари .**

Ўзбекистон Республикасининг “Чакириккача ёшлар тайёргарлиги Низоми” да ЧЁТ раҳбарининг амалий вазифалари белгилаб берилган. У билим юртида бевосита чакириккача ёшлар тайёргарлигига, уқув қуроллари, кичик калибрли милтиқлар, уқ-дориларни сақлаш ва уларни ҳисобини юргизишга, жанговар техника, қуроллар ва уқ-дорилар билан машгулотлар утказилганда қурсатилган ҳавфсизлик қонун-қоидаларига қатъий равишда риоя қилишга жавобгардир.

У билим юртида уқув ва дарсдан ташқари вақтларда шахсан ЧЁТ буйича машгулотлар ташкил қилади ва утқазилади, шунингдек ҳарбий иш асосларини урганиш буйича тугаракларга раҳбарлик қилади. ЧЁТ раҳбари вазифалари қаторига яна ЧЁТ хонаси, қурол сақлаш хонаси, уқ отиш тирига раҳбарлик қилиш, ЧЁТ буйича уқув моддий базасини яратиш ва такомиллаштириш каби вазифалар қиради.

Урта махсус билим юртларида ҳақли равишда ЧЁТ раҳбари уқувчилар билан ҳарбий-ватанпарварлик ва оммавий-мудофаа ишларини олиб боришда, уларни ватан химоясига, усмирларни эса бевосита ҳарбий хизматга тайёрлашда асосий ташкилотчи ва ташаббускор деб ҳисоблашади. У билим юртида “Шунқорлар”

харбий-спорт уйини ва бошка харбий спорт байрамлари тадбирларига услубий жихатдан рахбарлик килади, шунингдек, жисмоний маданият уқитувчилари билан биргаликда уқувчиларни “Алпомиш ва Барчиной” махсус тест синовларини топширишга тайёрлайди ва уни ташкил этади. ЧЁТ рахбари уқув тарбиявий ишларни мактаб ва дарсдан ташқари ишлар ташкилотчиси, жисмоний маданият уқитувчилари, синф рахбарлари, билим юртининг педагогик жамоаси билан узвий ҳамкорликда олиб боради.

Ёшларни Ўзбекистон Республикасини химоя қилишдек давлат ахамиятига эга булган муҳим вазифани бажаришга тайёрлашни қучайтириш учун, ЧЁТ рахбари, фақат чуқур харбий билимга, юксак ахлокий-сиёсий сифатларга эга булибгина қолмай, балки уз шогирдларига бу билим ва сифатларни бера олиши, уқувчиларни тарбиялаш ва уқитишнинг илгор услубларини ҳам узлаштирган булиши керак.

Ёшларни Ватан химоясига хар томонлама тайёрлашни фақат ЧЁТ машгулотлари билан чегаралаб қуйиш керак эмас. Бу уқув юртининг барча педагогик жамоаси учун давлат ахамиятига эга булган масхулиятли вазифадир.

Уқувчиларни Ватан химоясига мафкуравий- сиёсий, ахлокий-рухий ва жисмоний жихатдан тайёргарлиги, билим юртларида энг аввало уқув жараёнида, қолаверса, тарбиявий-уқув ишларининг бошка турларида ҳам амалга оширилади.

Шунинг учун ҳам, хар бир уқитувчи урганилаётган фан билан узвий боғланган ҳолда, Ўзбекистон Президенти ва ҳукуматининг халқаро ва ички сиёсатини, мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, Қуролли Қучлар қудратини оширишдаги муаммоларни тугри тушунтириб бериши, Қуролли Қучларнинг амалий вазифаларини қурсатиб бериши, Қуролли Қучларга, харбий хизмат ва харбий касбларга муҳаббат туйғусини сингдириш, булажак Ватан химоячисига зарур булган ахлокий-сиёсий ва жанговор сифатларни шакллантириши керак.

Умумий таолим фанлари, дарсдан ташқари тарбиявий-уқув ишлари билан узвий боғлиқликда уқувчиларда кенг дунёқарашни, ижтимоий ҳодисалар ва воқеаларни тугри таҳлил қилиш ва баҳолаш қоби сифатларни шакллантиради, шунингдек, уларда уз Ватанларига булган чексиз муҳаббат ва садоқат туйғуларини мустаҳкам пойдеворини яратади.

Тарих, жамиятшунослик, адабиёт дарслари уқувчиларни жамият тараккиёти қонунлари тугрисидаги билимлар билан қуроллантиради, уларда Ватанимиз душманларига нафрат, халқимизнинг буюқлиги ва қудратига улмас ишонч туйғуларини шакллантиради.

Математика, физика, кимё, биология машгулотларида укувчилар замонавий жанговар техника ва куролларни, оммавий киргин куролларидан сакланиш усулларини узлаштириш учун керак булган кенг билим асосларини урганадилар. Усмирларни харбий хизматга жисмоний жихатдан тайёрлашда жисмоний маданият дарсларининг ахамияти бекиёсдир. Укувчиларни «Алпомиш ва Барчиной» махсус тестларини топширишга тайёрлаш учун билим юртларида ягона услубий кенгаш тузилиб, унинг таркибига ЧЁТ рахбари ва жисмоний маданият уқитувчилари кирадилар. Ишнинг шу тарзда махсадга йуналтирилган холда олиб борилиши натижасида, юкори синф укувчилари харбий-ватанпарварлик ва амалий спорт турлари буйича катта натижаларга эришадилар.

Юкори синф укувчиларини харбий-ватанпарварлик тарбияси учун, айникса ЧЁТ буйича машгулотлар катта имкониятларга эгадир. ЧЁТ машгулотлари давомида укувчиларда бошлангич харбий билимлар, амалий куникма ва малакалар шаклланиши амалга оширилади, булар эса Куролли Кучларга, харбий хизматга булган хурмат, замонавий жанговар техника ва куролларни узлаштиришда асос булиб хизмат килади.

Укувчиларни Ватан химоясига хар томонлама тайёрлаш, факат укув жараёнида эмас, балки дарсдан сунг ва харбий-ватанпарварлик ишларини бошка турларида хам давом этиши жуда мухимдир. Худди шу ерда укувчиларни харбий-ватанпарварлик тарбиясини мазмун, шакл ва услубларини такомиллаштиришга доимий равишда диққат-эҳтибор ажратиш керак.

Укувчи ёшларни Ўзбекистон Республикасига садокат ва мухаббат рухида, харбий хизмат бурчини пухта уташга тайёрлаш, Она-Ватан химояси учун шахсий жавобгарлик туйғусида тарбиялаш хар бир Ўзбекистон уқитувчисининг мухим булган мукаддас вазифасидир.

### **МССОда укувчиларнинг харбий-ватанпарварлик тарбияси тадбирларининг мазмун ва йуналишлари.**

Мудофаа спорт соғломлаштириш оромгохлари чакириккача ёшлар тайёргарлигини утаётган усмирлар учун ташкил килинади. МССО жойлардаги хокимият, мудофаа ишлари булими, “Ватанпарвар” ташкилоти ва халк таолими булими томонидан бир шахар ёки туман хисобига кура 1-дан ташкил этилади. МССО базасида ЧЁТни утаётган усмирлар учун дала машгулотлари йигини утказилади.

Дала машгулотлари йигини ЧЁТ буйича машгулотларнинг якуний боскичи хисобланади. МССО даги йигинларга урта-махсус билим юртлари академик лицей, ва коллежларнинг битирувчи усмирлари жалб килинади.

МССО да харбий тайёргарлик, харбий-ватанпарварлик ва оммавий-спорт ишларига бевосита рахбарлик килиш учун МССО бошлиги, укув ва тарбиявий ишлар буйича уринбосарлар, рота ва взвод командирлари, жисмоний маданият ва сузиш буйича мутахассислар тайинланади.

Юкорида айтиб утилган барча шахслар учун аник вазифалар доираси Узбекистон Куролли Кучлари Ички Низоми талаблари асосида хокимият органлари томонидан белгиланади.

Масалан, МССО бошлиги укув ва тарбиявий ишларни ташкил килиш ва утказиш, МССО шахсий таркибини интизоми, сиёсий-мафкуравий ва ахлокий-рухий ҳолати учун жавобгардир. Шу билан бирга у овкатланиш, хужалик ва молия ишлари, ички кундалик тартибга риоя килиниши, укув моддий базасини фойдаланилиши, сакланиши ва такомилланиши, усмирлар саломатлиги, оромгохни ёнгиндан саклаш хавфсизлиги учун ҳам жавоб беради.

МССО бошлигини тарбиявий ишлар буйича уринбосарига усмирларнинг мафкуравий-сиёсий ва харбий-ватанпарварлик тарбияси ва оромгох шахсий таркибининг сиёсий-ахлокий ҳолати учун жавобгарлик юкланади. Унинг вазифалари доирасига, харбий-ватанпарварлик ишларини режасини тузиш ва уни амалга ошириш, шунингдек, ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машгулотлари утказиш, ҳукукий тарғиботни, маданий-оқартув ишларини олиб бориш ва бошқалар киради. Бундан ташқари, у яна шахсий таркибни саломатлиги ва овкатланиши ҳақида гамхурлик килиши, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини билиши ва уларни уз вақтида ҳал килиши керак.

Взвод командирлари усмирларни харбий ва жисмоний тайёргарликлари, тарбияси, интизоми, сиёсий-ахлокий ҳолати ва уз секцияларида ички тартиб қодаларини саклаш учун жавоб берадилар.

Группа командирларига машгулотларни сифатли утказиш, интизом ва группадаги ички тартибни саклаш учун жавобгарлик юкланади. Улар взвод шахсий таркиби билан машгулотлар ва харбий-ватанпарварлик ишларини утказадилар, машгулотлар утилиши ва шахсий таркибни узлаштириш ҳисобини олиб борадилар. Бундан ташқари, улар усмирларнинг сиёсий ва ахлокий сифатларини билиши, уларни турмуши, эҳтиёжлари ҳақида гамхурлик килиши, машгулотларда хавфсизлик қодаларига риоя килинишини каттик назорат остига олишлари керак.

МССОда укув-дала йигини даврида усмирларнинг харбий тайёргарлиги, жисмоний ва харбий-ватанпарварлик тарбияси борасидаги укув-тарбиявий жараённи тугри олиб бориш, группа командирлари, жисмоний тарбия ва сузиш буйича мураббийларга услубий ёрдам бериш учун услубий-укув кенгаши тузилади. Кенгаш таркибига МССО бошлиги, унинг уринбосарлари, взвод командирлари ва тиббий ходимлар киради. Укув-дала йигинининг бутун даврида МССО бошлиги томонидан чакириккача ёшлар тайёргарлиги, жисмоний, харбий-ватанпарварлик тарбияси ва услубий ишлар буйича шахар, туман мудофаа ишлари булимлари билан келишилган холда, махсус режа ишлаб чикилади ва тасдикланади.

Барча режалаштирилган ва утказилаётган харбий-ватанпарварлик тарбияси тадбирлари (учрашувлар, экскурсиялар, махрузалар, сухбатлар, кеча ва байрамлар) усмирларнинг мафкуравий-сиёсий, ахлокий ва меҳнат тарбиясини оширишга, уларни рухий ва жисмоний жихатдан мамлакат мудофаасига тайёрлашга йуналтирилган булиши керак.

Шунинг учун хам, барча ишлар ва тадбирларни утказилиши, уларнинг сифати доимо каттик назорат остида булиши лозим. Факат аник бир махсадни кузлаган режа асосидагина юкори натижаларга эришиш мумкин. Бу натижаларни юзага келиши учун эса, МССО маомурияти ва барча дахлдор ташкилотлар ва хокимият вакиллари махсулдирлар.

### **Укув саволлари:**

1. Харбий-ватанпарварлик тарбиясини режалаш-тиришнинг махсад ва вазифалари нималардан иборат?
2. Харбий-ватанпарварлик тарбиясини режалаш-тиришга куйилган талаблар.
3. Харбий-ватанпарварлик тарбиясининг умумий талаблари хакида сузлаб беринг.
4. Укувчиларга куйилган махсус талаблар нималардан иборат?
5. МССОда укув-дала йигинлари кандай ташкилланади?
6. Укув-дала йигинларига кимлар рахбарлик килади?
7. Укув-дала йигини бошлиги вазифалари нималардан иборат?
8. Взвод ва группа командирларининг вазифа-ларини сузлаб беринг?
9. Укувчиларнинг харбий-ватанпарварлик тарбиясида «КАМОЛОТ» ва «ВАТАНПАРВАР» ташкилотларининг роли хакида сузлаб беринг.
10. Харбий-ватанпарварлик тарбияси тадбирлари кандай ташкилланади?

### **Адабиётлар:**

1. И.А.Каримов «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаравон хаёт-пировард максадимиз» Т. 2000 й.
2. И.А.Каримов «Хушёрликка дахват» Т. 1999 й.
3. И.А.Каримов «Узбекистон-миллий истиклол, иктисод, сиёсат, мавкура» Т. 1998 й.
4. А.И.Ибрагимов, Х.Х.Султонов «Ватан туйгуси» Т. 1996 й.
5. «Ватан химояси-мукаддас бурч» Т. Харбий нашриёт. 2000 й.
6. «Харбий-ватанпарварлик тарбияси асослари» дарслиги. М. Просвещение. 1987 й.
7. «Бошлангич харбий таолим услубиёти» М. Просвещение. 1986 й.
8. Мудофаа-спорт соғломлаштириш оромгохлари буйича Низом. Т. 1988 й

### **Мавзу № 5 “Узбекистон Республикаси укувчи ёшларини Узбекистон халки ва Куролли Кучларининг жанговар ва меҳнат анханалари асосидаги харбий ватанпарварлик тарбияси”.**

#### **Режа:**

1. Анханалар, уларнинг келиб чиқиши ва шаклланиши.

2. Ўзбекистон халқи ва Қуролли Кучларининг жанговар анханалари.
3. Аждодлар анханаларига содиқлик -уқувчи ёшлар ва Ўзбекистон жангчиларининг фахрли бурчидир.

### **Таянч иборалар:**

Жанговар ва меҳнат анханалари, анханаларнинг шаклланиши, иқтимоий-сиёсий тузум, мафкуравий негиз, миллий гоё ва миллий мафкура, ватанга, она-заминга садоқат, ҳарбий касамёдга содиқлик, жанговар байроққа содиқлик, ватан ҳимоясига доимий шайлиқ, жангчининг ҳарбий бурчи.

### **Муаммоли саволлар:**

1. Анханаларнинг моҳияти нималардан иборат?
2. Жанговар анханаларнинг таҳсири нималарга асосланган?

### **Анханалар, уларни келиб чиқиши ва шаклланиши.**

Бизнинг мустақил Ўзбекистонимиз -сайёраимизнинг энг тинчликсевар давлатларидан биридир.Бизнинг асосий мақсадимиз -иқтисодий жиҳатдан кучли, сиёсий жиҳатдан мустақил, ҳуқуқий демократик давлат қуришдир.

Мамлакатнинг ички ҳаётида қонунларни устуворлигига, халқ турмуш-тарзи фаровонлигини янада оширишга ҳаракат қилиб, Ўзбекистон Республикаси ташқи соҳада ҳам бошқа давлатлар билан яхши қўшничилик, узаро ҳамкорликка интилиб, уз келажаги томон дадил одимламоқда.

Шундай бўлсада, бизнинг теварак атрофимизда давлатимиз мустақиллигини, халқимизнинг тинч, осуда ҳаётини, унинг фидокорона яратувчанлик меҳнатини қўра олмайётган қўра ниятли ёвуз кўчлар ҳам йўқ эмас.

Шунинг учун ҳам, мамлакатимиз ҳарбий кўч-қўдратини ошириш, ёшларни Ватан ҳимоясига тайёрлаш ва уларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу долзарб вазифалар мактаблар, урта махсус билим юр்தларида амалга оширилиб, оммавий тарзда уз аксини топиши керак.

Қатта авлодлар тажрибаси ва анханалари -бу биз учун бебаҳо меросдир. Президентимиз, ҳуқуматимиз бу меросларни қўз қорачипимиздек сақлашни, уларни ижодий жиҳатдан янада бойитишга чақирмоқда. Шундай экан, анханаларнинг узи нима? Усиб келаётган ёш авлод тарбиясига, уларнинг шаклланишига қандай таҳсири бор, деган мазмундаги саволлар тўғилади.

### **Унутманг !**

Анханалар дейилганда, тарихан вужудга келган одатлар, дунёкарашлар ва инсонларнинг юриш-туриш коидаларини тушуниш кабул килинган. Анханалар асосини кайта-кайта тақрорланувчи омиллар ташкил килади.

Асрлар давомида улар тупланиб ва ривожланиб бориб, авлоддан-авлодга утиб келган ва махлум бир жамоат гурухлари, синфлар, халкларнинг мақсадларида, юриш-туриш намуналари, ахлокий коидалар сифатида шаклланган.

Табиийки, тарихий ривожланишнинг ҳар бир даврида турли анханалар вужудга келган, ва улар уз замонасининг талаблари ва шароитларига тула-туқис мос келган.

Бахзи бир манбаларда анханаларга бошқачарок таҳриф берилган, лекин бу билан унинг умумий мазмуни ва моҳияти узгармаган. Масалан, анхана (лот.-бериш) авлоддан авлодга утиб келган махлум бир вазиятларда сакланиб қолувчи ижтимоий ва маданий мерос элементларидир. Бу ерда анханалар булиб юриш-туриш коидалари, кадриятлар, эҳтикодлар, одатлар ва бошқалар келади. У ёки бу анханалар ҳар қандай жамиятда ҳам булиб, улар ижтимоий ҳаётнинг барча қуринишларида учраб туради. Анханалар, айниқса динда кенг тарқалган. Диний анханалар одатда, маданий ва маҳрифий мазмунда булиб, улар одамларни инсоний ва диний кадриятларини, халқ урф-одатларини, удумларини ҳурматлашга ва эҳзозлашга ёши улугларга ва аждодларимиз хотирасига ҳурмат юзасидан ёндашишга ургатади. Лекин, яна экстремистик диний анханалар ҳам мавжудки, уларнинг мазмун ва моҳияти биз учун, бизнинг жамият учун умуман ётдир. Жангари қайфиятда булган бундай диний оқимлар учун инсоний кадриятларни узи йук ва булиши ҳам мумкин эмас.

Юқорида айтиб утилган анханалардан ташқари, халқимизнинг жанговар ва меҳнат анханалари ҳам борки, улар жамоатчилик ва маданий муносабатларни ривожлантиришга, ёш авлодни бу шонли анханаларга садокат руҳида тарбиялашга имкон яратади.

Анханалар узгарувчан булиб, улар ҳеч қачон абадий булмайди. Улар махлум бир тарихий шароитларда вужудга келиб, ривожланиб борадилар. Бу шароитларни узғариши ёки йуқолиши уз навбатида анханаларни ҳам узғаришига ёки йуқолиб кетишига олиб келади. Бундай вазиятда улар урнига бошқа, бахзан мазмун жихатдан умуман қарама-қарши булган анханалар келиши мумкин.

Анханаларнинг шаклланиши турли халқларда ҳар хил кечиши мумкин. Бу ҳар бир халқ бошқаларга фарқли уларок, фақат узига хос булган тарихий ривожланиш йулига, уз урф-одатлари ва турмуш тарзига эга эканлиги билан тушунтирилади. Бирок анханаларнинг хусусияти ва уларнинг йуналиши ҳар доим ижтимоий-сиёсий тузумга боғлиқ булади.

Бизнинг мамлакатимизнинг бутун тарихи узбек халқини уз озодлиги ва мустақиллиги учун курашлардан иборатдир. Агар тарих саҳифаларини варақласак, биз халқимизнинг ажнабий босқинчилар, араблар, мугул-татарлар, Чор Россияси истилосига қарши олиб борган қаҳрамонона кураши гувоҳи буламиз. Бу кураш Шураолар ҳокимияти даврида ҳам асло тухтамаган. Халқимизнинг етук, маҳрифатпарвар зиёлилари, асл ватанпарвар углонлари ҳамиша мустақиллик учун, халқимизнинг асрий орзуларини руёбга чиқариш учун курашиб келганлар. Халқимизнинг бу ажойиб сифати унинг миллий узига хос фазилати булиб, унинг гузал анханаларидан булиб ҳисобланади.

### Ўзбекистон халқи ва Қуроли Қучларининг жанговар анханалари.

Ҳар қандай давлатнинг таркибий бир қисмини, унинг Қуроли Қучлари ташкил этади. Маълум бир жанговар тарихга эга булган ҳар қандай армия узига хос булган анханаларини яратади. Анханалар қушинлар шахсий таркиби тарбиясининг муҳим элементи булиб, улар уз аксини Ҳарбий қасамёд, Низомлар, қулланмаларда топади ва аксарият ҳолларда жангчининг жанг майдонидаги ва тинчлик вақтидаги ҳаракатини белгилаб беради.

Жанговар анханаларнинг қудрати, уларнинг мафкуравий негизидадир.

Жанговар анханалар Ўзбекистон Қуроли Қучлари жангчиларини уз ҳарбий бурчларини намунали бажаришга, узининг халқи ва Ватанига виждонан ва садоқат билан хизмат қилишга ундайди.

#### **Эслаб қолинг:**

Муҳим жанговар анханалар қуйидагилар булиб ҳисобланади:

- Ҳарбий қасамёдга содиқлик;
- Она-Ватанга муҳаббат;
- Ватанимизнинг ҳар қандай душманлари устидан ғалаба қозонишга қатъий ишонч;
- Ватан ҳимоясига доимий шайлик.

Ҳарбий қасамёдга, ҳарбий бурчга содиқлик, оммавий қаҳрамонлик намуналари утмишдаги аجدодларимизда булгани қаби, бугунги қунда ҳам Қуроли Қучларимиз жангчилари учун ҳаракат меҳёри булиб қолмоқда. Соҳибқирон Амур Темур,

Хоразмшоҳ Жалолоiddин Мангуберди кушинларида юзага келган бу ажойиб жанговар анханалар, хозирги вақтда Ўзбекистон Куролли Кучлари жангчилари тарафидан давом эттирилмоқда ва янги мазмун, янги хусусиятлар билан бойитилмоқда.

Жанговар анханалар ичида Харбий касамёд алоҳида урин тутати. У харбий хизматчи, ёш жангчининг Ватанига содиклигига муқаддас касами ҳисобланади. Харбий касамёднинг хар бир сузи жангчига Она-юрти, халки ва Президенти олдида мустақил Ватани, унинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ишончли ҳимоя қилишга махсул эканлигини эслатиб туради. Харбий касамёд жангчининг касами сифатида қуп асрлардан буён мавжуд. Агар тарихимизга назар ташласак, харбий касамёднинг негизи узок утмишга бориб такалишининг гувоҳи буламиз. Масалан, буюк Соҳибқирон Амур Темур кушинида шундай удумга амал қилишган: хар бир харбий бошлик кушин қуриги пайтида уз қули остидагиларни Жаҳонқир ҳузурида саф тортириб, унга содик булишига касам қилишган. Бундай харбий касамлар Бобур, Мангуберди кушинларида ҳам, бошка тарихий даврларда ҳам булган.

Харбий касамёд -жангчининг уз мустақил Она-Ватани Ўзбекистон Республикасига, уз она-ери ва халкига булган муҳаббати билан уйғунлашган. Ватанга, халққа ва Президентга булган бу муҳаббат жангчига доим ҳамроҳлик қилади ва унинг сунмас йулчи юлдузи ҳисобланади.

Хар бир инсон ҳаётида умрбод ёркин из қолдирадиган иши, қатта таассурот уйғотиб, хотирада қоладиган сана, воқеа булади. Жангчи ҳаётидаги ана шундай воқеалардан бири -бу унинг Харбий касамёд қабул қилишидир.

Харбий касамёд қабул қилиш -унутилмас воқеа. Жангчи Ватани олдида касамёд қилар экан, унинг шарафини, озодлиги ва мустақиллигини ҳимоялашга онт ичади. Аждодлар руҳи олдида, у охириги томчи қони қолгунча Ватаннинг, халқининг, муқаддас ўзбек тупрогининг садоқатли углони булишига касамёд қилади.

Куролли Кучларимизнинг ажойиб жанговар анханаларидан, яна, уз харбий қисмига ва жанговар байроққа муҳаббат, қомандирини ҳурмат қилиши ва жангда уни ҳимоя этиш, жангчиларни харбий маҳоратларини такомиллаштиришларига, харбий интизомни мустаҳкамлашга, ижтимоий-сиёсий онглиликни оширишга булган интилишлари қаби анханалар ҳисобланади. Бу анханалар жуда муҳим, зарур булгани учун Ўзбекистон Куролли Кучларининг Умумхарбий Низомлари талабларига қиритилган. Бизга яхши маҳлумки, харбий Низомлар қонун қучига эга.

### **Аждодлар анханаларига содиклик -уқувчи ёшлар ва Ўзбекистон жангчиларининг фаҳрли бурчидир.**

Ўзбекистон Куролли Кучлари жангчилари Она-Ватанига сидқидилдан хизмат қилмоқдалар, харбий иш ва хизмат сир-асрорларини урганмоқдалар, замонавий жанговар техника ва қуролларни узлаштирмоқдалар, харбий билим ва маҳоратларини такомиллаштирмоқдалар, харбий интизом ва ҳуқук тартиботни мустаҳкамламоқдалар. Буларнинг барчасини улар мажбуран эмас, балки юрак амри билан, онгли интилиш йули билан бажармоқдалар. Шунинг учун ҳам жангчиларнинг хизмат ва уқиш

жараёнлари юксак даражадаги интилиш, фаоллик ва уюшқоқлик билан таҳрифланади, бу жараён мусобака хисси, оммавий ватанпарварлик руҳи билан ажралиб туради.

Узбекистон Куролли Кучлари жангчилари узларининг жанговар тайёргарлик даражасини кун сайин ошириб бормоқдалар. Улар Она-Ватани мустақиллигини химоя қилиш йулида мислсиз жасорат намуналарини курсатмоқдалар.

Узбекистондаги тинчликни, унинг халқини осуда ҳаётини, яратувчанлик меҳнатини қура олмаган бир тудда экстремистлар, 2000 йилнинг ёзида мамлакатимизнинг Сурхондарё вилоятидаги тоғли ҳудудларга бостириб кирдилар. Лекин бу айримачи тудалар гуруҳи уз мақсадларга ета олмадилар. Улар йулига Куролли Кучларимизнинг мард углонлари гов булишди. Ҳарбий хизматчиларимиз бу манқуртларга қарши мардонавор жанг қилишиб, уларни қириб ташладилар. Бу жангларда бизнинг аскарларимиз узларининг ҳақиқий ватанпарвар эканлигини Она-Юртга, Президентимизга, уз ҳарбий бурчларига чексиз садокатда эканликларини яна бир бор намоён қилишди.

Ватанимиз ва халқимиз бу жангларда уз жонларини фидо этган Бобур Ганиев, Қахрамон Мамадалиев қаби мард углонларини ҳеч қачон унутмайди. Уларнинг хотираси халқимиз, келажак авлод қалбида мангу яшаб қолади.

Президентимиз И.А.Қаримов айтганидек, биз буюқ аждодларимиз улуг ишлари, анханалари ва васиятларини нафакат уқиб-урганишимиз, балки, улар билан қуролланмоғимиз лозим.

Бугунги кунда Узбекистон Республикаси Куролли Кучлари жангчиси учун Широқ ва Спитамен қахрамонлиги, Амур Темур аскарларининг чидамлилиги ва мардлиги, гвардиячи генерал Собир Рахимовнинг мардонаворлиги ва шиддати ва бугунги кунларимиз қахрамонлари Бобур Ганиев, Қахрамон Мамадалиевнинг фидойиликлари муқаддас булиши лозим.

Узбекистон жангчисининг бурчи -аждодлар анханаларини муқаддас билиши, мустақил Ватаннинг муносиб ватанпарвари булишдир. Бу жангчи учун нимани англатади?

- *Аввало мустақил Ватанимиз ҳавфсизлиги учун шахсий жавобгарлик хиссини сезиш, Узбекистон Республикаси Куролли Кучлари жангчиси деган номини муносиб равишда ва ифтихор билан олиб юриш;*
- *Ҳарбий қасамёд ва ҳарбий низомлар талабларига риоя қилиш, командирига ҳарбий интизомни мустаҳкамлашда, тартиб урнатишда ёрдам бериш;*
- *Машғулотларда, дала машқларида бутун қуч қудрати билан ҳаракат қилиш;*
- *Уз ҳарбий билими ва асосий маҳоратини узлуксиз такомиллаштириб бориш;*
- *Ҳарбий-сиёсий шароитни моҳирлик билан баҳолаш ва ҳар қандай шароитда ҳам уз ҳарбий бурчини бажаришга шай туриш.*

Аждодлар анханаларига садокат -бу умумий ишларга, мутафаккирлик гояларига содикликдир. Анханаларга садокат, Узбекистонлик жангчига утмиш кахрамонликларига садокат, бугунги кун хис-туйгулари билан ёниш, келажакка ишонч билан карашдир. Факат шуни яхши тушунишимиз керакки, анханалар яшайди ва улар биз билан доимий хамроҳдир.

Улар бизни ишларимизда ва харакатларимиздадир. Улар кадимий мозийнинг ёдгорликларида, номахлум аскар кабридаги мангу оловнинг учкунларида, улугвор хайкаллар хамда ёдгорлик тахталаридадир. Буларнинг хаммаси бизнинг махнавий бойлимиз булиб, улар бизни якинлаштиради, жипслаштиради ва бизларга умумий мақсад, демократик, хукукий, келажаги буюк булган давлат куришда йулчи юлдуз булиб хизмат килади.

### **Укув саволлари:**

1. Анханалар деб нимага айтилади?
2. Анханаларни шаклланиши кандай кечади?
3. Анханаларни мохияти нимада?
4. Халкимиз ва Куролли Кучларимиз жанговар анханаларини айтиб утинг.
5. Жанговар анханаларнинг кудрати нимага асосланган?
6. А. Темур кушинларида кандай анханалар мавжуд булган?
7. Харбий касамёдга содиклик анханасининг мазмунини сузлаб беринг.
8. Куролли Кучлардаги жанговар анханаларнинг мафкуравий негизи нимада деб уйлайсиз?
9. Жанговар ва мехнат анханаларининг бугунги кундаги ахамияти хакида сузлаб беринг.
10. Аждодлар анханаларига содиклик-тарихий ворисийлик, дейилганда нимани тушунасиз?

### **Адабиётлар.**

1. И.А.Каримов "Узбекистоннинг уз янгиланиш ва тараккиёт йули" Т. 1992 йил.
2. И.А. Каримов "Узбекистон 21-аср бусагасида: хавфсизликка тахдид баркарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари" Т.1997 йил.
8. И.А.Каримов «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаравон хаёт-пировард мақсадимиз» Т. 2000 й.
4. И.А.Каримов «Хушёрликка дахват» Т. 1999 й.
5. И.А.Каримов «Узбекистон-миллий истиклол, иктисод, сиёсат, мавкура» Т. 1998 й.
6. А.И.Ибрагимов, Х.Х.Султонов «Ватан туйгуси» Т. 1996 й.
7. «Ватан химояси-мукаддас бурч» Т. Харбий нашриёт. 2000 й.

8. «Харбий-ватанпарварлик тарбияси асослари» дарслиги. М. Просвещение «Харбий ватанпарварлик тарбияси асослари» дарслиги.
9. «Узбекистон тарихи» Т. 1992 йил.
10. «Бошлангич харбий таолим услугиети» М. Просвещение. 1986 й.

### **Мавзу № 6: “Узбек халкининг жанговар ва меҳнат шухрати жойларига саёхатлар уюштириш ва утказиш”.**

#### **Режа:**

1. Жанговар ва меҳнат шухрати жойларига саёхатлар уюштиришнинг мақсад ва вазифалари.
2. Саёхатларни ташкиллашнинг тартиб ва қоидалари.
3. Саёхат жараёнидаги хавфсизлик чоралари.
4. Саёхатларни ташкиллаш ва утказишда ЧЁТ раҳбарининг роли.

#### **Таянч иборалар:**

Жанговар ва меҳнат шухрати жойлари, саёхат режаси, саёхат йуналиши, саёхат сметаси (харажати), ёш изтопарлар, саёхатнинг сиёсий-ғоявий аҳамияти, экспонатлар, кулёмалар, саёхат кундалиги, саёхат газначиси, саёхат хисоботи.

#### **Муаммоли саволлар:**

1. Саёхатлар уюштиришнинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
2. Саёхатлар уюштиришда ЧЁТ раҳбари қандай вазифаларни амалга оширади?

Харбий ватанпарварлик тарбияси, укувчи ёшларда Ватан химояси учун зарур булган юксак ахлокий-сиёсий сифатлар, харбий-амалий ва жисмоний малакаларни шакллантириш буйича мақсадга йуналтирилган узлуксиз жараён булиб, у дарсдан ташқари вақтларда ҳам давом этади. Бу муҳим вазифани хал қилиш учун бу жараёнда нафакат укув юрти педагогик жамоаси,

балки Мудофаага кумаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти, Мудофаа ишлари булимлари, ёшлар ташкилотлари, шунингдек оналар ҳам фаол катнашишлари керак.

Усиб келаётган ёш авлодни харбий ватанпарварлик рухида тарбиялашнинг самарали шаклларида бири, бу халкимизнинг жанговар ва меҳнат шуҳрати жойларига саёхатлар уюштириш ва утказишдир.

Халкимизнинг жанговар ва меҳнат шуҳрати жойларига саёхатларнинг асосий мақсади -халкимизнинг қахрамонона анханаларини урганиш ва саклаш, уларни уқиш, меҳнат ва харбий хизматда давом эттириш ва ривожлантиришдир.

Халкимизнинг қахрамонона тарихи, ёшларни, унинг янги урганилмаган саҳифаларини очиш ва англаш, шунингдек, катта авлоднинг жасоратларини абадийлаштиришга чорламоқда.

Халкимизнинг жанговар ва меҳнат шуҳрати жойларига саёхатлар вақтида, ёшларнинг ахлокий жихатларидан булган жамоатчиликка таяниш каби ҳислатлари тула-туқис намоён булади. Бу ерда ҳақонийлик, оддийлик, уюшганлик, интизом, жасурлик, катхиятчилик, меҳрибонлик, дустлик, меҳнатсеварлик каби муҳим ахлокий сифатлар синов ва чиникишдан утади. Саёхатларда укувчилар шундай шароитларда буладик, улар албатта бир-бирига ёрдам берадилар, бир-бирларидан ёрдам оладилар. Бу ерда шахсий эҳтиёжларни қондириш, жамоатчилик мажбуриятларини бажариш билан уйғунлашиб кетади. Буларнинг ҳаммаси ички эҳтиёж таҳсири остида қунгилли равишда амалга оширилади.

Саёхатлар укувчиларга халкимизнинг утмиши ва бугунги қуни ҳақида янгидан-янги маълумотлар беради, уларда бу маълумотларни чуқур урганиш, тарихнинг янги саҳифаларини очиш сингари туйғуларини шакллантиради.

Улар сафарлар давомида мамлакатимизнинг мустикаллигидан сунг қандай катта сурхатлар билан узгариб, гуллаб яшнаётганлигига ишонч ҳосил қиладилар. Саёхат иштирокчилари, халкимизнинг, Ватанимизнинг истикболи буюк келажак учун амалга ошираётган улкан қурилишлар, қахрамонона меҳнатларининг гувоҳи буладилар. Буларнинг барчаси ёшларимизда уз Ватанимизга, халкимизга булган юксак фаҳр туйғуларини шакллантиради.

### **Саёхатларни ташкиллаш ва утказиш тартиби. Саёхат давомида ҳавфсизлик қоидалари.**

Саёхатлар ташкилланиши жихатидан режали, яъни давлат саёхат ташкилотлари йўлланмаси билан ва мустикал, гуруҳлар томонидан ишлаб-чиқилган ва танланган йўналишлар буйича булиши мумкин.

Саёхатга тайёргарлик ва уни утказиш буйича барча ишлар, саёхат қенгаши ишлаб чиққан ва саёхат иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган режа асосида олиб борилади.

Саёхат 3 таркибий: тайёргарлик, саёхатни утказиш ва саёхат якунини утказиш каби қисмлардан иборат булиб, улар узаро бирлашган ҳолда бузилмас бир яхлитликни ҳосил қиладди.

Саёхатнинг биринчи тайёргарлик қисмида - саёхатнинг ҳужалик ишларига оид, ахлокий-сиёсий, ватанпарварлик ва жисмоний тайёргарлик буйича тадбирлар утказилади.

Саёҳатнинг 2 қисми -фаол ва суғат ҳаракат воситаларидан фойдаланилган ҳолда, айнан саёҳатни утказиш, зарур бўлган маълумотлар, материалларни йиғиш ва йуналиш давомида фойдали меҳнат билан шугулланишларни уз ичига олади.

Саёҳатнинг 3 қисми -утказилган тадбирлар якунини утказиш, йиғилган материалларни урганиш ва укув юрти жамоаси олдида ҳисобот беришдан иборат бўлади.

Юқори синф укувчилари учун мулжалланган саёҳатлар, бир ёки бир неча ҳафталар давомидаги тайёргарлик ишларини талаб қилади.

Саёҳатлар якунини утказиш унинг давомийлигига боғлиқ бўлиб, 2, 3 ҳафта ёки бир неча ойларни ташкил қилади.

Саёҳатнинг тайёргарлик қисми ва якунлов даври, унинг асосий қисми, айнан саёҳатнинг узидан бир неча баробар куп вақтни ташкил этади.

Укувчилар бу даврда укув юртини укув йили режасига мувофиқ мунтазам равишда оммавий муҳофаа ишлари тугаракларида шугулланадилар, машқ саёҳатларини амалга оширадилар, мусобақа, курик ва конференцияларда катнашадилар.

Одатда саёҳат гуруҳи саёҳат раҳбари, укувчилар, тарбиячилар ва ЧЕТ раҳбаридан иборат бўлади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам саёҳат раҳбари ва унинг уринбосари укув юрти директори томонидан тайинланади. Укув юрти педагогик жамоаси кенгашида саёҳат раҳбарининг сузлари тингланади. Директор саёҳат йуналиши ва сарф-ҳаражат руйхатини тасдиқлайди, саёҳат иштирокчилари тайёргарлигини назоратдан утказди ва уларга керакли йул-йуриқларни беради.

Саёҳатлар пиёда, автомобилг, темир йул ёки ҳаво транспорти билан амалга оширилишидан катхий назар, унинг раҳбарлари ва иштирокчилари, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун зарур бўлган барча эҳтиёт чораларини ёдда тутишлари керак.

Саёҳат иштирокчиларининг интизоми, иноқлиги ва уларнинг жипслашишига алоҳида ғамхурлик билан ёндашиш керак. Саёҳатда катнашувчилар интизоми -бу ҳавфсизликнинг асосий шартидир. Саёҳат иштирокчиларини барчаси йул ҳаракати қоидаларини, аҳоли яшайдиган манзиллардаги ҳаракат тартибларини яхши билишлари керак.

Саёҳат вақтидаги тухташ жойида, ёнгиндан сақланиш қоидаларига амал қилиш жуда муҳимдир. Жазирама иссиқ кунларда сафар катнашчиларини офтоб, изгирин, совук кунларда эса, совук уришининг олдини олиш чораларини куриш керак. Саёҳат катнашчиларига жанговар курулларни туплаш катхиян ман этилади, акс ҳолда бахтсиз ҳодисалар руй бериши мумкин. Саёҳат мобайнида унинг иштирокчилари узларини кизиктирган мавзулар бўйича қул - ёзмалари, газета нашрлари, варақлар, фаҳрийларнинг шахсий буюмлари, кундалиқлар ва шунга ухшаш материалларни йиғадилар. Муҳими шуки, йиғилган материалларнинг барчаси укув юртининг ютуғи бўлсин ва деворий газеталарда ёритилсин.

### **Саёхат рахбарининг вазифалари.**

1. Саёхатта тайёрланиш жараёнида, саёхат катнашчилари гуруҳини тузиш;
2. Саёхат катнашчиларининг тиббий куриқдан утказишни ташкиллаш;
3. Гуруҳ фаоллари билан биргалиқда саёхат мавзуси, унинг йуналиши ва вазифаларини белгилаш ва ҳар томонлама урганиб чиқиш;
4. Саёхат катнашчилари билан биргалиқда йуналиш буйича ҳаракат жадвали ва режасини ишлаб чиқиш;
5. Саёхат гуруҳи билан биргалиқда саёхат катнашчилари уртасида вазифаларни тақсимлаш, саёхат йуналиши ва унинг тахминий жадвалини тузиш учун жавобгар гуруҳ командирини, газначини, асбоб-анжомлар буйича хужалиқ, озик-овқат хужалиғи мудирларини, гуруҳ кундалигини юргизувчи, материаллар туплаш учун жавобгар масхул шахслар, санитар (хамшира)ни, спорт ташкилотчиси ва суратчини тайинлаш;
6. Саёхат катнашчиларини режада назарда тутилган ишларга тайёрлаш, улкани кузатиш, коллекция йиғиш, типографик ишлар буйича улар билан машгулотлар утказиш, укувчиларга саёхат мавзуси билан боғлиқ булган адабиётларни тавсия қилиш;
7. Саёхат катнашчиларини утиш қийин булган жойлардаги ҳаракат усуллари билан таништириш;
8. Саёхатни утказиш учун сарф-ҳаражат руйхатини тузиш;
9. Ота-оналар билан булажак саёхат ҳақида йиғилиш утказиш;
10. Саёхат катнашчилари руйхатини, режа йуналиши буйича ҳаракат жадвали ва саёхат сарф-ҳаражати руйхатини директор тасдиғига тақдим этиш;
11. Шахсий ва гуруҳ учун мулжалланган асбоб-анжомларни тайёрлашни бошқариш;
12. Уқув юрти директоридан қуйидаги гувоҳномаларни олиш: йуналиш варағи, саёхат йуланмаси, экспедиция ва саёхатта отланиш учун рухсатнома.

### **Рахбарининг саёхатдаги мажбуриятлари.**

1. Саёхатни режа буйича утазишни тахминлаш;
2. Саёхатни мафкуравий сиёсий йуналишга эга эканлиғига, ҳамжихатлик ва дустликни тарбиялашга, жамоани жипслаштиришга, укувчиларга жамоат жойларида маданий юриш-туриш малакаларини сингдиришга, санитария - гигиена қоидалари ва интизом талаблари бажарилишига алоҳида эҳтибор бериш;
3. Саёхат катнашчилари учун экскурсиялар, кузатув ва тадқиқот ишларини ташкиллаш;
4. Саёхат катнашчиларини қидирув ва фойдалаи жамоа ишлари билан шуғулланишларини ташкил этиш;
5. Саёхат вақтида катнашчиларни соғломлаштириш ва жисмоний тайёргарликлари буйича тадбирларни амалга ошириш;

6. Бахтсиз ходисаларнинг олдини олиш коидаларига катхий риоя этиш;
7. Тасдиқланган саёхат режаси ва йуналиш буйича ҳаракат қилиш;
8. Қийин ва хавфли жойлардан утишдан олдин уларни кунт билан текшириш, хавфсизлик коидаларига амал қилиш;
9. Уқувчилар учун белгиланган чумилиш коидаларига катхий риоя этиш;
10. Гуруҳдан қолиб кетиш ёки кетиб қолишларга йул қуймаслик;
11. Олдиндан белгиланган жойлардан туриб курсатилган муддатларда уқув юрти махмуриятини саёхатнинг утиши ва унинг каншчиларини саломатлиги хақида хабардор этиш.

#### **Саёхатдан қайтгандан сунг:**

1. Саёхат катнашчиларини тиббий қуриқдан утказиш;
2. Саёхат асбоб-анжомларини топширишни ташкил этиш;
3. Йигилган материалларни урганишни ташкиллаш, уларни улқашунослик бурчаги, музей ёки уқув хоналарига бериш;
4. Саёхат катнашчиларининг уқув юрти йигилишлари ва кечаларидаги уз таассуротлари хақидаги чиқишларини тайёрлаш;
5. Саёхат хақида педагогик ҳисоботнома тузиш ва педагогик кенгаш йигилишида у билан ҳисобот бериш;
6. Саёхат яқуни буйича ота-оналар йигилишини утказиш;
7. Молиявий ҳисоботнома тузиш.

Халқимизнинг жанговар ва меҳнат шуҳрати жойларига саёхатлар уюштириш буйича уқув юртидаги барча тайёргарлик ишларига амалий раҳбарликни, уқув юрти қошида тузилган штаб амалга оширади. Унинг таркибига ЧЁТ раҳбари, синф ва мактабдан ташқари ишлар ташкилотчиси, ёшлар иттифоклари, “Ватанпарвар” ташкилоти вакиллари, жисмоний тарбия, география, тарих уқитувчилари, уруш ва меҳнат фаҳрийлари қиради. Штаб саёхат режаси ва йуналишини ишлаб чиқади. Бу режада саёхат гуруҳи уз олдига қуйган вазифалар, шунингдек, саёхатнинг мавзуси ҳам белгиланади. Саёхат мавзуси одатда мамлакатимизда булиб утган тарихий воқеалар, миллий озодлик ҳаракатлари, тарих ва маданиятимизда учмас из қолдирган буюқ қурилишларни уз ичига олади.

Йуналишни танлаш ва уни ишлаб чиқиш, саёхатнинг мавзуси ва мақсадларига боғлиқ булади. Саёхат йуналиши аниқлангандан сунг, уни утказиш режаси ишлаб чиқилади. Режа мазмунига йуналиш жадвали, ҳаракат жадвали, сарф-ҳаражат руйхати, ҳаракат манзиллари, уруш ва меҳнат фаҳрийлари билан учрашувлар утказиш учун тухтов жойлари, тарихий воқеалар ва жойлар билан танишиш, қахрамонларнинг қабрларини зиёрат қилиш ва бошқалар қиради.

#### **Саёхат режасининг график шакли.**

Сана	Йуналиш манзиллари, км	Ҳаракат воситаси	Экскурсия манзили, улқашунослик ва

			фойдали жамоат ишлари
1 кун 27.06.	Фаргона - Тошкент 500км.	Темир йул	
2 кун 28.06.	Тошкент - Самарканд 300км.	Автобус	Тарихий обидаларни томоша қилиш, саёхат топшириқларини бажариш.
3 кун 29.06	Самарканд	Пиёда	
4 кун 30.06.	Самарканд– Шахрисабз 25км.	Автобус	

Саёхатларнинг давомийлиги 8-9 синф укувчилари учун 20 кунгача, 1 кунлик пиёда юришлар эса 14-16 км., 10-11 синф укувчилари учун эса -30 кунгача, 1 кунлик пиёда юришлар 17-18 км. булса максадга мувофик булади.

Хар 3-4 кунлик фаол ҳаракатдан сунг укувчиларга 1 кунлик дам берилади.

Саёхатни молиявий жиҳатдан тахминлашнинг сарф-харажат руйхати, йуналиш ва унинг режа жадвали ишлаб чиқилгандан сунг тузилади. Сарф харажат руйхати тузилиши олдидан, саёхат раҳбари укув юрти ҳисобхонасида керакли булган маслаҳатларни олиши керак. Сарф-харажат руйхати икки, ким ва чиким қисмларидан иборат булади.

Чиким қисмида қуйидагилар қурсатилади:

1. Яшаш жойидан саёхат ҳудудигача ва орқага қайтиш учун йул хақи. Укувчилар хар йили 1 октябрдан 15 майгача булган вақт ичида темир йулда юриш учун 5% имтиёзлардан фойдаланишади. Агар гуруҳ 15 кишидан ортик булса у холда саёхат раҳбари хам имтиёз буйича юради. Ёзда эса укувчилар 5%ли имтиёзлардан фақат шаҳар атрофидаги поездлардан фойдаланиши мумкин;
2. Ички транспорт чикимлари (шаҳар транспортда, йуналиш буйича автобусларда юриш);
3. Маданий ҳужалик сарф-харажатлари (экскурсиялар хақини тулаш, театрларга ташриф буюриш, саёхат дори қутиси учун дорилар гуруҳ учун етишмаётган асбоб-анжомлар олиш);
4. Саёхат катнашчиларининг бир кунлик овқатланиш қиймати; Овқатланиш қиймати ҳудудлар ва улардаги нархларга қараб белгиланади.

Сарф-харажат руйхатининг кирим кисмида эса, саёхатга тушадиган маблаг манбалари курсатилади. Уларнинг энг асосийси ота-оналар тулови булиб, у асосан барча транспорт харажатлари, кисман овкатланиш учун сарфланади. Укувчиларнинг саёхатларига ажратиладиган маблаг миқдори овкатланиш ва маданий хужалик харажатларининг тахминан 5 %ни ташкил этади.

### САРФ-ХАРАЖАТЛАР РУЙХАТИНИНГ ШАКЛИ.

№	ХАРАЖАТЛАР (чикимлар)	Миқдори	
		1 кишига	10 кишилик гуруҳ учун
1	Транспорт чикимлари: Фаргона-Тошкент	1500	15000
	Тошкент-Самарканд	1800	18000
2	Ички йуналишларда: Тошкент-Чирчик	150	1500
	Самарканд-Шахрисабз	300	3000
3	Шахар транспортида:		
4	Овкатланиш (хар 1 киши учун кунлик 400 сум миқдориди) 20 кунга.	100	1000
5	Бошка чикимлар: Яхши дорилар сотиб олиш, экскурсиялар тулови.	8000	80000
	Жами:	11850	1265000
	Киримлар:		
1	Ота-оналар бадали.	7500	75000

2	Халк тахлими булими маблаг.	4350	51500
	Жами:	11850	126500

Саёхат анжомлари шахсий гуруҳ ва махсус анжомларга булинади. Гуруҳ анжомларига: чодирлар, идиш товоқлар, ут ёкиш учун мосламалар, болта, арра, тахмирлаш асбоблари, радиоприёмник, фотоаппарат, фонарлар, хужалик совунлари, компаслар киради.

Халк Тахлими Вазирлигининг буйругига кура хар бир укув юртида саёхат анжомлари булиши шарт.

Саёхат учун гуруҳни саёхатнинг утказилиш жойи ва мақсадлари белгилангандан сунг ёки ундан хам олдин тузиш мумкин. Хар доим хам гуруҳни бир синф укувчиларидан тузиш амалга ошавермайди. Шунинг учун хам гуруҳни хар хил синф укувчиларидан тузиш тугри келади, бу холат эса уларнинг жипслашувига анча вақт талаб килади.

### Унутманг:

Пиёдали саёхат учун гуруҳдагилар сони 15 кишидан, сувда ва велосипеддаги саёхат учун эса 12 кишидан ошмаслиги керак.

Саёхатга чикувчиларнинг барчаси тиббий куриқдан утадилар ва саёхатда катнашиши учун тиббиёт ходимлари рухсатномасини оладилар. Саёхат гуруҳини тузиш, ташкилий йигилиш билан якунланади, бу ерда укувчилар вазифаларини узаро булиб оладилар ва куйидаги шаклда катнашувчилар руйхати тузилади.

1. Фамилияси, исми, шарифи;
2. Тугилган йили;
3. Укув юрти, синфи;
4. Яшаш жойи;
5. Саёхат тайёргарлиги;
6. Гуруҳдаги вазифалар;
7. Врач рухсатномаси.

Бу руйхат укув юрти директори ва саёхат рахбари томонидан имзоланади. Саёхат катнашчилари гуруҳдаги вазифаларни узаро, хар кимнинг хошиш иродаси ва қобилиятини ҳисобга олган холда булиб оладилар.

Гуруҳ командири энг тажрибали, обру -эҳтиборга эга укувчилардан тайинланади. У саёҳат раҳбарининг биринчи ёрдамчиси булиб, у билан биргалиқда саёҳатни ташкиллайди, саёҳатдаги ҳаётнинг асосий давраларини назорат қилиб боради.

Саёҳат йўналишини ишлаб чиқишга жавобгар шахс саёҳат раҳбари билан биргалиқда йўналиш буйича хариталарни, саёҳат ҳақидаги адабиётларни йиғади ва раҳбарга саёҳат йўналишини тасдиқлаштириш учун зарур ҳужжатларни тайёрлашга ёрдам беради.

Озик-овқат учун жавобгар шахс овқат тайёрлашни, ҳар бир кун учун меню тузишни, саёҳат учун керак бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини ҳисобини чиқаришни билиши керак. У озиқ-овқат маҳсулотларини уз вақтида олинишини, уларнинг сақланишини ва уларни сарфланишини назорат қилиб боради. Гуруҳ командири билан биргалиқда озиқ-овқат маҳсулотларини саёҳатчилар рюкзакларига тақсимлаб чиқади ва ҳар доим қимда, қандай маҳсулот борлигини билиши керак.

Озик-овқат учун жавобгар шахс ҳар куни навбатчиларга маҳсулотларни таркатади ва уларга у ёки бу овқатни тайёрлаш буйича курсатмалар беради.

Гуруҳ анжомлари учун жавобгар шахс ҳужалиқ ишларини яхши билиши керак. У раҳбар билан биргалиқда зарур асбоб-анжомлар руйхатини тузади, узининг жавобгарлиги шарти билан уларни олади, етмаётган анжомларни тайёрлаш ва уларни таҳмирлаш ишларига раҳбарлик қилади.

Газначи ота-оналар бадалларини руйхат буйича йиғади. Саёҳат учун тушаётган маблағлар ҳисобини олиб боради. Гуруҳ раҳбарининг курсатмасига биноан, газначи, гуруҳ аҳзоларига озиқ-овқат маҳсулотлари, анжомлар ва бошқа нарсаларни сотиб олиш учун, уларнинг имзоси асосида пул таркатади. Раҳбар гуруҳ командири ва озиқ-овқат учун жавобгар шахс билан биргалиқда пул маблағларининг сарфланиш ҳисоботини тузади. Саёҳат гуруҳининг пул маблағлари раҳбарда сақланади.

Гуруҳнинг спорт ташкилотчиси эрталабки жисмоний тарбия машқларини утказди, тухташ жойлари ва дам олиш кунларида спорт уйинлари ва мусобақаларини ташкиллайди. Бунинг учун керакли бўлган спорт жиҳозларини, у укув юрти жисмоний тарбия укутувчисидан олади ва уларни фойдаланилиши, сақланиши учун масхул булиб ҳисобланади.

Гуруҳ суратчиси, тасвирчи гуруҳнинг бошқа аҳзолари билан биргалиқда суратга олиш ва тасвирга тушириш сценарийсини ишлаб чиқади. У сурат коғозлари, видео тасмаларини сотиб олади ва уларнинг сақланишига жавобгарлик қилади. Саёҳат даврида у, саёҳат вазифаларининг бажарилишидаги асосий дақиқаларини суратга олишга ва гуруҳнинг саёҳат вақтидаги ишлари мазмунини очиб беришга ҳаракат қилиши керак.

Улкашунос саёҳатда гуруҳдаги улкашунослик ишларига жавобгар шахс ҳисобланади. У саёҳат давомида фаҳрийлар билан уюштирилган суҳбатларни, эсдаликларни ёзиб бориши ва уларни сақлаши керак. Агар гуруҳда бир неча улкашунос бўлса, улардан бири сардор этиб тайинланади.

Гуруҳдаги кундалик дафтарига жавобгар шахс, унинг тугри олиб борилишини назорат килади. У уз ишларини суратчи, тасвирчи билан келишиб олиб боради, яхши кундалик дафтарига ёзиб борилаётган воқеалар, ходисалар уз вақтида тасвирга туширилиши керак. Саёҳат якунида кундалик дафтар унинг катнашчиларининг таассуротлари билан тулдирилади.

Саёҳат гуруҳининг санитарии тиббиёт буйича бошлангич билим ва малакаларга эга булиши керак. Бунинг учун у олдиндан махсус тайёргарликдан утиши зарур. Санитар гуруҳда касалликларнинг олдини олиш, санитария гигиена қоидаларига риоя қилиш, овқатнинг сифатли тайёрланиши, идиш-товоклар тоза булшини уз назорати остига олиши керак. У гуруҳ учун зарур булган дори дармонларни махсус тиббиёт кутисида сақлайди.

Бахзи вақтларда бир укувчи бир неча вазифаларни бажаришига тугри келади. Шундай булса-да, гуруҳда вазифасиз, ҳеч нарсалар учун жавобгар булмаган укувчилар булмаслиги керак.

Кунлик саёҳатларни уюштириш ва утказиш учун рухсатнома ҳалқ таҳлими булимлари томонидан берилади. Бунинг учун укув юртида саёҳат утказилиши, унинг раҳбари, раҳбар уринбосарлари тайинланганлиги тугрисида буйрук, гуруҳ катнашчиларининг руйхати, саёҳатнинг режа жадвали, сарф-харажатлар, шахсий гуруҳ ва махсус асбоб-анжомлар руйхати булиши керак.

Вилоят, туман буйлаб саёҳатлар укув юрти директори рухсати билан утказилади. Узок муддатлиларга тайёрланиш жараёнида саёҳатчилар гуруҳи машгулот саёҳатларини утказадилар. Бундай саёҳатлар одатда бир кунлик булиб, асосан дам олиш кунларида амалга оширилади. Бундай саёҳатлар канчалик куп утказилса, шунчалик яхши булади. Тайёргарлик жараёнида бир неча саёҳатларни дала шароитида тунаш билан утказиш мақсадга мувофиқдир. Бундай бир кунлик саёҳатлар укувчиларни жисмоний жихатдан чиниктирибгина қолмай, улар уртасида уртоклик, дустлик ришталарини мустаҳкамлайди, узаро ёрдам, бирига таяниш туйғуларини ва бунинг натижасида мустаҳкам жамоа шакллантиришга хизмат килади. Машгулот саёҳатларида укувчилар жамоат жойларида узларини тутиш, юриш туриш қоидаларини узлаштириб олишлари керак. Машгулот саёҳатлари ҳам, муддатли саёҳатлар режаси асосида тайёрланади. Бунинг учун саёҳат ҳудуди ва унинг мақсадлари белгиланади. Машгулот саёҳатларининг асосий мақсад ва вазифалари муддатли саёҳатнинг вазифаларига укувчиларни ҳар томонлама тайёрлашдан иборатдир.

Саёҳат йуналишини режалаштиришда, ҳар хил ёшдаги укувчиларнинг юқлар билан бир кунлик юриш меҳёрларини ҳисобга олиш керак.

### **КУНЛИК ЮРИШ МЕХЁРЛАРИ.**

Саёҳатнинг давомийлиги	Юриш масофаси км.		
	11-12ёш	13-14ёш	15-16ёш

Бир кунда	12	15	20
Икки кунда	20	24	35
Уч кун ва ундан ортик вақтларда (кунлик юриш меҳёри)	10-12	12-15	16-18

Саёҳат раҳбари укувчиларни ёш саёҳатчилар учун юк кутариш меҳёрлари билан таништириб чиқиши шарт, шунингдек, у керакли асбоб - анжомлар тулалигида юк қопчасини қандай қилиб енгиллаштириш малакаларини ургатиши керак.

Саёҳат қатнашчилари учун юк қопчаларининг максимал юк оғирлиги меҳёрлари:

Саёҳатчин инг ёши	Юк қопчасининг оғирлиги, кг.	
	Уғил болалар	Қиз болалар
11	8	6
12	10	7
13	12	8
14	14	10
15	16	12
16	18	14

Саёҳат жараёнида саёҳат раҳбари ҳаракат тартибига риоя қилиши керак. Саёҳатдаги ҳаракат тартиби дейилганда, гуруҳ томонидан белгиланган йўналишни муваффақиятли босиб ўтишга йўналтирилган ҳар қил қоида ва меҳёрларнинг йиғиндиси тушунилади. Ҳаракат тартиби саёҳатнинг режа жадвалидан анча фарқ қилади. Агар у нотўғри тузилган бўлса, уни бузишга ёки ҳаракатни тезлаштиришга тўғри келади, бу эса албатта, саёҳат қатнашчиларининг фойдасига ҳал бўлмайди.

Амалдаги курсатмаларга биноан, саёҳат давомийлиги 5,6-синф укувчилари учун 10 кунгача (юриш кунлари 5-кунгача) 7-8 синф укувчилари билан 20 кунгача (юриш кунлари 10 кунгача) 9,11-синф укувчилари билан 30 кунгача (юриш кунлари 14-кунгача) бўлиши мумкин. Саёҳат жараёнидаги юриш кунлари, яхши йўналиш бўйлаб фаол ҳаракат қилиш кунлари, саёҳатнинг умумий давомийлигининг ярмидан ошмаслиги керак. Саёҳатнинг қолган кунларини улқашунослик ишлари, экскурсиялар, тадқиқот ишлари ташкил қилади. Саёҳатдаги кун давомидаги ҳаракатларни тўхташ жойларидаги дам олишлар билан алмаштириб туриш керак. Юриш соати деб биз, бир тўхташ жойидан иккинчи тўхташ жойигача узлуксиз ҳаракат вақтини атаймиз. Юриш соати бир қатор омилларга боғлиқ бўлади. Масалан, саёҳатчиларнинг ёши, уларнинг шугулланганлиги, юк қопчаларининг

огирлиги, табиий тусикларнинг мураккаблиги ва об-хаво шароитлари. У 20 минутдан 50 минутгача давом этиши, тухташ эса 10 минутдан 20 минутгача булиши мумкин.

Саёхатдаги тунаш жойлари саёхатчиларнинг машаккатли йул юришларидан кейинги яхши дам олишларини ва тула хафсизликларини тахминлаши лозим. Тунаш жойларини ташкиллаш ишлари саёхатчилардан сермазмун мехнатни, ташаббускорликни талаб килади.

Биринчи вазифа, бу тунаш учун кулай жойни танлашдир. Тунаш жойига булган биринчи талаб -унинг хавфсизлигидир. Бу тунаш жойини ахоли яшайдиган манзиллар, катта йуллар якинидан танлашни назарда тутлади. Навбатдаги талаблардан бири - бу сувдир. У окар сув булиб, истехмол килишга ярокли булиши керак. Учинчи мухим талаблардан бири- бу жойнинг курук булишидир. Ёмгир ёкканда сув чодирлар томон окмаслиги керак. Тунаш жойида ёкилпи булиши хам мухим ахамиятга эгадир.

Одатда саёхатларда кунига 3 махалдан иссик овкат ташкил килинади, бир кунлик саёхатларда эса бир ёки икки мартадан ташкил килиниши мумкин. Тайёрланадиган овкатлар хар хил булиши ва 5-7 кунда такрорланиб туриши лозим. Саёхат давомида янги сабзавотлар, сут махсулотлари, картошка ва шунга ухшаш калорияли махсулотлар истехмол килиниши максадга мувофиқдир.

Саёхатчилар гурухи билан тарбиявий ишлар олиб боришнинг мухим услубларидан бири -бу гурух фаолиятига таяниб иш олиб боришдир. Саёхатчилар гурухида расмий эмас, балки хакикий уз-узини бошқариш ва узига хизмат курсатиш булиши керак.

Гуруҳда штаб (кенгаш) тузилиб, унинг таркибига асосий лавозимдаги шахслар киритилади. Штаб йигилиши хар кун итказилиб, унда техник ва хужалик ишлари, куннинг якуний натижалари, келгуси кунги режалар, нарядлар жадвали, гурухни озик-овкат махсулотлари билан тахминлаш масалалари куриб чикилади. Бундан ташқари штаб йигилишида педагогик масалалар-гурухнинг ахлокий ва жисмоний холати, алохида саёхатчиларнинг юриш туришидаги салбий ва ижобий холатлар хам мухокама килиниши мумкин.

Саёхат якунланган булса-да, гурух катнашчиларининг ишлари давом этади. Биринчи навбатда саёхат натижаларининг якуни буйича гурух йигилиши итказилиши керак. Гурух йигилишида натижалар тугрисида доклад ёки хисобот эмас, балки хар бир саёхатчининг саёхат хакидаги таассуротлари, саёхатдан нималарни кутганлиги ва нималарни олганлиги, дустлари ва гуруҳдаги узаро муносабатлар, саёхатнинг унга махкул булган ва махкул булмаган томонлари хакидаги фикрлар тингланади. Гурух рахбари якуний натижаларни чиқаради, белгиланган вазифалар бажарилганлигини айтиб утади ва кейинги саёхатларнинг истикболи хакида сузлайди. Узи учун эса саёхатда йул куйилган камчиликлар ва хатоларни тахлил килади. Саёхатдан кайтгандан сунг, пул маблаглари сарфланиши тугрисидаги молиявий хисобот тузилади. Хисобот газначининг саёхат давомида

олиб борилган пул маблагининг сарфланиши хақидаги ҳужжатлар асосида тузилади, гуруҳ учун зарур булган асбоб-анжомлар, озик-овқат маҳсулотларини сотиб олганлиги тугрисидаги ҳужжат қуйидаги тартибда тузилади:

Сотиб олинган кун	Номланиши	Сотиб олинган ва сарф килинган			
		Нақд пул хисобига		Хисобга утказиш йули билан	
		Микдори	нархи	микдори	Нархи

Бу ҳужжатга барча саёҳатчиларнинг руйхати ва уларнинг саёҳатда булган кунлари кайд этилган маълумотнома ҳам бириктирилади.

Йуналиш ичидаги катновларда юриш учун билет берилди ёки қуйидаги шаклда йуналиш варағи тузилади:

Кун	Йуналиш	Транспорт тури	Гуруҳ учун чипта нархи
-----	---------	----------------	------------------------

Маданий оқартув ишлари ва ҳужалик эҳтиёжлари учун сарфланган маблағлар учун гуруҳ раҳбари, қвитанция ёки билетлар билан ҳисобот беради. Агар улар булмаса, бундай эҳтиёжлар учун қуйидаги шаклларда маълумотнома тузилади:

Харажатларнинг номланиши	Сотиб олинган ёки хизмат курсатилган жой ва кун	Нархи
--------------------------	---	-------

Саёҳат гуруҳи томонидан тузилган барча ҳисобот ҳужжатлари раҳбар, командир ва ҳужалик ишлари буйича мудир томонидан имзоланади ва уқув юрти директори томонидан тасдиқланади. Саёҳат давомида сарфланмаган маблағлар олинган жойларга кайтарилиши лозим. Саёҳатдан кайтгандан кейин, гуруҳ раҳбари саёҳат хақида ҳисобот тузади. Ҳисобот қуйидаги булимлардан иборат булиши керак:

1. Саёҳат хақидаги маълумотлар, саёҳат тури, мураккаблик даражаси, утказиш вақти, йуналиш, ҳаракат турлари, гуруҳ таркиби, раҳбар ва гуруҳ катнашчиларининг саёҳатчилик тажрибалари, саёҳатнинг масофаси ва давомийлиги.
2. Саёҳат ҳудуди хақида маълумотномалар, ҳудуднинг қисқача географик тавсифномаси, шунингдек, гуруҳнинг шахсий кузатишлари ва ҳулосалари натижасида ёзилган тафсиянома.
3. Саёҳатнинг мазмуни хронологик тартибда ёзилади: йуналиш, гуруҳнинг йулдаги ҳаракатлари ва ҳавфсизлик қоидалари.

#### 4. Кунлик юришлар жадвали куйидаги шаклда ёзилган булиши керак:

Йул кунлар и	Кун	Йул кисми А пунктдан Б пунктга	Масофа, км.	Пиёда юриш ваки	Харакат усуллари, йулнинг хусусиятлари, табиий тусиклар.	Тунаш жойи	Обхаво шароити
				соатда			

1. Гурухнинг шахсий таркиби, асбоб-анжомлар ва озик-овкатларнинг руйхати;
2. Йуналиш ва унинг вариантлари буйича таклифлар ва якуний хулоса;
3. Гурухнинг йуналишдаги фойдали жамоат ишларининг кайдномаси;
4. 1:100 00 масштабли харитадаги йуналиш тасвири.

Гурух рахбари хисоботни тузишда, мана шу йуналиш буйича саёхатта чиқишни хохлаган уқитувчилар учун хисобот ёрдамчи кулланма булиб қолишини назарда тутиши керак.

Саёхат хақидаги педагогик хисоботни гурух рахбари педагогик кенгаш йиғилиши ёки синф рахбарлари семинарида қилиши керак. Гурух рахбари уз хисоботидан ташвиқот сифатида фойдаланиб, саёхатнинг уқувчилар тарбияси, билим олишлари ва тадқиқот ишларидаги муҳим аҳамиятини хар томонлама очиқ бериши лозим.

#### Уқув саволлари:

1. Саёхатлар уюштириш ва утқизишнинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
2. Саёхат режаси қандай тартибда ишлаб чиқилади?
3. Саёхат йуналиши қандай тартибда танланади?
4. Саёхат сметаси қандай тузилади?
5. Саёхат жараёнидаги хавфсизлик қоидаларини айтиб беринг.
6. Саёхатларнинг давомийлиги нималарга боғлиқ булади?
7. Саёхат давомидаги уқувчиларнинг фаолияти хақида сузлаб беринг.
8. Саёхатда тунаш жойлари қандай танланади?
9. Саёхатларда йиғилган материаллардан қандай мақсадларда фойдаланилади?
10. Саёхатларни уюштириш ва утқизишда ЧЁТ рахбарининг вазифалари.

#### Адабиётлар:

1. А.И.Ибрагимов, Х.Х.Султонов «Ватан туйғуси» Т. 1996 й.

2. «Ватан химояси-мукаддас бурч» Т. Харбий нашриёт. 2000 й.
8. «Харбий-ватанпарварлик тарбияси асослари» дарслиги. М. Просвещение «Харбий ватанпарварлик тарбияси асослари» дарслиги.
4. Урта тахлим укув юртларида укувчиларнинг харбий ватанпарварлик тарбияси. М. 1988 й.

**Мавзу № 7: “Уруш ва меҳнат фахрийлари билан кеча ва учрашувлар ташкиллаш ва утказиш услубиёти”.**

**Режа:**

1. Тематик кечаларни ташкиллаш ва утказиш услубиёти.
2. Уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашувлар ташкиллаш ва утказиш услубиёти.
3. Фахрийлар билан учрашувларнинг тарбиявий ахамияти.

**Таянч иборалар:**

Тематик кечалар, кеча сюжети, жанговар ва меҳнат анханалари, миллий гоя, миллий истиклол, ташаббус гуруҳи, кечани мафкуравий-назарий томонлари, кургазмали ва бадий воситалар. уруш ва меҳнат фахрийлари, кеча композицияси, демократик, адолатли жамият;

**Муаммоли савол:**

Тематик кечаларни харбий-ватанпарварлик тарбиясидаги ахамияти нималардан иборат?

Укувчи ёшларни харбий ватанпарварлик тарбиясида, уларни Ватан химоясига тайёрлаш ишларида уруш ва меҳнат фахрийлари билан тематик кеча ва учрашувлар утказиш муҳим урин эгаллайди. Бундай кеча ва учрашувлар булажак Ватан химоячиларининг рухий дунёсига мафкуравий жихатдан тахсир курсатишда катта имкониятларга эгадир.

Бу тадбирларни утказиш анча мураккаб булиб, кенг ва пухта ишлаб чикилган режани талаб килади. Бу режада ёшларни Ватан химоясига тайёрлаш ишларининг ёки уруш ва тинчлик муаммоларини ёритиб беришда, харбий ватанпарварлик тарбияси воситаларидан фойдаланиш тартиби аник белгиланган булиши керак.

Куйида биз тематик кечаларни утказиш тартиби билан танишиб чикамиз.

Харбий- ватанпарварлик тарбияси мавзусидаги тематик кечаларнинг узига хос жихатлари, уларни публицистик, хужжатли бадий хусусиятга эга эканлиги, аник ифодаланган сюжетнинг борлиги, сахна харакатларининг композицион тургунлиги, ёшларнинг хаётий тажрибаларига таяниш, уларнинг Ватан химояси, уруш ва тинчлик муаммоларига булган муносабатларидир. Тематик кечаларни утказишда ёшлар диққатини узига тортувчи бадий эстетик воситалардан кенг фойдаланиш лозим. Булар куйидагилар булиши мумкин: замонавий шиорлар, шунингдек, Ватан учун булган урушлардан кайтмаганлар хакидаги шеърлар; ёшлар уртасида оммавий булган кушикларни ижро этиш; харбий ватанпарварлик мавзусидаги поэзия ва мусика курикларини утказиш; кинофилмлар, адабиёт ва санхат асарларини мухокама этиш ва бошкалар.

Тематик кечалар Ватанимиз тарихида, халкимиз хаётида чукур из колдирган шонли саналар ва кахрамонона воқеаларга, Узбекистон Республикаси Куролли Кучлари ва халкимизнинг жанговар ва меҳнат анханаларига, Ватан химоясига тайёргарлик, уруш ва тинчликнинг долзарб муаммоларига багишлаб утказилади.

Кеча мавзулари умумий хусусиятларга эга булиб, аник ифодаланганлиги билан ажралиб туриши керак. масалан, “Узбек халкининг иккинчи жахон урушидаги жасорати”, “Узбек халкининг тинч меҳнатига -ишончли химоя”, “Замонавий шароитларда харбий бурчнинг хусусиятлари нималардан иборат?”, “Мустакиллик -Ватан тақдирида”, “Миллий гоё, миллий истиклол -буюк келажакимиз гаровидир” ва бошкалар.

Укувчи ёшларни Ватан химоясига рухий жихатдан тайёрлашни ривожлантиришга тематик кеча цикллари катта самарадорлик тахсир этади. Одатда уларни утказиш бир укув йилига режалаштирилади. Тематик кечаларни хар бир циклдаги сони куриб чикилаётган муаммоларни хажми ва хусусияти, шунингдек, укувчиларни тайёргарлик даражаси билан белгиланади.

Тартибга кура, хар бир цикл 5-7 кечани уз ичига олади ва улар ойига бир, икки марта утказилади.

Кечаларни ташаббус гурухи тайёрлайди ва утказди. Ташаббус гурухи ахзоларидан етакчи, яхни кечани олиб борувчи сайланади. Бу инсон чукур билимларга эга булиши, Ватан химоясига ёшларни тайёрлаш борасидаги муаммолардан бохабар булиши, кескин саволларни куя олиши ва нотиклик санхати асосларини узлаштирган булиши керак. У кечада олдиндан кутилмаган узилишларни тулдиришга, кечага тайёр булиши, катнашчиларни кайфияти ва кизикишларини кутара олиши, кургазмали воситалардан мохирлик билан фойдалана олиши, кечани тартибли равишда олиб борилишига ва композицияни бирлигига эриша олиши керак.

Кечада сузга чикувчиларни олдиндан белгилаб олиш, уларни кечани мафкуравий-назарий томонлари билан таништириш, мавзуни ёркин ифодалаб бериш учун кургазмали ва бадий воситаларни танлаб олиш жуда мухимдир.

Кеча утказиладиган бинони бадий жихатдан безаш, кеча хакидаги эхлоннинг чиройли чиқарилиши, кеча эмблемаси, кургазмали воситалар, турли хил кургазмалар, сурат ва деворий газеталар, санхат асарлари ва бошкалар кечанинг мохиятини тушунишга имкон яратади, жонли сузни кучайтириб, кеча катнашчиларини кайфиятини кутаради.

Кеча бошланишидан аввал, бадий хаваскорлик тугаракларининг чиқиши, бадий-музыкавий композицияларни, диафильмлар, видеофильмлар ва бошка зурур воситаларни тайёрлаб куйиш мақсадга мувофиқдир.

Кеча самарадорлигини оширишнинг мухим омили -бу унда катнашувчиларнинг фаол иштирок этишларидир. Бу муаммоли вазиятларни яратиш, катнашувчилар билан узаро мулоқот олиб бориш ва бошкалар. Кечада эмоционал кайфиятни яратишда харбий ритуаллар, хотира дақиқалари, “Армия мухити”(харбий кушиқлар, маршлар, сигналлар) катта ахамиятга эгадир.

Кискаси, бундай кечаларни тарбиявий ахамияти уларни тахсирчанлиги, кай даражада тайёрланганлиги, ташкил этилганлиги ва утказилишига боғлиқ булади.

### **Уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашувлар утказиш.**

Укувчи ёшларнинг харбий ватанпарварлик тарбиясида мухим ахамиятга эга булган тарбиявий шакллардан бири, бу уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашувлар утказишдир. Уруш ва меҳнат фахрийлари бой жанговар, меҳнат ва хаётий тажрибаларга эга булиб, уларнинг билимлари ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда жуда хам катта ахамиятга эгадир. Фахрийлар давлатимизнинг, халкимизнинг шонли жанговар ва меҳнат анханаларини куйинчак ташвиқотчиларидир. Улар халкимизнинг жасорати тугрисидаги хотираларни учиб, унут булиб кетмаслиги учун барча нарсаларга тайёрдирлар. Фахрийлар билан булган учрашувлар чуқур ватанпарварлик мазмунига тулган унутилмас воқеаларга айланиб кетади.

Ёшларга халкимизнинг қахрамонона утмиши, мустикаллимизнинг тарихий ахамияти хакида тула тассавурга эга булишга ёрдам бериш, бу фахрийларимизнинг фахрли бурчларидир. Укувчилар билан учрашувлар жараёнида, фахрийлар нафакат жасорат хакида, балки, инсон узини фуқаролик бурчини бажаришга қандай тайёрлаш кераклиги, уз харакатлари ва Ватан тақдири учун масхулият хиссини тарбиялаш тугрисида хам сузлаб берадилар.

Фахрийлар, тарбиявий йуналишга эга булган тадбирларни ташкиллаш ва утказишда фаол иштирок этадилар. Улар ёшлар билан биргаликда тематик кечалар, конференциялар, доклад ва сухбатлар, фотокурғазмалар, шунингдек, тарихий саналарга багишланган диспутлар, жасорат дарслари, 3 авлод учрашувлари ва бошка тадбирларни ташкиллайдилар ва утказадилар. Улардан бахзиларини мавзуларини келтириб утамиз:

“Мардлар куриклайди Ватанни”, “Хеч кимга бермаймиз сени Узбекистон”, “Мустакиллик -менинг тақдиримда” ва бошкалар.

Лекин, фахрийлар билан учрашувлар ташкиллаш ва утказишда хали купгина уз ечимини топмаган муаммолар бор. Бахзан, “Жанговар ва меҳнат шухрати” тугрисидаги кеча ва учрашувлар шунчаки юзаки, расмиятчилик билан, зерикарли тарзда утказилаётганлигининг гувоҳи буламиз. Бундай юзаки ташкилланган тадбирлар албатта ёшларда кизиқиш уйготмайди, уларнинг харбий ватанпарварлик тарбиясига кузланган таассуротларни утказа олмайди. Бундай салбий холатларнинг сабабларидан бири, бу тадбирларнинг яхши тайёрланмаганлигидир, чунки, бундай тадбирларни утказишда, унда иштирок этишда бирор бир инсонни жанговар ва меҳнат хизматлари етарлича булмайди. Бу инсон яна жасорат, мардлик, махсулият хакида хаяжонли, ишончли сузлай олиши, укувчиларни уз хикоясига ёки сухбатига жалб кила олиши, уларда кучли кизиқиш уйгота олиши керак. Шунинг учун хам тақлиф килинган фахрийлар билан олдиндан сухбатлашиб олиш, уларга кечада катнашувчи укувчиларнинг хусусиятлари тугрисида гапириб бериш, уларнинг эҳтиборини кандай жалб килиш усуллари хакида маслахат ва курғазмалар бериш мақсадга мувофиқдир. Бундай учрашувларга уз навбатида укувчиларни хам тайёрлаш керак. Уларга фахрий хакидаги маълумотларни сузлаб, унинг ички-махнавий дунёсини укувчиларга очиб бериш йули билан, унга булган кизиқишни ошириш мумкин. Бу ерда укувчиларнинг ёш хусусиятларини, уларнинг эҳтиёж ва кизиқишларини хисобга олиш жуда мухимдир.

Фахрий меҳмоннинг сухбатини укувчиларни укишдаги меҳнатлари, уларнинг аждодларимиз анханаларини давом эттиришдаги ютуқлари билан боғлаш мақсадга мувофиқдир. Фахрий меҳмоннинг хикояси ёшларнинг саргузаштларга бойлиги, кизикарли маълумотларга эга эканлиги билан жалб килиниши, уларда бундай инсонлар билан муомала килиш, эҳтиёжини шакллантириш ва юксак фуқаролик бурчига эга булган жасоратли кишилардан урнак олишга интилишни фаоллаштириши, узларини Она-Ватан хикоясига рухий тарбиялашга ёрдам бериши керак.

Бундай учрашувлар укувчилар шахсининг ички кечинмаларини фаоллаштиришга хизмат килиши, уларни фахрий хикоясидаги воқеа ва ходисаларга куюнчаклик билан карашга ургатиш лозим. Бу учрашувларнинг мухим тарбиявий ахамиятларидан бири, фахрийларни ёшларга Куролли Кучларимиз ва халкимизнинг жанговар ва меҳнат анханаларини муқаддас билиб, уларнинг муносиб давомчилари булиши хакидаги насихатлари хисобланади. Фахрийларнинг бу маслахати ёки тилақлари оғзаки баён килиниши ёки деворий газеталарда чиқарилиши мумкин.

Фахрийлар билан утказиладиган учрашувларнинг самарадорлигини ошириш шартларидан бири- бу уларни ҳаётидаги аниқ бир воқеа ёки ҳодисалар билан боғланган жойларда утказилишидир. Учрашув жойи унинг катнашчиларини самимий суҳбатга йуналтириши, фахрийлар билан ёшлар уртасида бир- бирини тушуниш хиссини шакллантиришга ва укувчиларда бу учрашувларга кизиқиш уйғотишга хизмат қилиши керак.

Фахрийлар билан учрашувлар утказиш -ёшлар махнавиятини, ахлокий соғломлигини шакллантиришда муҳим манбадир. Бу авлоддан- авлодга утиб келаётган анханалар, урф- одатлар, қолаверса ёшларимиз кизиқиш ва интилишларига эҳтибор демақдир. Бу учрашувлардаги фахрийларимизнинг чуқур ташвишлари, қайфиятлари, жушкин хотиралари тарбиянинг махнавий асоси бўлиб хизмат қилади.

Бугун демократик адолатли жамиятни қуриш учун, яшаб, меҳнат қиляпмиз -бу ҳаётини матонат ва баркамолликнинг узига хос имтиҳонидир. Бу ерда махнавий бушлиққа ёки маданиятсизликка умуман урин йук. Шунинг учун махнавий- ахлокий янгиладиш ва тозаланиш муаммоларига алоҳида эҳтибор берилмоқда. Жамиятимизни ислох қилиш ва янгиладишнинг бошланиши, урф- одатлар билан миллий махнавият, ахлоқ ва маданиятнинг кучли катламлари юзага келаётир. Бу ишларни амалга оширишда, албатта, фахрийларимиз уз уринларига эгадир. Улар ёш авлод тарбиясида муҳим ролг уйнаб, Ватанимизнинг буюк келажаги йулида сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар.

Ватанимиз ёшларининг муқаддас бурчи -бу аждодлар аханаларига содиқликдир. Чунки, Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек, “Аждодларимиз анханалари, бу бизнинг ахлокимизни озиклантирувчи, махнавий ҳаётимизни бойитувчи манбадир”.

#### Укув саволлари:

1. Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясида тематик кеча ва учрашувлар қандай аҳамиятга эга?
2. Тематик кечалар қандай ташкилланади?
3. Кечага тайёргарлик қандай амалга оширилади?
4. Тематик кеча утказишда қурғазмалар воситалар аҳамияти нимада?
5. Кечани олиб боровчи қандай тайёргарликка эга бўлиши керак?
6. Уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашувлар қандай ташкилланади?
7. Фахрийлар билан учрашувлар қандай тарбиявий аҳамиятга эга?
8. Учрашув утказиладиган жой қандай талабларга жавоб бериши керак?
9. Учрашувнинг тарбиявий аҳамиятини ошириш учун нималарга эҳтибор бериш керак?

10. Учрашувнинг тарбиявий аҳамиятида анханаларнинг роли хақида сузлаб беринг.

**Адабиётлар:**

1. И.А.Каримов «Хушёрликка дахват» Т. 1999 й.
2. И.А.Каримов «Ўзбекистон-миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мавкура» Т. 1998 й.
3. А.И.Ибрагимов, Х.Х.Султонов «Ватан туйғуси» Т. 1996 й.
4. «Ватан химояси-муқаддас бурч» Т. Харбий нашриёт. 2000 й.
5. Харбий-ватанпарварлик тарбияси асослари” дарслиғи. М. 1987 й.
6. Укув юртлирида укувчиларнинг харбий ватанпарварлик тарбияси. М. 1988 й.

## Мавзу № 8: “Укувчи ёшлар билан харбий-ватанпарварлик мавзусида назарий конференциялар тайёрлаш ва утказиш услубиёти”

### Режа:

1. Назарий конференцияларни утказишнинг мақсад ва вазифалари.
2. Конференция режасини ишлаб чиқиш тартиби.
3. Рахбар ва укувчиларни конференцияга тайёргарлиги.
4. Назарий конференцияни утказиш тартиби.

### Таянч иборалар:

Назарий конференция, конференция режаси, китобхонлар муҳокамаси, конференция ташвиқоти, мустақил фикр, конференциянинг мафкурави тарбиявий аҳамияти, муҳокама мавзуси, такриз фикрлар, махнавий бойлик, китоблар ташвиқоти.

### Муаммоли савол:

Назарий конференциялар қандай ташкилланади ва унинг моҳияти нимада?

### Назарий конференцияларни утказишнинг мақсад ва вазифалари.

### Ёдда тутинг:

Назарий конференция -бу жамоа булиб,

шу тартибда китоблар мазмунини тахлил килиш, китобхонлар уртасида харбий-ватанпарварлик тарбияси муаммолари буйича бир ёки неча асослар юзасидан фикр алмашиш, мунозара юритишдир.

Бундай иш олиб боришнинг асосий хусусияти шундан иборатки, бунда асосий урин китобхонларга, уларнинг фикрларига тегишлидир. Китобхонлар конференцияси ёшларни тарбиялашда якиндан кумак беради, диққат билан мутоалаа килишга, укиб чиқилган нарсаларни чуқур тахлил килишга ургатади, уни англашга ёрдам беради, уларни Ватанимизга садокат рухида тарбиялайди, ёшларни хар хил муаммолар буйича фикр алмашишга интилишларига жавоб беради.

Конференцияларни утказиш давомида кенг китобхонлар оммасини бадий асарлар хақидаги фикрлари аникланади ва бу муаллифларга узларини малакаларини устиришга ёрдам беради, танқидчиларга эса, уларни ижодларини чуқур ва хаққоний баҳолашга имкон яратади.

Шундай экан, назарий конференция фақат китобларни тарғиб килиш воситасигина эмас, балки ёшларни харбий-ватанпарварлик, маданий ва эстетик тарбиялашни бир шакли хамдир. Бундан ташқари ЧЁТ рахбари томонидан утказиладиган конференция шу фанни ташвиқот килишни яхши бир воситасидир.

*Назарий конференциянинг асосий шarti -самимий фикр алмашиш, укувчиларни укиб чиқилган китоблар, уларда кутарилган муаммолар хақидаги шахсий фикр мулохазаларидир.*

Харбий-ватанпарварлик мавзусидаги назарий конференция-укувчи ёшларни Ватан химоясига тайёргарлик рухида тарбиялашни тахсирчан воситаси булиб хисобланади.

Уларни тортувчи кучи, самимий вазиятда утиши, ёшлар калбига чуқур тахсир этишидир.

Бундан ташқари, назарий конференциялар шундай уюштирилиши мумкинки, бунда усмирлар ва кизлар Чакирувгача ёшлар тайёргарлиги фани буйича уз билимларини намоён килиш имкониятларига эга булиши мумкин.

Назарий конференцияни тайёрлаш ва утказиш учун бир канча кишилар кучини сафарбар килишга тугри келади. Хар бир назарий конференция узини дастурига эга булиши керак. Назарий конференцияга тайёргарлик, мактаб харбий тахлим рахбари томонидан ташкилий кенгаш ва кутубхона вакиллари билан биргалиқда олиб борилади. Конференция режаси мактаб директори томонидан тасдикланади.

Конференцияни ташкиллашда иложи борича укувчиларни узларини жалб килиш жуда мухимдир. Хар бир укувчига алохида вазифа топшириш керак.

Агар вазифа мураккаброк булса (масалан; адабиётларни йигиш) у холда вазифани укувчилар гурухига топшириш махкулдир. Назарий конференцияни тайёрлаш услубини асосий принципи-бундай тадбирларни уқитувчи рахбарлиги остида укувчиларни узлари тайёрлаши керак. Демак, укувчиларни мувофик равишда уюштириш, уларни ижодий кучларини керакли йуналишга юргизиш керак. Худди мана шу ерда укувчиларга жамоат ташкилотлари ва кутубхона вакилларини ёрдами керак булади. Назарий конференцияга уруш ва меҳнат ветеранлари, харбий кисм вакилларини ва шу мактабни тамомлаган харбий хизматчи ёки армия хизматини утаган ёшларни таклиф килиш мақсадга мувофикдир.

Хар бир конференцияга мазмунли жарангли ном танлаш керак, унда конференцияни мавзуси ва йуналиши уз аксини топган булиши керак.

Масалан: “Отамдан колган далалар” китоби буйича утказиладиган конференцияга “Анханалар давом этмоқда”, ёки “Офицерлар” филгми буйича -“Офицерлик-кахромона касб” деган номларни бериш мумкин.

Конференция утказилаётган вақтда унинг катнашчиларини фаоллаштириш кеч булади, шунинг учун бу иш рахбар томонидан олдинрок бошка тадбирлар ёрдамида амалга оширилиши керак. Хар бир конференция бу ишларни якуний хисоботини чиқариш учун утказилиши лозим.

Уни вазифаси ёшларда эстетик нозик дидни, ахлокий идеал ва катхий эҳтикодни тарбиялашдир. Тажрибали рахбарга мунозара вақтида укувчиларни фаоллигини бошқариш, уни керакли оқимга йуналтириш қолади холос.

Демак, конференция учун мавзуни тугри танлаш -бу муваффакият гаровидир. Лекин, кандай танлаш тугри булади? Бу ерда суз таникли, машхур ёки умуман номахлум булган муаллифлар хакида кетяптими?

Бахзи вақтида шундай буладики, асарнинг бадий сифати юксак булмаслиги, лекин унда муаллиф кутарган муаммолар барчани хаяжонлантириб ларзага солиши мумкин. Хар кандай вазиятда хам ташкилотчи конференциянинг асосий вазифасини белгилаб олиши зарур, бунинг учун китобхонларни ушбу муаммоларга булган кизикиш сабабларини тушуниш керак.

Бадий асарни муҳокама килишни муваффакияти асоси булиб -китобни ёки мавзуни тугри танланишидир. Унда кутарилган муаммолар, укувчи ёшларни хаяжонлантириши жуда хам зарурдир. Агар конференция халкимизни буюк аждодлари Соhibкирон Амир Темур, Захириддин Мухаммад Бобур,

Жалолоддин Мангуберди ва шунга ухшаш улуг сиймолар хаётларига багишлаб утказилса янада уз самарасини берар эди.

Чунки, укувчи ёшларда Ватанимиз тарихига, халким, юртим дея ёниб, курашиб утган буюк аждодларимиз хаётларига булган кизикиш ва уни урганишга булган интилиш жуда хам каттадир.

Мухокама учун уткир сюжетли, жиддий хаётий муаммоларни кутариб чиккан, янги асарларни олиш керак. Мухокама мавзуси ёзувчини бутун ижодий, хикоялар туплами, алохида бир китоб ёки бирор бир журналдаги макола хам булиши мумкин. Мухокама килинувчи асарлар сони канча оз булса, шу максадга мувофик булади. Акс холда конференция чузилиб кетиши, мухокама эса зерикарли утиши мумкин. Мавзунини танлашда рахбар факат узини фикрини утказиши мумкин эмас. Шунинг назарда тутиш керакки, факат укувчиларни узларини фаол катнашишлари конференцияни яхши тайёрланишига ва мувафаккиятли утишига имкон яратади.

### **КОНФЕРЕНЦИЯ РЕЖАСИНИ ИШЛАБ ЧИКИШ ТАРТИБИ.**

Конференциянинг катта амалий ахамияти мавзунинг долзарблиги, уни пухтали билан ташкил этишни талаб килади. Бунинг учун рахбар конференция режасини пухта уйлаб тузиши, шунингдек, ташкилий кенгаш ахзолари билан биргаликда конференцияни тайёрлаш режасини тузади.

Тайёргарлик режасига куйдагиларни киритиш тавсия этилади:

1. конференция мавзусига тақдим этилган китоблар сонини купайтириш;
2. бу китобларни мухокамагача купрок укувчилар укиб чикишлари учун уларни ташвикот килиш ва таркатиш;
3. китобхонларнинг бу китоблар хакидаги фикр мулохазаларини йигиш ва фикрлар битилган махсус варакаларни чикариш;
4. конференцияда сузлашни хохловчи китобхонларни аниклаш;
5. сузга чикувчилар учун консулгтациялар уюштириш;
6. конференцияни олиб бориш учун раис сайлаш;
7. булажак конференция хакида ахборотлар;
8. конференция утказиладиган бинони тайёрлаш.

Конференцияга тайёргарлик 2 ойгача давом этади. Тайёргарликни бундан хам узок муддатга чузиш тавсия килинмайди, бу укувчилардаги дастлабки таассуротларни эсдан чикаришга, нисбатан кизикишнинг

пастлашига олиб келиши мумкин. Тайёргарлик давомида рахбарга фаоллар билан биргаликда катта хажмдаги жиддий ишларни бажаришга тугри келади. Тайёргарлик режа асосида бориши ва бунда бирор бир нарса тушиб колмаслиги учун, режани хар бир кисми учун жавобгар шахс тайинланиб, уни бажаришни аник муддатлари курсатиб утилгани мақсадга мувофиқдир.

1. синфнинг ЧЁТ буйича кутубхонасини муҳокамага куйилган асослар билан имкон борица тулдириш зарур. Бунинг учун хар хил манбалардан фойдаланилади:

- китоблар буюртма килинади;
- абонемент буйича маколалар буюртма килинади;
- магазинлардан китоблар сотиб олинади.

Навбатдаги вазифа -муҳокамага куйилган китобнинг мазмунини кенг укувчилар ёки китобхонларга етказиш.

Бунда канча куп укувчилар у билан танишиб чикса, шунча куп укувчи конференцияда катнашиши мумкин. Китобларни таркатиш учун рахбар кул остида булган барча кургазмали, огзаки ва бошка ташвикот шаклларида фойдаланиши керак. Синф хонасида муҳокама мавзуси ёки асар муаллифи хакида кургазмалар ташкил килинади. Китобларни ташвикот килиш конференция ташвикоти билан биргаликда олиб борилади. Укувчи укувчиларга булажак тадбирлар хакида ёзма ёки огзаки эхлонлар оркали етказилади. У укувчилар билан харбий ватанпарварлик мавзусидаги китоблар хакида сухбатлашиб назарий конференцияда катнашишни хохловчи укувчиларни аниклайди. Конференцияда уз фикрини айтишни истаган бир неча укувчиларни олдинрок аниклаб олиш, бу муҳокамани ишончли тарзда бошлаш учун мухимдир, агар керак булса, сузга чикмокчи булган укувчиларга зарур ёрдамлар курсатилади.

Бу ёрдам нималардан иборат булиши керак? Умуман, ёрдам бериш зарурми? Энг зарарли ёндошиш, бу укувчилар устидан хаддан ташкари назоратни кучайтириб юбориш.

Лекин бу, укувчи сузга чикмокчи булган укувчига ёрдам бермаслиги керак, деган фикрни билдирмайди.

Китобхонлар орасида шундай укувчилар борки, улар куп китобларни яхши тахлил ва узининг мустикал фикр-мулохазаларни эркин баён кила олади. Рахбар бундай укувчилар гурухи билан ишлаганда, китобхонларга асарни яхши тушунишларига ёрдам берувчи танкидий адабиётларни туплаш билан чегараланиши мумкин. Мақтабда укиб чиккан китобларни чукур тахлил кила олмайдиган ва уз фикрини эркин сузлай олмайдиган укувчилар булиши мумкин. Лекин уларда узларини китобхон дустлари даврасида уз

фикрларини айтиш эҳтиёжи пайдо булган булиши мумкин. Худди мана шу ерда, уларга уқитувчининг ёрдами жуда зарур булади. Лекин уқитувчи суҳбатда уқувчига уз фикрини шакллантиришга, махлум бир хулосалар чиқаришга ёрдам бериб, китобхон фикрини уз шахсий фикрларига алмаштирмаслиги керак, у факат уқувчини фикрлаш, идрок қилиш қобилиятини янада фаоллаштиришга имкон яратиши лозим.

Конференцияда сузга чиқмоқчи булган китобхонга ёрдам бериш усуллари турли-тумандир. Қуп холларда харбий тахлим уқитувчиси адабиёт уқитувчилари билан биргалиқда саволлар мажмуасини тузади.

Бу саволлар буйича китобхонларнинг фикр-мулохазалари эшитилади. Саволлар мазмуни муҳокама қилинаётган мавзу ва китобларга боғлиқ булади. Китобхонларга сузга чиқишга тайёрланишда китоблар хақидаги тақризлар, фикрларни йигиш яхши қумак беради.

Харбий тахлим уқитувчиси уқувчилар билан суҳбатлашиб, уларни китоблар хақидаги фикрларини эшитиб, конференцияда сузга чиқмоқчи булган уқувчиларни аниқлаб олади.

Айниқса, индивидуал, шахсий суҳбатлар жуда хам фойдалидир. Чунки, бу суҳбат давомида китобхонга конференциянинг ахамияти, ёзма тақризнинг қандай тузилиши ва уз фикр-мулохазаларини сузга чиқиб, оғзақи баён қилишга қандай тайёрланишни тушунтириш мумкин. Бундай суҳбатларни самимий вазиятда утқизиш мақсадга мувофиқдир.

Уларни утқизиш учун махсус тайёрланган (тайинланган) консултант ажратилса яна хам яхши булар эди.

Консултант булиб уқитувчи, фаол китобхон ёки конференцияни олиб боришга жалб этилган уқувчи фаолият курсатиши мумкин. Одатда муҳокама саволлари ва китобхонларнинг фикр-мулохазалари конференция хақидаги эҳлонлар билан бирга деворий газеталарга жойлаштирилади. Тақриз ва фикрлар муҳокамага атаб чиқарилган алҳомларга хам жойлаштирилиши мумкин.

Назарий конференциялардан қутилган самара, харбий тахлим уқитувчисини унғача китобларни тарғиб қилишдаги тайёргарлик ишларининг муваффақиятига боғлиқ булади. Муҳокама, амалга оширилган барча ишларнинг хотимаси, якуний қисми булиб ҳисобланади.

Назарий конференцияни ташкил этишда, олдиндан конференция утқизиладиган бино хақида уйлаш муҳим ахамиятга эгадир. Бу мактабдаги алоҳида синф хонаси, мажлислар зали ёки клуб булиши мумкин. Агар конференция уқув юридан ташқарида утқазилмоқчи булса, у холда бу тугрисида аввалроқ қелишиб олиниши керак. Агар мактабнинг узида булса, уни олдиндан муҳокама мавзусидаги плакатлар, суратлар ва бошқа қурғазмалар воситалар билан жиҳозлаш лозим.

Конференция давомиди техник воситалар ва видео-аудио материалларидан албатта фойдаланиши зарур. Конференцияга хар доим хам китоб муаллифини ёки асар кахрамони прототипини таклиф килишга имкон булмайди. Худди мана шундай вазиятларда техник воситалар бизга яқиндан кумак беради.

Биз китоб муаллифини ёки асар кахрамонларининг фикр-мулохазаларини ва узларини ёзиб олиб, уни мухокама катнашчиларига тақдим килишимиз мумкин. Бундай усулни куллаш мухокама катнашчиларида катта таассурот колдириши мумкин.

Конференция утказиладиган зални бадиий жихатдан жихозлаш катта ахамият касб этади. Бадиий жихозлаш зални безабгина колмай, назарий конференциянинг мафкуравий тарбиявий ахамиятини хам тула очиб беришга имкон яратиши, китобхонлар идрокини хар хил восита ва бадиий сузлаш усуллари билан фаоллаштириб, ундаги асосий мазмунни аниклаш керак.

### **Рахбар ва укувчиларнинг конференцияга тайёргарлиги**

Конференцияни утказишда харбий тахлим укутувчиси асосий эхтиборни харбий хизмат, харбий билимлар, спортнинг харбий амалий турларини таргиб килишга каратиши керак, шунинг учун хам назарий конференциянинг мавзуси харбий хизмат, Узбекистон фукараларининг Ватанни химоя килишдек мукаддас бурчлари билан боглик булиши лозим.

Узбекистон Куролли Кучларининг жанговар анханаларини ташвикот килишда, Ватан химоячилари махнавий бойликларини очиб берувчи, юксак эхтикод ва олийжаноблик туйгуларини тарбияловчи асар катта имкониятларга эгадир. Чакириккача ёшлар тайёргарлиги рахбари уз ишида “Ватанпарвар” ташкилоти билан биргаликда халкимизни утмишдаги ва хозирги кундаги буюк жасоратлари, тинчлик вақтида жанговар навбатчиликни амалга ошираётган марду-майдон углонлар хакида хикоя килувчи бадиий адабиётларни ташвикот килишни доимий равишда олиб бориши керак.

Рахбар, ёш китобхонларга фойдали, зарур булган китобларни танлашга ёрдам бериши лозим. Бунда у, уларнинг ёши, кизикишлари каби хусусиятларини хисобга олиши керак. ЧЁТ рахбарининг вазифаси -бошка фан укутувчилари билан биргаликда, укувчиларнинг укиш жараёнида катнашиб, уларни харбий мавзудаги китоблар билан кизиктириши, керакли асарларни танлашда ёрдам бериши, китоблар билан илмий асосда ишлашга, яхни такризларни укишга, иш режаларини тузишга, керакли мавзу учун газеталардан махлумотлар йигишга ва бошка шу каби ишларга ургатишдан иборатдир. Рахбар кутубхоначи билан биргаликда, харбий-ватанпарварлик мавзусидаги китоблар укувчилар эхтиборидан четда колмаслигига харакат килиши керак.

Бу мавзудаги китоблар укувчиларни ватанпарварлик, Она-ватан химоясига доимий тайёргарлик, Узбекистон Президенти ва халкига чексиз садокат рухида тарбиялашга ёрдам бериши лозим.

### **Конференцияни утказиш тартиби**

Конференцияни утказишда мухокамани бошлаб берувчи ва олиб борувчи, яхши, конференция раисининг урни катта ахамиятга эгадир.

Конференция утказишни яхши тайёрланган, фаол укувчига ишониб топшириш мақсадга мувофиқдир. Чунки мухокамани укувчи олиб борса, мухокама катнашчилари узларини эркин хис этиб, уз фаолликларини курсатиши мумкин.

Конференцияни ЧЁТ рахбари ёки таклиф килинган бошка укутувчи ҳам олиб бориши мумкин. Хар кандай тарзда ҳам, мухокама раиси китоб мавзусини яхши билиши, шу мавзу буйича уз фикрига эга булиши, муаммоли саволлар билан укувчиларни кизиктириши, уларнинг фаоллигини ошириб, керакли йуналишга йуналтира олиши керак.

Мухокама раиси, конференция бошланиши олдидан китобларни укиб чиқиши, китобхонларнинг бу китоб хақидаги фикрлари, шунингдек, мухокамага тавсия килинган саволлар билан танишиб чиқиши лозим.

Конференция одатда, кириш сузи билан бошланади. Кириш сузи кискача булиб, 10-15 дақикадан иборат булиши керак. Унда киска сузлар билан китобни ва унинг мавзусини, ёзувчи ижодини тахрифлаб бериш, асарда кутарилган муаммо ёки бирор бир қахрамонни жасорати тахрифлаб берилади.

Конференция раиси, мухокамани бошлай туриб конференцияни утказиш мақсади, мухокама учун тузилган асосий саволлар хақида кискача маълумот бериб утиши мумкин. Мухокамада асосий урин укувчиларга, уларнинг фикр-мулохазаларини эшитишга ажратилади. Албатта, мухокамада сузга чиқишни хоҳловчиларни барчасига суз берилиши мумкин, лекин улар бир-бирининг фикр-мулохазаларини такрорламакликлари керак.

Мухокама давомида олиб борувчи бир-бирига қарама-қарши булган фикр-мулохазаларни аниқлашга, уларни алоҳида эслатиб утишга ҳаракат қилиши лозим.

Мухокамани кескин, кизикарли бахслар билан утказиш учун, асар ахамиятини хар-хил фикр-мулохазалар билан баҳолаётган китобхонлар чиқишлари билан бошлаш мақсадга мувофиқдир.

Конференция давомида куп холларда, катнашчиларга йуналтирувчи саволлар беришга тугри келади. Бунда доимо шуни эсда тутиш керакки, мухокама залида канчалик эркин вазият хукм сурса, мухокама шунчалик кизгин, жонли утади.

Мухокамани олиб борувчи сунгги сузида сузга чикканларнинг фикр-мулохазаларини тулдиреди ва уларни умумлаштириб якуний хулоса чикаради. Конференция тугаши билан мухокама килинган китоблар ва уларнинг тарбиявий ахамиятларини ташвиқот килиш тухтаб колмаслиги керак. Одатда мухокамада факат китобни укиб чикканлар эмас, балки мавзу ёки мухокамани узи диккатини тортган укувчилар хам катнашадилар.

Конференциядан сунг бу укувчиларда хам мухокама килинган китобларга кизикиш, мухокамада фаол катнашган укувчиларда эса, бу мавзунини чуқур урганишга, харбий хизмат асосларини чуқур билишга кизикиш уйғониши мумкин.

Бундай укувчиларга ЧЁТ рахбари керакли адабиётларни танлашга ёрдам бериши зарур. Конференция давомида айтиб утилган танкидий фикр-мулохазаларни китоб муаллифига ёзиб юбориш, уларнинг жавобларини эса, деворий газеталарда ёки жанговар варакаларда чоп этиш мумкин.

Конференцияга тайёргарлик бошланиши билан ва унинг якуний кисми утказилгунгача булган вақт ичида, ЧЁТ рахбари ва кутубхоначи шу мавзуда берилаётган китоблар руйхатини тузиб борадилар. Мухокамани тугаллашда, асар кахрамонларига юкланган вазифалар ва укувчилар кимлардан уртак олишлари хакида гапириб утиш мақсадга мувофиқдир.

Китоблар конференциясининг пухта тайёрлаш ва утказиш, ёшларимизга узбек адабиёти намояндаларини ижодларининг чуқур билишга, уларни Ватан олдидаги мукаддас бурчларининг чуқур англашларига, ёшларнинг ватанпарварлик, миллатпарварлик рухила тарбияланишларига яқиндан кумак беради.

#### **Укув саволлари:**

1. Назарий конференцияларнинг мақсад ва вазифаларининг сузлаб беринг.
2. Конференциянинг асосий шартининг нималардан иборат?
3. Конференцияга мавзу танлаш кандай тарзда амалга оширилади?
4. Конференция режасининг ишлаб чиқиш тартибининг айтиб беринг.
5. Конференция кандай тартибда утказилади?
6. Конференция раисининг тайёргарлигининг кандай булиши керак?

7. Сузга чикувчилар кандай тарзда тайёрланадилар?
8. Мухокама олиб боришда нималарга эҳтибор бериш керак?
9. Конференцияни утказишда ЧЁТ раҳбарининг роли нималардан иборат?
10. Назарий конференцияларни укувчиларнинг харбий-ватанпарварлик тарбиясидаги ахамиятини сузлаб беринг.

#### **Адабиётлар:**

1. И.А.Каримов «Хушёрликка дахват» Т. 1999 й.
2. И.А.Каримов «Ўзбекистон-миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мавқура» Т. 1998 й.
3. А.И.Ибрагимов, Х.Х.Султонов «Ватан туйғуси» Т. 1996 й.
4. «Ватан химояси-муқаддас бурч» Т. Харбий нашриёт. 2000 й.
5. Харбий-ватанпарварлик тарбияси асослари” дарслиги. М. 1987 й.
6. Укув юртлирида укувчиларнинг харбий ватанпарварлик тарбияси. М. 1988 й.

#### **Мавзу № 9 “Харбий-ватанпарварлик тарбияси буйича махруза, доклад ва рефератлар ёзиш услубиёти”**

#### **Режа:**

1. Харбий-ватанпарварлик мавзуси буйича махруза, доклад ва рефератлар ёзиш учун куйилган талаблар.
2. Махрузага тайёргарлик боскичлари. Адабиётларни танлаш ва уларни урганиш.
3. Махрузани баён килиш услубиёти.

#### **Таянч иборалар:**

Муаммоли укутиш, муаммоли вазият, педагогик йуналиш, дидактик талаблар, индуктив услуб, дедуктив услуб, махрузачининг махорати, грамматик ва орфографик саводлилиқ, фикрлаш қобилияти, илмий ва мафқуравий дунёқараш

### **Муаммоли саволлар:**

1. Муаммоли укитишнинг мохияти нимада?
2. Махрузали машгулотлар кандай ташкилланади?

### **Харбий-ватанпарварлик мавзуси буйича махруза, доклад ва рефератлар ёзиш учун куйилган талаблар**

Хозирги даврда укувчи ёшларни харбий-ватанпарварлик тарбияси буйича килинадиган ишлар хажмини ошиб бориши, уни ташкиллашни турли шакл ва услублари билан уйгунлашиб бормоқда, бу эса уз навбатида бизга, харбий-ватанпарварлик тарбияси буйича етарли тажрибалар борлиги хакида гапиришимизга имкон беради. Бирок, бу тажрибалар самарадорлиги узини юкори даражасига етиб боргани йук. Хозирги шароитдаги вазиятни узгартириш учун, факат харбий-ватанпарварлик тарбиясини янги шакл ва услубларини излабгина колмай, балки, махлум булган амалдагиларни такомиллаштириш, укув жараёни, дарсдан ташкари ва ёшлар ташкилотларидаги илгор педагогик тажрибаларни чукур тахлил килиб чикиш зарур.

Умумтахлим мактабларидаги укув жараёни харбий-ватанпарварлик тарбияси системасининг таркибий бир кисми булиб хисобланади. Тахлим бериш ва тарбиялаш назарияси ва амалиёти, укитиш ва тарбиялашнинг турли, кенг шаклларини узида мужассам килган. Укитишнинг турли-туман шакллари орасида, махруза усули билан укитиш катта ахамиятга эгадир.

Махруза, асосан, олий укув юртларида укитиш ва тарбиялаш шаклларидан бири сифатида пайдо булди ва ривожланиб келди.

Лекин, аста-секин тахлимнинг бошка турларида, масалан, илмий билимларни амаллаштириш, ташвикот фаолиятларида кулланила бошланди. Урта мактабларда юкори синф укувчиларини укитиш учун махруза услубини жорий этишни кераклиги ва зарурлиги аллакачон исботлаб берилган.

ЧЁТ рахбари харбий-ватанпарварлик тарбияси буйича тарбия жараёнини ташкиллашга махруза усулини кирита туриб, шуни билиши керакки, олдин хам, хозир хам уни тахлим ва тарбияни турли шаклларида фойдаланилишига бир хил муносабат булмаган ва йук хамдир. Махрузага карши чикканлар, аввал уни китоб билан ишлашга, техник таракиётни ривожланиши билан -укитишда техник воситалардан фойдаланиш билан алмаштиришни таклиф килган эдилар. Махрузага карши асосий аргумент- махрузачининг фаоллиги ва гуёки

тингловчиларни пассивлиги хисобланиб келган. Махрузачи буни билиши ва махруза машгулотларида укувчилар фаоллигини оширишга ҳаракат қилиши керак.

Кескин бахсларда, махруза усули билан уқитишнинг илгор тажрибаларини умумлаштириш жараёнида махрузани улкан имкониятлари, куп сонли изланишлар асосида уқитишни бир услуби эканлигини тасдиқлаб берди. Махруза укув материални унумли, систематик равишда баён қилишга имкон беради. У тингловчиларни фаннинг энг янги ютуқлари билан таништиришда, фанни қириш қисмини урганишда катта имкониятларга эгадир. Яхши тайёрланган махруза -бу илмий фикрлаш мактабидир. Махруза давомида, махрузачи мавзу мазмунини баён қилибгина қолмай, тингловчиларга вазифалар қўяди, фикрлар қарама-қаршилигини вужудга келтириб, тингловчиларни илмий изланишларга йўналтиради; бундай махрузани укув материал алмаштира олмайди. У тингловчиларни дарслик материалларига йўналтириб, уни мазмунан тулдирди ва умумлаштиради, шунингдек, уни самарали ушлаштирилишига шароит яратади.

Хозирги вақтда ахборот ва маълумотномалар ҳажмини кескин ошиб кетиши (кейинги 25 йил ичида инсоният бутун бир тарихи давомида олган ахборот ва маълумотларни олди)—уқувчиларга ахборотлар ҳажми ошиб бориши шароитида, уларига керакли, зарур бўлганлари ҳисобига уз билимларини мустақил равишда тулдириб боришларига тўғри келади. Бу таҳлим ва тарбияда бугунги кунда ечилиши керак бўлган муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Махруза усулида муаммоли уқитиш бугунги кунда кескин бўлиб турибди. Куп қўлланма ва тавсияномаларда, биз ҳар бир махруза, доклад муаммоли хусусиятда бўлишига эришишга ҳаракат қилишимиз ҳақида гапирилади.

### **Унутманг!**

Муаммоли усулнинг ўзи уқитиш жараёнида йўқ, фақат укув материални оғзаки баён қилиш, муҳокама, семинар, амалий машгулот бўлиши мумкин. Лекин махрузани тингловчиларга фақат ахборот етказиш даражасида эмас, балки муаммоли усул билан ҳам ўқиб бериш мумкин. Муаммоли усул амалда қўлланилаётган усуллар ичида, улар билан ўйғунликда қўлланилади.

**Муаммоли укитиш** -бу муаммоли вазиятлар яратиш шароитида укув машгулотларини ташкил этиш демакдир. Бундай вазиятлар укувчиларга, машгулот вақтида куйилган муаммоли вазифаларга ечим топиш учун уз фаолликларини оширишга имкон яратади.

Укув материални муаммо тарзида баён килиш оддий баён этишдан кескин фарк килади. Бу фарк куйидагилардан иборатдир:

Укув материални муаммо тарзида баён килишнинг асосий мақсади, укувчиларда мустакил билим олишликни шакллантиришга қаратилган бўлса, ахборот тарзида баён килишнинг мақсади эса, бу билимларни укувчиларга етказишдангина иборат. Укув материални баён килишни бу икки тури, мақсадга эришиш учун қулланилаётган воситалар буйича ҳам бир-биридан ажралиб туради: муаммоли тарзда баён килишда, мақсадга укувчилар томонидан муаммоларни мустакил ечиш йули билан эришилади, ахборот тарзида баён килишда эса, мақсадга қурғазмали қуроллар ёки йулланмалар орқали эришилади. Бу ерда укутувчиларни тутган урни ҳам бир-биридан ажралиб туради: укув материални муаммоли тарзда баён килиш усулида укутувчи укувчиларни мустакил фаолиятини ташкил этувчи сифатида, анханавий тахлим беришда эса, у укувчилар ва билимлар уртасидаги воситачи вазифасини бажаради.

Муаммоли вазият муаммоли укитишда марказий уринни эгаллайди.

Муаммоли вазият -бу укувчиларни ақлий жихатдан мураккаброк шароитга тушириш учун яратилган вазиятдир. Бу вазият уларда куйилган саволларга тайёр жавоблар йуклиги, ёки маълум усуллар билан вазифани бажара олмаслиги билан изоҳланади.

Муаммоли вазият узини тузилишига эга, у куйидагиларни уз ичига олади:

#### **Ёдда тутинг:**

- Муаммоли вазиятларни яратиш усуллари;
- Муаммоларни аниқлаш ва уларга изоҳ бериш;
- Тахминлар ва гепотизлар;
- Исбот ёки инкор этиш;

- Жавоблар ва ечимлар.

Муаммо узини мазмуни жихатидан -уз ичида карама-каршиликларни уйгунлаштирган амалий ёки назарий саволдир.

Хар кандай муаммо ҳам тафаккурни ривожлантиришга олиб келавермайди. Саволларни шундай куйиш мумкинки, уларга ҳеч кандай тингловчилар ҳам жавоб бера олмасликлари мумкин. Муаммо ҳам, муаммоли вазият ҳам инсонни тафаккурлаш қобилиятига мос келиши, яҳни тингловчилар учун тушунарли бўлиши керак. 100% лик махрузани яратиш мумкин эмас ва бунга интилишни узи ҳам мантикка тугри келмайди. Икки соатлик махрузага 15-20 дақиқа давомида икки-уч муаммоли вазият етади.

Энди муаммоли вазиятлар даражаларини ва уларни кандай ҳолатларда қўллаш мақсадга мувофиқлигини қўриб чиқамиз.

- Биринчи даражали муаммоли вазият мазмуни шундан иборатки, бунда уқитувчининг узи муаммоли вазиятни вужудга келтириб, ечимини ҳам узи топади. Муаммоли вазиятни бу даражаси махрузалар учун жуда қўлайдир.
- Иккинчи даражали муаммоли вазиятни уқитувчи яратади, уқувчилар эса уни ечадилар. Муаммоли вазиятни бу даражаси гуруҳ машгулотлари, семинарлар учун жуда қўлай бўлиб ҳисобланади.
- Муаммоли вазиятни учинчи даражасида уқитувчи уқувчиларни муаммога йуналтиради, уқувчилар эса уни мустақил равишда вужудга келтириб, ечимини ҳам узлари топадилар. Муаммоли вазиятни бу даражаси мустақил таҳлим олиш учун қўлайликлар яратади.

### **Махрузаларга қўйиладиган талаблар:**

1. Илмий ва мафқуравий-назарий билимлар даражасининг юксаклиги;
2. Педагогик йуналишга эга эканлиги;
3. Дидактик талабларга жавоб бериши.

Юкорида айтиб утилган фикрлар, махруза, тахлим ва тарбия беришда бажарадиган вазифаларни бошка услублар ёрдамида тула амалга ошириб булмаслигини курсатиб турибди.

### **Махрузага тайёргарлик боскичлари. Адабиётларни танлаш ва уларни урганиш.**

Махрузалар ёзиш услубиёти бир неча боскичларни уз ичига олади. Улардан асосийлари куйидагилар хисобланади:

- мавзу белгилаш;
- дастлабки режани тузиш;
- материаллар йигиш ва уларни хар томонлама тахлил килиш;
- саволларни сунгги шаклга келтириш;
- тезислар ёки махрузани тулик матнини ёзиш;
- кургазмали куроллар ва техник воситаларни танлаш.

Махрузани тайёрлашда урганилаётган материални мураккаблигини хисобга олиб, унинг мазмунига тегишли булмаган саволлар билан тулдирмаслик мухим ахамиятга эга. Махрузани ёзиш учун материални тугри танлаб олиш- китоблар билан ишлай олиш куникмаларини талаб килади. Бу уkitувчини махрузалар, доклад ва рефератлар ёзишдаги мустакил ишларининг энг такомиллашган туридир. Бу ишни куйидаги тартибда бажариш тавсия этилади. Аввал, зарур булган адабиётлар ва дастлабки манбаларни ажратиб олиш зарур. Сунгра, уkitувчи уларни укиб чикиши, кучирмалар килиши ва махруза, доклад, рефератларнинг режасини тузиши керак. Кейин эса, хар бир мураккаб назарий тушунчаларни пухталики билан текшириб, махруза ёки реферат ёзишга киришади. Факат тезис ёки тула матнни ёзиш -бу уkitувчини узига боглик. Уз фаолиятини энди бошлаётган уkitувчи, махруза матнини тула ёзиши керак. Махруза ёзилиб булингандан сунг, у тулик холда укиб чикилади ва керакли тузатишлар киритилади. Уkitувчи махрузани ёзиб булгандан кейин кургазмали куроллар ва техник воситаларни тайёрлайди.

Кургазмали куроллардан икки хил усулда фойдаланиш мумкин:

- аввал кургазмали курол намойиш этилади, сунгра уkitувчининг тушунтириши тингланади;
- иккинчи усул бунинг акси булиб, аввал уkitувчи тушунтиради, сунгра кургазмали курол намойиш этилади.

Биринчи усул анчагина самарали булиб хисобланади. Кургазмали куроллардан бундай тартибда фойдаланиш, уларни укув-тарбиявий тахсирини оширишга имкон беради. Бу холатда у укувчиларга ахборот берибгина колмай, улардаги кузатувчанлик кобилиятларини ривожлантиради. Укувчилар бир мунча вақт

курғазмали куролни уқитувчи ёрдамсиз тушунишга ҳаракат қилишади, узларини хулосаларини чиқариш имконига эга буладилар. Бунинг учун уқитувчи курғазмали куролни намойиш қилиб, бир мунча вақт танаффус қилиши керак. Бундай танаффуслар уқув материални баён қилиш вақтида ҳам, уқувчилар курғазмали курол қисмларини яхши қуриб олишлари мақсадида қилинади. Курғазмали куролларни қўқ бўлишига қизиқиб қетмаслик керак. Улар уқув материални уқувчилар томонидан тезроқ қабул қилинишига қўқ берган вазиятлардагина қўқланилиши мўқкин, шўнинг учун ҳам улар энг мўраққаб саволларни баён қилишда фўйдаланилади.

Махлўмки, мўаммоли вазиятлар уқитувчи томонидан олдиндан ишлаб чиқилиши керак, лекин, уларни шўндай уқитиш керакки, бўнда уқувчилар албатта қарама-қаршилиликларга дўқ қелишлари шарт. Бў бир неча босқичлардан иборат услўбий тайёргарликни талаб қилади.

Биринчи машғўлотгача бўлган босқичда, уқитувчи қўйидаги вазифаларни ечиши керак:

- уқув материалдан мўаммоли вазиятларни қелтириб чиқарувчи саволларни ажратади;
- уқувчиларни қандай реал билимлари асосида мўаммоли вазиятлар яратилишини тахлил қилади;
- машғўлотга қўшимча дидактик материалларни белгилайди.

Иккинчи босқичда, уқувчилар билан утқазилаётган машғўлот жараёнида уқитувчи қўйидаги вазифаларни ечади:

- қандай сабабларга қўра қарама-қаршилиқлар қелиб чиққанлигини тахлил қилади, уни пайдо бўлиш йўқларини очиб беради;
- мўаммони изохлаб беради;
- мўаммони ечишнинг тахминий йўналишларини белгилайди.

Учинчи босқич, машғўлотларда ҳам ёки дарсдан ташқари вақтларда ҳам амалга оширилиши мўқкин. Бўнда уқитувчи уқувчилар билан биргалиқда мўаммо ечимини тўғрилигини, оптималлигини текширади, уларни уйғўнлаштириб, амалий хулосалар чиқаради.

Шўндай қилиб, уқув-тарбия жараёнини тақомиллаштириш -бў мўраққаб ва қўқ қиррали бўлган жараёнди. У уқитувчидан юқсак даражадаги ташқилотчилик қобилиятларини, белгиланган вазифаларни уз вақтида бажаришдек қатҳиятликни, уз ишларига ижодий тарзда ёндошишни талаб қилади.

### **Махрузани баён қилиш услўбиёти**

Махруза, укув-тарбия ишларини бир шакли сифатида укув материалини энг мураккаб назарий ва амалий саволларини укувчиларга етказиш имконини беради. Махрузалар яхши тайёрланган уқитувчилар томонидан бир вақтнинг узида бир неча гуруҳлар учун уқилади. Махруза машгулоти тузилиши буйича уч қисмдан иборат: кириш қисми, махрузани баён қилиш ва якуний қисм. Кириш қисми бошқа машгулотларда ҳам булгани каби, укувчиларни давомати ва уларни укув ишларига тайёргарлигини текширишни уз олдига мақсад қилиб қуяди. Буни 5 дақиқа ичида бажариш осон иш эмас. Айти вақтда хар бир укувчини машгулотда бор-йуқлигини шахсан текшириб олиш керак. Машгулотларда укувчилар давоматини самарали назоратга олишни тахминлаш учун, аудиторияларда гуруҳлар учун олдиндан жой белгилаб қуйиш мумкин. Машгулот бошланишида уқитувчи гуруҳ етакчисига дарсга катнашмаётганларни руйхатини тузиш хақида буйрук берса қифоя, кейин уқитувчи бу маълумотларни гуруҳ журнаliga қучириб қуяди. Машгулотга катнашмаган укувчилардан кейинги дарсларда тушунтириш олинади. Назорат ва уни натижалари буйича қурилган чоралар укувчилар орасидаги интизомни мустаҳкамлашнинг муҳим элементларидан булиб ҳисобланади.

### Эслаб қолинг

Махрузани уқиш услубиёти, уни бадиий тузилишини ( кириш сузи, махрузанинг асосий мазмунини ёритиш, якуний қисми) уз ичига олади.

#### **Кириш сузи:**

- тингловчилар диққатини жалб қилиш;
- тингловчиларни фаол фикрлашга рухий жихатдан йуналтириш.

#### **Махрузанинг асосий мазмунини ёритиш:**

- саволларни кетма-кетлиги ( тартиблилиги);
- саволлар орасидаги узвий богликлик;
- рухий ҳолат ва катхий ишонч.

#### **Махрузанинг асосий мазмунини ёритишда қуйидагилар қулланилади:**

- индуктив услуби, қачонки укув материали айрилиқдан умумийликка томон баён қилинса;
- дедуктив услуби, қачонки укув материали умумийликдан айрилиқка томон ёритилса;

- сузлаш, тартибли равишда баён килиш;
- хикоя килиш, махрузачи фикрларини уз ичига олган хикоя;
- тушунтириш, предмет ёки ходиса мохиятини кискача баён килиш.

### **Махруза матнини баён килиш усуллари:**

- риторик саволлар куйиш-бунда махрузачи уз-узига савол беради ва жавобини узи кайтаради. Тингловчида ҳам уз навбатида саволга жавоб пайдо булади ва уни уқитувчини жавоби билан таккослаш имкони тугилади;
- тенглаштириш, карама-карши куйиш ва диалог (узaro мулокот) ни хар хил куринишда куллаш;
- тахлил ва умумлаштириш, бу махрузачига янги фикрлар киргизишга имкон яратади;
- саволлардан сунг кискача хулосалар чикариш ва реал фактлардан фойдаланиш.

Махрузани 10-15 дакикалик киска танаффус билан бошлаш керак. Бу уқитувчини тинчланишига, айна пайтда тингловчилар холатини бахолашга имкон беради. Махрузани хеч булмаса бошланиш кисмини ёддан билиш мақсадга мувофикдир. Уқитувчи махрузани кириш сузи билан баланд овозда бошлаши керак. Баён килиш сурати катта ахамиятга эга: махрузани оддий сузлашишдан фарклирок, 1-2 маротаба секинрок укиш керак. Махрузани укиш давомида уқитувчи тингловчиларни куриши ва уз сузларини тахсир самарасини текшириши лозим. Махруза укишга киришиб кетиб, асосий саволларни унутиб куймаслик керак. Баён килишда нутк маданиятига риоя килиш зарур. Махруза укишда юз ва кул харакатлари мухим ахамиятга эга. Хар бир юз ва кул харакатлари баён килинаётган сузларга мос тушиши керак. Тингловчиларни бошқариш ва бунда узини узи йукотиб куймаслик жуда ҳам мухимдир.

Агар махруза эркин баён килинса ва уқитувчи олдиндан ёзиб куйилган матнга боғланиб колмаса, у шунчалик куп муваффакиятга эга булади. Махруза сузма-суз укиб бериш учун эмас, балки материални эркин равишда баён килиш учун ёзилади. Махруза матни уқитувчига материални тартибли равишда баён килишга кумак бериб, уни интизомли килади, хужжатлар ва машхур шахсларнинг фикрларини укиб беришга имкон беради. Тажрибали уқитувчилар махрузани бир неча марта уқиганларидан сунг, режа (план-конспект) тузадилар ва кейин, факат шу режа асосида машгулот утказадилар.

Энди махрузани баён килишда муаммоли вазиятларни кандай амалга ошириш мумкин эканлигини куриб чикамиз. Муаммоли вазиятлар назарияси пухта ишлаб чикилган, навбатдаги вазифа муаммоли уқитиш

услугиётини ишлаб чиқишдадир. Бу иш ҳозирча мураккаб бўлиб турибди. Шундай материаллар борки, улар муаммоли вазиятларга тушмайди, масалан, сонли сузлар ёки улар асосидаги материаллар. Лекин, маҳрузани уқиш услугиётини ишлаб чиқишда шундай усуллар борки, улар орқали муаммоли вазиятлар ечилади.

Маҳруза матнини баён қилишда муаммоли вазиятлардан фойдаланиш усулларини қуриб чиқамиз:

1. Уқувчиларни қарама-қарши фикрларга олиб бориш ва уларни ечиш учун таклифлар. Маҳрузада ҳар қандай муаммоли вазият ҳам қарама-қаршиликлардан иборат. Биз бу қарама-қаршиликларни қурамиз, уларни ечимини топамиз ва уни уқувчиларга ҳавола этамиз.
2. Ҳар хил фикрдаги нуқтаи-назарни баён қилиш ва уларни қайси бири тугрилигини аниқлашни таклиф этиш.
3. Маҳруза мазмунини янгилиги. Ҳар бир маҳруза материали янги бўлиши керак. Бу ўқитувчидан маҳлум бир сергайратликни, ўз устида муқаммал ишлашни талаб қилади. Лекин, афсуски, ҳар қандай ўқитувчи ҳам бу ишларни бажаравермайди.
4. Маҳруза матнини овоз чиқариб фикрлаш тарзида баён қилиш, яҳни маҳрузачи ўз-ўзи билан фикрлашяпти.
5. Ички қарама-қаршиликларни ўз ичига олган фактларни таҳлил қилишни тавсия этиш.

Маҳруза усули билан ўқитиш, маҳрузани ўқув ва тарбиявий имкониятларини амалга ошириш муваффақияти қўп жиҳатдан ўқитувчини тингловчилар билан бўлган ўзаро муносабатига боғлиқ бўлади. Ўзаро муносабатни юзага келишига имкон берувчи шароитларнинг ўқ гуруҳи шаклланиган.

Биринчи гуруҳ маҳрузани тузилиши ва мазмунини ишлаб чиқишдан иборат:

1. Маҳруза моҳиятини, режасини ва уни тугри тузилганлигини аниқ белгилаб олиш;
2. Маҳрузанинг илмий маҳлумотларга бойлиги;
3. Маҳрузада фаннинг энг янги ютуқларини ёритиш;
4. Материални пухта танлаш, мазмуннинг асосий тушунчаларини очиқ беришга қаратиш;
5. Илмий адабиётлардан фойдаланиш ва уларни таҳлил қилиш, баён этилаётган савол бўйича дарслик материални ҳаққоний баҳолаш.

Иккинчи гуруҳ маҳрузачининг шахсий сифатларига боғлиқ бўлади:

1. Маҳрузачининг аниқ позицияси, унинг илмий ва мафкуравий дунёқараши, бу дунёқарашни собитлик билан маҳруза шакли ва мазмунига ўтказиш;
2. Илмий ва умумий билимдонлиги, маҳлумотлар билан эркин муомалада бўлиши;

3. Фанга иштиёки ва илмий изланишга чуқур кизиқиши;
4. Билимлар ва юксак ривожланган умумий куникмаларни йигиндиси булган махрузачилик махорати (диққат-эҳтиборни узига тортиш, махруза давомида уни саклаб туриш, фикрлаш фаолиятини рағбатлантириш).
5. Нуткнинг сифати: грамматик ва орфографик саводлилиги, аниқлиги, тушунарлилиги ва тингловчиларга эшитилиши;
6. Нутк сурхатини танлаш куникмаси борлиги, у хар хил синфдаги ёки курсдаги укувчиларга материални тула қабул қилиш ва махрузанинг асосий мазмунини ёзиб олишни тахминлаши керак;
7. Укувчиларга нисбатан меҳрибонлик, шу билан бирга, талабчанлик муносабатда булиш, ёлгон ва юзаки обрӯ орқасидан қувмаслиги.

### **Шароитларнинг учинчи гуруҳига қуйидагилар қиради:**

- махруза соатларини оптимал равишда белгилаш;
- укув жараёнини уз вақтида ва сифатли моддий жихатдан тахминлаш;
- ёрдамчи ходимларнинг самарали ишлаши.

Тажрибалар ва изланишлар уқитувчини махруза услуби устида ишлаши муҳим аҳамиятга эга эканлигини курсатиб турибди. Ҳозирги вақтда олий укув юртлири асосий эҳтиборни билимларни маълумот тарзида уқитишдан методологик, йуналтирувчи уқитишга қаратмоқдалар. Шунинг учун ҳам охириги пайтларда “фикрлашга ундовчи махрузалар” катта аҳамият қасб этмоқда. Бундай махрузаларда саволлар қуйилади, уларни ечиш учун хар хил ёндошишлар уйлаб топилади, тахминлар тузилади ва айтилади. Укувчилар уқитувчининг фикрлашини диққат билан қузатадилар, у билан бирга кизикарли ечимларни топиб, узларининг фикрлаш қобилиятларини ривожлантирадилар.

### **Укув саволлари:**

1. Махруза, доклад ва рефератлар ёзиш учун қандай талаблар қуйилади?

2. Махруза усулида муаммоли укитишнинг мохияти нимада?
3. Махрузага кандай талаблар куйилади?
4. Махруза кандай қисмлардан иборат?
5. Махрузани баён қилиш усуллари ва услуби ҳақида гапириб беринг.
6. Махрузачини илмий ва умумий билимдонлиги деганда нимани тушунасиз?
7. Махрузачининг маҳорати кандай шаклланади?
8. Муаммоли вазиятлар кандай тарзда яратилади?
9. Индуктив услуб деб нимага айтилади?
10. Дедуктив услуб деб нимага айтилади?

#### **Адабиётлар:**

1. “Харбий-ватанпарварлик тарбияси асослари” дарслиги. М. 1987 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг Таҳлим тугрисидаги қонуни. Т. 1998 й.
3. «Ватан ҳимояси-муқаддас бурч» Т. Харбий нашриёт. 2000 й.
4. Харбий-ватанпарварлик тарбияси асослари” дарслиги. М. 1987 й.
6. Уқув юртлирида уқувчиларнинг харбий ватанпарварлик тарбияси. М. 1988 й.

#### **МАНЗУ № 10: “Уқувчиларнинг харбий-ватанпарварлик тарбиясида бадиий адабиёт, кино, театр ва тасвирий санхатнинг аҳамияти”**

#### **Режа:**

1. Ёшларнинг харбий ватанпарварлик тарбиясида бадиий адабиётнинг аҳамияти.
2. Харбий ватанпарварлик тарбиясида кино, театр ва тасвирий санхатнинг тутган роли.
3. Харбий ватанпарварлик тарбияси жараёнида фильмларни танлаш ва намойиш этиш тартиби.

4. Харбий ватанпарварлик тарбиясида бадиий адабиёт, кино, театр ва тасвирий санхатдан фойдаланишда ЧЁТ рахбарининг вазифалари.

### **Таянч иборалар:**

Узбек адабиёти ва санхати, харбий-тарихий воқеалар, кино санхати, театр санхати, тасвирий санхат, қаҳрамонликнинг ахлокий-ижтимоий манбалари, бадиий адабиёт, тасвирий санхат кургазмалари, асар, кино ва спектакллар муҳокамаси, жонли мулоқот.

### **Муаммоли савол:**

Уқувчиларнинг харбий-ватанпарварлик тарбиясида бадиий адабиёт, кино, театр ва тасвирий санхатнинг аҳамияти нималардан иборат?

Биз харбий-ватанпарварлик тарбиясининг тамойиллари хақида суз юритганимизда, бизнинг ихтиёримизда булган, инсонларнинг хиссиётлари ва онгига тахсир этишга аник йуналтирилган барча шакл ва усуллардан тулик ва ижодий тарзда фойдаланишни назарда тутамиз.

Харбий-ватанпарварлик тарбияси мавзуси узбек адабиётидан мустахам урин олди ва унинг бугунги кундаги ривожидавом этмоқда.

Шуниси диққатга сазоворки, бир катор ёзувчиларимиз уз ижодларида ёшларнинг харбий-ватанпарварлик тарбиясига катта аҳамият бермоқдалар. Шунинг учун ҳам кундан-кунга харбий-ватанпарварлик мавзусидаги асарлар намуналари купайиб, уларнинг бадиий савиялари ҳам ошиб бормоқда.

Харбий-ватанпарварлик мавзусида чоп этилаётган нашрларнинг кулами жуда ҳам кенгдир. Уруш ва меҳнат хақидаги янги асарлар ва мақолаларнинг аксарият қисми унинг муаллифларининг аник ифодаланган эҳтикодлари, муаммоларга илмий ёндошганлик хусусиятлари билан ажралиб туради. Жасорат ва фидокорона меҳнатта чорловчи йуналишдаги асарлар

мазмунлари, шунингдек муаллифларнинг, инсоннинг жангда ёки меҳнатдаги ҳаракатини ижтимоий моҳиятини чуқур ифодалаб бериш савиялари ошиб бормоқда.

Ёшларнинг ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясида асар муаллифлари ва қаҳрамонлари билан утказиладиган учрашувлар катта аҳамиятга эгадир. Чунки, улар узларининг ҳикоялари билан укувчиларга кучли руҳий таҳсир курсата оладилар, бу эса учрашув катнашчилари хотирасида узок вақтга сакланиб қолади. Яхши ташкил этилган бундан учрашувларнинг ёшларга тарбиявий жиҳатдан таҳсири ҳам юкори булади.

Ёшларнинг ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси муаммолари республикаимиз матбуоти, радиотелевиденияси, кино, театр ва тасвирий санҳатларининг диққат эҳтиборидадир.

*Кино - укувчи ёшлар уртасида энг оммавий санҳат тури булиб ҳисобланади. Социологик маълумотларга кура мамлакатимиз ёшларининг 80%- кинотомошабинлардир.*

Халқимизнинг утмишида Ўзбекистон Республикаси озодлиги, мустақиллиги учун олиб борган курашларини бадий ва маҳнавий жиҳатдан тушуниб етиш, халқимиз тақдиридаги суронли йилларнинг буюк синовлари акс эттирилган воқеаларга чуқур назар ташлаш, уларнинг тарихий ривожланишидаги аҳамиятини, озодлик курашини олиб борган аждодларимизнинг оммавий фидоийлиликларининг манбаларини фалсафий жиҳатдан мушоҳада қилиш, - бу ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги филмларнинг бош мақсадидир.

Бундай филмлар уткир сюжетли, чуқур фалсафий маҳнога, шунингдек, саргузашт воқеаларга бой булса, улар ёшлар тарбиясида энг самарали воситалар булиб қолади.

Энг яхши ҳарбий кинофилмларда жасурлик, қаҳрамонлик манбаларини бадий жиҳатдан тадқиқот қилиш, Ватанга булган муҳаббат билан ифодаланади - бу руҳий қалит ҳисобланиб, у шахснинг ички дунёсидаги энг чуқур кечинмаларнинг англашга имкон беради. Ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги филмлар, ёшларнинг маҳнавий эҳтиёжларига тула жавоб беради, чунки уларда ёшларга хос булган саргузаштларга интилиш, ҳаётда узининг муносиб урнини эгаллаш ва фидоийлик намуналари ҳикоя қилинади. Масалан, “Амир Темур”, “Генерал С.Рахимов”, “Намоз Ботир” ва бошқа филмлар шулар қаторидандир.

Она-Ватанга булган муҳаббатни тарбиялаш, ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш, бевосита ҳаётий идеаллар билан боғланган булиб, миллий гоё ва миллий мафкураимизнинг асоси ҳисобланади. Бу эса, уз навбатида ҳозирги кунга қадар укув юрларида батамом бартараф этилмаган баҳзи бир умумий қамчиликларни енгиб утишни талаб қилади.

Суз бу ерда аввалом бор, укув юртлари ва укув дастурларида ва дасрдан ташқари ишларда узининг муҳим урнига эга булмаган эстетик таҳлим ва тарбия ҳақида бормоқда. Ана шу қамчиликлар оқибатида укувчиларнинг умумий маҳнавий ривожланишида сезиларли муаммолар пайдо булмоқда. Уларнинг санҳат, шунингдек, кино санҳати соҳасидаги билимлар даражаси жуда саёз булиб, бу муаммолар узининг ечимини қутмоқда.

*Театр санхати - нафис санхат турларидан булиб, узининг эмоционал жихатлари билан баркамол инсоннинг шаклланишига катта тахсир курсатади.*

Агар, укувчи театрни санхат тури деб кабул килишга тайёр булса, у холда унинг кундалик санхат эмаслиги, уни хар доим хам томоша кила олмаслик, факат театр учун хос булган эмоционал рух, самимий вазият сингари жихатлар билан сезилмай қолади.

Театрда, адабиётда хам, кино ва бошка санхат турларида хам булмаган вазият, яхни, театр сахнаси ва томошабинлар залининг, актёр ва томошабиннинг узаро жонли мулокоти, театр томошасининг бутун рухий холати билан бойитилган жонкуярлик туйгулари бор.

Ёш томошабинлар хар доим сахнада булиб утаётган воқеаларни чукур эхтирос билан кабул киладилар. Улар эртак кахрамонларининг харакатларини хаяжон, кичкирик ва оғохлантиришлар билан кузатиб борадилар.

Шу вақтдан бошлаб болалар, нохакликнинг душмани, Кахрамоннинг эса фаол ёрдамчиси булишни урганадилар. Кейинрок, усмирлик ёшларида бу жон куйинишлар очик намоён булмасада, томошабинлар сахнадаги воқеаларнинг катнашчилари булиб қоладилар.

Томошабинлар зали режиссёр, актёр ва муаллиф спектаклнинг кандай иштирокчилари булса, улар хам худди шундай иштирокчиларидир.

Хозирги укувчилар купрок харбий ватанпарварлик мавзусидаги китобларни укимоқдалар, кино ва театрларни томоша килмоқдалар. Бундай асарларга булган кизикиш мағлум жихатдан, укувчиларнинг уткир сюжетли саргузаштларни, ёркин ва кучли кахрамонларни образини топишга булган истаклари билан тушунтирилади.

Харбий-ватанпарварлик ва харбий-тарихий мавзудаги спектакллар, театр санхатининг узига хос булган ифода воситалари ёрдамида, спектаклда намойиш килинаётган даврнинг, миллий-озодлик харакатининг суронли йиллари рухий холатини томошабинлар диққатига етказиб беради, укувчи-томошабинга узини тарихий воқеаларнинг бевосита катнашчиси сифатида хис килишга имкон беради.

Шунинг учун хозирги вақтдаги кахрамонона-ватанпарварлик мавзусидаги спектакллар, томошабинлар диққатига каратилган рухий хис-хаяжонли мурожаатдан бошланади. Спектаклнинг бундай бошланиши, эга булган замонавий томошабинни кахрамонона утмиши чукур хис килишга уни уша давр рухий холатига киришиши ёрдам беради.

*Тасвирий санхат - укувчи-ёшларнинг Харбий-ватанпарварлик тарбиясида узига хос санхат тури сифатида алоҳида урин эгаллайди.*

Тасвирий санхатдаги рассомчилик, графика ва хайкалтарошлиқдаги яратилган образлар инсон хотирасида узок муддат сакланиб қолади. Улар инсонларда, айниқса болалар ва усмирларда гузалликка булган интилиш ва туйгулари, олам сир-саноатларига тугри муносабатда булиш сифатларини шакллантиришга кумак беради.

Тасвирий санхат ёшлар билан Харбий ватанпарвар мавзусидаги сухбатлар учун бой материалларга эгадир, чунки Ватанимиз тарихидаги шонли воқеалар, халкимиз ва унинг алоҳида вакиллари томонидан қилинган буюк жасорат намуналари тасвирий санхатда уз аксини топганлар. Бу буюк жасоратларга бағишланиб архитектура ва меҳморчилик ёдгорликлари, хайкаллар қад ростлаган ва улар кейинги авлод санхаткорлари учун турли хил мавзудаги асарлар яратиш учун имкон яратган.

Уқувчиларда юксак ватанпарварлик туйгуларини тарбиялаш учун тасвирий санхат асарларидан фойдаланилганда, уларда бадиий тасвирий санхат намуналарини, шунингдек, санхаткор уз рухиятини, дунёкарашини ва воқеаларга муносабатини инсонларга етказиш учун фойдаланаётган ифода воситаларини мустиқил равишда тахлил қилиш малакаларини ҳам унутмаслик керак.

Уқитувчи тасвирий санхат асарларидан фойдаланиб. Уқувчилар билан харбий ватанпарварлик мавзусида сухбатлар утказишда қуйидаги мақсадлар сари интилиши керак:

1. Уқувчиларда ватанпарварлик туйгуларини, ватан ва халқи тақдири унинг ҳам тақдири эканлигини англаш ва унинг химоясига шайлик хисларини уйғотиш;

2. Бадиий асарлар уқувчилар хотирасида узок вақт мустиқам сакланиб қолганига эришиш;

Харбий ватанпарварлик мавзусидаги сухбатларда ҳеч қачон расмиятчиликка йул қуйилмаслиги керак. Акс ҳолда бундай ёндошиш уқувчиларда санхат асарларига булган муносабатгагина эмас, балки уларнинг дунёкарашлари шаклланишига ҳам салбий тахсир қурсатиши мумкин.

Юқорида айтганларидан шуни ҳулоса қилиш мумкинки, уқитувчи бундай сухбатларда фақат тарихий фактларнигина эмас, балки хар бир санхат турининг узига ҳос хусусиятларининг, шунингдек, аниқ бир санхат асарини бадиий жихатдан ҳаққоний баҳолашни ҳам билиши керак.

### **ЧЁТ ва харбий ватанпарварлик тарбияси жарёнида филмларни танлаш ва уларни намойиш этиш тартиби.**

Кинофилмларни томоша қилиш харбий ватанпарвар тарбиясининг таркибий бир қисмидир. ЧЁТ раҳбари у ёки бу филмни танлашдан олдин, бу филм мавзунини узлаштиришга ва қуйилган тарбиявий мақсадларга эришишга ёрдам беришига ишонч ҳосил қилиши керак.

Рахбар филмни наойиш килишдан аввал, филмни куриш билан боғлиқ булган ташкилий масалаларни ҳал килиши лозим. У укучиларга мақсад ва вазифаларни курсатиш, шунингдек, улар олдига филмни томоша килиш жараёнида топишлари керак булган жавоблар учун саволлар куйиши керак.

Харбий ватанпарварлик мавзусидаги филмлар ёшларда катхиятлилик, жасурлик сифатлари ва кенг дунёкарашни шакллантирибгина қолмай, уларни ўзбек халқининг ватан озодлиги учун олиб борган курашлари ҳақидаги билимлар билан бойитади.

Аждодларимиз соҳибқирон А.Темур, Мирзо Бобур, Жалолиддин Мангуберди, генерал С.Рахимов сингари саркардаларнинг Ватан мустақиллиги учун олиб борган курашлари ва бугунги кунда Куролли Қучларимиздаги харбий хизматчиларнинг Ватан мустақиллиги учун жон фидо этиб хизмат қилаётганликлари ҳақида филмлар ёшларимизнинг харбий ватанпарварлик тарбияси учун битмас-туганмас булок манбаи булиб хизмат қилади.

Кинофилмлар билан ишлаш тажрибаси шунини курсатяптики, агар ЧЁТ раҳбари тарбиявий мақсад ва вазифаларни режалаштиришда, куйидагиларни амалга оширсан, уларнинг самарадорлиги ошиши мумкин:

1. Кинофилмлар аҳамияти ва урнини аниқ белгилаш;
2. Ўзбек халқининг жасорати, қахрамонлигини ҳикоя қилувчи ёрқин, ишончли кинофилмларни пухта танлаш;
3. Кинофилм мазмуни буйича укучилар фаолиятини ташкиллаш, филм билан боғлиқ булган саволларни тайёрлаб куйиш.

4. Кинофилмларни тарбиявий ишларнинг умумий системасига табиий равишда киргизиш;

Таҳлим ва тарбия жараёнида бадиий ва ҳужжатли филмларни намойиш қилишни, мамлакатимиз ҳаётидаги шонли саналарга боғлаб, утқизиш мумкин, бу уларнинг укучиларга булган тарбиявий таъсирини янада қучайтиради.

Кинофилм намойиш қилиб булгандан сунг уни кенг муҳокама қилиш ташкил этилади.

Укучилар уз сузларида куйидагиларни тушунтиришга ҳаракат қилишлари керак:

1. У ёки бу қахрамон ҳаракатларининг сабаблари;
2. Ватанпарварлик ва душманга булган нафратни;
3. Дустона узаро ёрдамни;
4. Ватанга булган садоқатни;
5. Ва ниҳоят, бу филмдан қандай таъсурот олганликларини;

Муҳокама сунгида ЧЁТ раҳбари тадбирининг қисқача якунини утқизади, кинофилм намойиши буйича узига керакли булган ҳулосаларни чиқаради ва бу ҳулосалардан у кейинги тадбирнинг тугри ташкил этилиши ва утқизилиши, шунингдек, унинг тарбиявий самарадорлиги янада юқори булиши учун фойдаланилади.

## **Театр, тасвирий санхат кургазмаларида жамоа таркибида ташриф буюриш ва китоб мутолааси учун адабиётлар танлашга йўлланмалар бериш.**

Харбий ватанпарварлик ва харбий -тарихий мавзудаги спектакллар, театр санхатининг узига хос булган ифода воситалари укувчиларга спектаклларда намоиш қилинаётган даврнинг тарихий воқеаларининг бевосита катнашчиси сифатида хис қилишга имкон беради.

Бундай спектаклларни муҳокама қилиш, эслаш хусусиятига эга бўлиб, бунда укувчилар спектаклдаги образларни куз олдиларида қайтадан тиклайдилар ва уларнинг хусусиятлари, у ёки бу ҳаракатлари ҳақида дустлари билан фикр алмашадилар.

Бу эса уз навбатида укувчиларда мустақил фикрлаш, ҳаракатларни ҳаққоний баҳолаш каби хусусиятларини, шунингдек, фуқаролик ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантиради.

Укувчи ёшларнинг харбий ватанпарварлик тарбиясида тасвирий санхат кургазмалари алоҳида урин тутади.

Тасвирий санхат кургазмаларига ташриф буюришнинг узига хос хусусиятлар қуйидагилардир:

- Кургазмалар, ходиса ва воқеаларни руҳан қабул қилишни кучайтиради;
- Укувчиларда гузалликка интилиш, эстетик дид сингари ижобий фазилатларни тарбиялайди;
- Она-Ватан тарихи, унинг табиатига булган муҳаббатни, Ватан душманларига булган нафратни тарбиялайди.

Бундай кургазмаларда фойдаланиш тарбиявий вазифаларни самарали ҳал этишга ҳам имкон яратади.

Раҳбар укувчилар жамоаси билан кургазмага боришдан аввал, қуйидагиларни бажариши керак:

- жамоадан олдин кургазмани узи бориб қуриш;
- ташкилий масалаларни ҳал қилиши;
- мавзу танлаш;
- кургазмага боришнинг мақсадини белгилаши;
- муҳокама учун саволлар тузиш;
- танланган картина, суратлар бўйича муҳокамани ташкил этиши.

Муҳокама жараёнида раҳбар бу тадбирдан кузлаган мақсадларига эришишга ҳаракат қилиши керак.

Ёшларнинг харбий ватанпарварлик тарбиясида ҳужжатли ва бадий адабиётдан фойдаланилганда унинг самарадорлиги қуп жихатдан китоб танлашга боглик булади.

Укувчилар билан бирор бир китоб ёки унинг қаҳрамонлари ҳақидаги жонли мулоқот, қачонки, агар китоб тугри танланган бўлса, унда ёритилган муаммо ёки ходиса ва воқеалар уларни ҳаяжонлантирса, шунингдек, раҳбар уз олдига қуйган мақсадларга мувофиқ келса, у муваффақиятли утиши ва уз самарасини бериши мумкин.

Китоб муҳокамсининг бирор синф таркибида утказиш мақсадга мувофиқдир. Бунда муҳокама иштирокчиларининг сони 20-30 дан ошмаслиги керак.

Китоб муҳокамаси раҳбар ва унинг иштирокчиларини олдиндан маълум бир даражада тайёрланишларини тақозо этади. Раҳбар муҳокама учун китоб танлагандан сунг, бар неча саволларни тузади ва уни укувчилар эҳтиборига ҳавола этади. Муҳокамага қадар укувчилар бу саволлар устида уйланиб фикр юритиб оладилар. Агар илжожи бўлса муҳокамага қадар барча укувчилар бу китоб билан танишиб чиққанлари мақсадга мувофиқдир. Муҳокама одатда муҳокамани олиб боровчи ёки раҳбар томонидан қисқача кириш сузи билан бошланади. Бунда у асар муаллифи, унинг таржимаи холи ва ижоди ҳақида сузлайди. Сунгра муҳокама этилаётган китобда акс эттирилган воқеа ёки кутарилган муаммо ҳақида қисқача сузлаб беради ва бир неча саволлар билан муҳожаат қилади.

Муҳокама ана шу саволларга жавоб бериш билан бошланади. Энг асосийси муҳокамада қатнашаётган укувчилар китоб юзасидан уларининг мустақил фикрларини эркин баён қилишидир. Бу уз навбатида укувчиларда ақл-идрокни ривожлантириш, уз фикрларини дадил баён қилиш ва узининг мустақил нуқтаи-назарига эга бўлишдек ижобий ҳислатларни шакллантиради.

Юқорида айтилганидек, ёшларнинг ҳарбий ватанпарварлик тарбиясида кино, театр, тасвирий санҳат ва адабиётнинг роли қаттадир. Улардан фойдаланиш укув ва тарбия жараёнини самарадорлигини ошириш, ЧЁТ раҳбари, шунингдек бошқа уқитувчиларнинг салоҳияти, таҳлим ва тарбиянинг шакл ва услубларини чуқур билишлари ва уларни амалда қўлай олиш малакаларига боғлиқдир.

### УКУВ САВОЛЛАРИ:

1. Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясида бадиий адабиётнинг аҳамияти.
2. Кино, театр ва тасвирий санҳатнинг укувчиларга бўлган таъсири нималардан иборат?
3. Театр сахнаси ва томошабинларнинг жонли мулоқоти деганда нимани тушунасиз?
4. Халқимизнинг жасорати ва буюк утмиши тасвирланган қандай кино ва театр асарларини биласиз?
5. Ўзбекистон Республикасининг машҳур кинорежиссёр ва ёзувчиларидан қимларни биласиз?
6. Кино, театр ва тасвирий санҳат қурғазмаларига ҳамма таркибида бориш қоидаларини айтиб беринг.
  7. Ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси жараёнида кинофилмларни танлаш тартиби қандай амалга оширилади?
  8. Китобхонлар муҳокамаси қандай тартибда ташкилланади?
  9. Ўзбек ёзувчиларининг асарларидан намуналар келтиринг.
  10. Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясида санҳат турларини танлаш бўйича ЧЁТ раҳбарининг вазифалари.

### Адабиётлар:

1. И.А.Каримов “Ўзбекистоннинг уз янгилини ва й.
2. И.А.Каримов «Хушёрликка дахват» Т. 1999 й.
3. И.А.Каримов «Ўзбекистон-миллий истиклол, иктисод, сиёсат, мавкура» Т. 1998 й.
4. А.И.Ибрагимов, Х.Х.Султонов «Ватан туйгузи» Т. 1996 й.
5. «Ватан химояси-мукаддас бурч» Т. Харбий нашриёт. 2000 й.
6. «Харбий-ватанпарварлик тарбияси асослари» дарслиги. М. Просвещение“Харбий ватанпарварлик тарбияси асослари” дарслиги.
9. “Ўзбекистон тарихи” Т. 1992 йил.

### МАВЗУ № 11: “ЁШЛАРНИНГ ХАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИДА ЖАНГОВАР ВА МЕХНАТ ШУХРАТИ МУЗЕЙЛАРИНИНГ УРНИ”.

### Режа:

1. Жанговар ва меҳнат шухрати музейларини ташкиллашнинг мақсад ва вазифалари.
2. Уқув юртлирида музейларни ташкиллаш ва уни руйхатдан утказиш тартиби.
3. Педагогик жамоа ва ЧЁТ рахбарининг музей ишларини ташкиллашдаги вазифалари.

### Таянч иборалар:

Жанговар ва меҳнат шухрати музейлари, халқ анханалари, музей экспозицияси, экспонатлар, экскурсия, тарихий ёдгорликлар, эсдаликлар, макетлар, музей фаоллари, музей кенгаши.

Кургазмали музей ишларини дарсдан ташкари вақтларда уқувчи ёшларни тарбиялашнинг муҳим ва тахсирчан шаклларидан бири деб аташ мумкин.

Уқув юрти музейлари кенг дунёкарашни шакллантиришга миллий гоё, миллий мафкура асосларини чуқур эгаллашга, кизиқиш ва қобилиятни шакллантиришга, уларни ижтимоий-сиёсий ва ижодий мустақил фаолиятларини усишига, уларни

изкуварлик, таджикот ишлари буйича амалий малакалар билан курулантиришга, шунингдек укув-тарбия жараёнини такомиллаштиришга хизмат килади.

Узининг йуналиши буйича укув юрти музейлари тарихий, мемориал, улкашунослик, бадиий, техник ва шу каби бошка йуналишлар буйича иш олиб бориш мумкин.

Укув юртларида узбек халкининг меҳнат ва жанговар шуҳрати, улкамизнинг тарихи хақида хикоя килувчи музейлар ташкил этиш кенг йулга куйилган. Одатда, бундай музейлар яхши йулга куйилган изкуварлик ишлари ва ташкилотчилик фаолияти натижасида яратилади. Бу ҳолатда музейларни ташкил этиш куйидаги қуринишда олиб борилади: изланиш учун мавзу - изланиш экспонатлар - экспонатларни сақлаш ва уларни намойиш қилиш учун музей.

Музей ташкилотчилари йиғилган материаларни сақланишини тахминловчи шароитлар хақида уйланишлари жуда ҳам муҳимдир. Бунинг учун улар укув юрти маҳмурияти томонидан музей учун бино ва жиҳозлар билан тахминланиши зарур. Музейни ташкил этиш ва унинг ишини юритиш куп жиҳатдан музей раҳбарига боғлиқ булади. У тажрибали, обрўли, шунингдек, изланиш ишларига кизиккан инсон булиши керак. Агар бундай инсон булса, - музей ишлайди, агар булмаса - музей фақат коғоздагина амал қилиши мумкин.

Булажак музей йуналишини белгилашда, уни экспонат материалари билан тулдиришни ҳисобга олиш керак.

Укув юрти музейи экспозициясида ҳар хил турдаги материалар бир-бирига мувофиқ равишда жойлашиши мумкин. Масалан, макетлар, расмлар, суратлар, хариталар, диаграммалар, ҳар хил мавзудаги буюмлар, мукофот белгилари, курул ва жанговар техника намуналари ва бошка ашёлар булиши мумкин.

Укув юрт музейлари ташкилотчиларнинг фаолияти музей материаларини йиғиш ва асраш билан чекланиб қолмаслиги керак. Музей материаллари қанчалик ҳар хил ва бой булмасин, уни яна моҳирона тарзда намойиш қила олиш керак. Чунки, музей ватанпарварлик тарбиявий вазифалардан ташқари, яна эстетик тарбия вазифасини ҳам бажариши керак. Шунинг учун ҳам музейни безаш ва жиҳозлашга истехдодли ёш рақомларни жалб қилиш мақсадга мувофиқдир.

Укув юрти музейини ташкил этиш хақидаги буйруқ директор томонидан чиқарилади ва район, шаҳар маданият булимлари билан келишилган ҳолда, халқ таҳлим булимлари томонидан тасдиқланади.

Музей ташкил этилгандан сунг, музей раҳбарига ёрдам курсатиш мақсадида жамоатчилик кенгаши тузилади. Одатда, жамоатчилик кенгашига 3-5 фаол укувчилар қуради. Улар укув юрти укувчиларининг умумий йиғилишида сайланадилар.

Музей иш бошлангандан сунг, у район ёки шаҳар маданият булимларида руйхатдан утқизилади ва музейнинг жамоатчилик кенгаши бу ташкилот олдтда барча намойиш қилинаётган материалларининг сақланиши учун жавобгар ҳисобланади. Уз навбатида маданият булимлари музейга илмий-услубий ёрдам курсатадилар.

Музейда сақланаётган ва намоёиш қилинаётган материаллардан тарбиявий ишларда самарали фойдаланишда уларни тугри ташкил этилган паспортлаштириш (руйхатдан утказиш) тадбири муҳим аҳамиятга эгадир. Унинг асосий мақсади музейдаги бадиий ва моддий материалларни ҳисобини пухталиқ билан юргизиш орқали, уларни сақланишини тахминлаш ва уқувчиларнинг ҳарбий ватанпарварлик тарбиясида тугри ва самарали фойдаланишдир.

Музейда йигилган барча материаллар музей фондини ташкил қилади ва инвентарлар руйхатга руйхатга олиш китобда ҳисобга олинади. Бу китобда материал ёки буюмни музей фондига қачон тушганлиги, унинг келиб чиқиш манбаи ва унинг қисқача тафсилоти ёзилади. Руйхатга олиш китоби жилдланган, рақамланган ва маданият бўлими муҳри билан муҳрланган бўлиши керак.

Бундан ташқари музейнинг ҳар бир материалга қалин қоздан бланк осилиб, унга руйхат рақами билан паспорт тузилади ва унга материал ҳақидаги барча маълумотлар киритилади. Бу паспорт музейдаги махсус картотекада сақланади.

Ҳар бир материалга тузилган паспортдан ташқари, музейнинг умумий паспорти ҳам тузилади ва унга музейда сақланаётган барча материаллар ва буюмлар, эсдаликлар, қулёзмалар ҳақида, уларнинг қулланилиши, жойлашиши ва улар билан ишлаш хусусиятлари тугрисида қисқача маълумот бериб утилади. Бу паспорт бир неча нусхада тузилиб, улардан бири музейда, қолганлари эса маҳаллий давлат архивлари ва маданият бўлимларига иш юритиш учун юборилади.

Музей фонди асосий (ҳақиқий материаллар) ва экспозиция билан ишлаш жараёнида яратиладиган ёрдамчи схемалар, диаграммалар, макетлар, фото нусхаларга бўлинади.

Уқув юрти музейида сақланаётган ҳақиқий материаллар Ўзбекистон Республикасининг музей фондида киритилиши ва ана шу йуналишдаги маҳаллий музей руйхатида ҳисобдан утиши керак.

Уқув юрти музейлари ҳар йили музейга тушаётган ҳақиқий материаллар, буюмлар ҳақида давлат музейларини хабардор қилишлари шарт.

Уқув юрти музейидаги алоҳида тарихий қимматга эга бўлган материал ёки буюмлар уларни сақлаш учун давлат музейларига топширилиши мумкин.

Давлат музейлари уқув юрти музейига бу буюмларни тарихий қимматга эга эканлиги қайд қилинган ҳужжатни топшириши ва унинг нусхасини тайёрлаб бериши керак. Уқув юрти музейларига бундай ҳужжатларни топшириш, улар фаолиятига берилган узига хос баҳо бўлиб ҳисобланади. Агар уқув юрти музейи уз фаолиятини тухтатса, у ҳолда у ердаги сақланаётган барча ҳақиқий материаллар давлат музейларига топширилиши керак.

**Эслаб қолинг**





### 3. Харбий-спорт уйинларига хакамлик ва рахбарлик килиш тартиблари.

#### **Таянч иборалар:**

«Шункорлар» харбий-спорт уйинлари, ватан химоясига шайлик, умумий-сиёсий тайёргарлик, ут очиш тайёргарлиги, тактик тайёргарлик, харбий интизом, жисмоний тайёргарлик, харбий топография, тиббий санитар тайёргарлиги, хакамлик коидалари.

#### 1. “Шункорлар” мусобакасининг асосий мақсад ва вазифалари

- ёшларда ватанпарварликни тарбиялаш, усмирларни Республика Куролли Кучлари сафида хизматга ва харбий билим юртларига киришга тайёрлаш;
- укувчилар томонидан Ўзбекистон халқларининг ва Куролли Кучларининг шакли, тарихини урганиш, уларни аждодлар анханалари рухида тарбиялаш;
- ёшларда мардликни, катхиятлиликни, куч-гайратни, интизомни, жамоатчиликка таянишни тарбиялаш;

#### 2. “Шункорлар” мусобакасини ташкил килиш.

Хар укув йилининг бошида хар бир синфда ва булимда укувчиларнинг “Шункорлар” мусобакасида иштирок этиш учун взвод, булинмалар ташкил килиниб, уларнинг орасидан бошқарувчилар таркиби сайланади:

- Взводда бошқарувчилар таркиби армия ёшигача булган укувчиларни харбий тайёргарликлар буйича билимларини мустахамлаб борадилар ва даврий харбий варака чиқаришни йулга қуядилар;
- Хар бир мактабда, билим юртида “Шункорлар” мусобакаларида иштирок этиш учун роталар ташкил килинади. Рота умумий йигилишида командирлар, ҳамда шахсий таркиб билан ишлаш буйича командир уринбосарлари, штаб бошлиги ва штаб ахзолари, взвод командирлари сайланадилар;
- Рота бошликлари таркиби хар ойда бир маротаба взводлар командирлари, харбий варака мухаррирларининг укишини ташкил килиб турадилар, ҳамда “Шункорлар” мусобакаларини утишини тахминлайдилар ва хар ойда рота деворий

газеталарини чиқаришни йулга қуядилар; Хар бир ротада харбий спорт мусобакаларини утказиш куни укув юртларида белгилаб қуйилди;

- Шу куни мусобакалашувчи взводлар, харбий тарихни урганиш машгулотлари, танловлар, хар хил курсатувлар, викториналар, мусобакалар, эстафеталар, олимпиадалар, хар хил уйинлар утказадилар;
- "Шункорлар" мусобакалари доимо уқишдан ташқари вақтларда утказилади;
- Дам олиш кунлари взводларда, тактик уйинлар, ҳамда, жойларда харбий спорт иншоотларини тартибга солиш ишлари олиб борилади.

### **3. "Шункорлар" мусобакаси катнашчилари.**

"Шункорлар" мусобакаларида умумтаҳлим, урта мактаб, лицей, гимназия, касб-хунар таҳлими укув юртларининг 18 ёшдан ошмаган чакириккача ёшларни тайёрлаш фанини утган укувчилар иштирок этиш ҳуқуқига эга булади.

Мусобака катнашчилари ёш армиячилар деб номланади. Уларга мусобака кунлари харбий хизматта чакирилувчи мақоми берилиб, уларга харбий хизматта чакирик қозони борилади. Улар харбий хизматта чакирилувчилар ҳуқуқларидан фойдаланадилар.

Мусобака катнашчилари 12 та ёш армиячилардан ташкил топган булинмадан иборат булиб, уларга қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:

1. Шахсни тасдиқловчи ҳужжат;
2. Урта мактаб ёки билим юрти укувчиси эканлигини тасдиқловчи маълумотнома (сурати ёпиштирилган, муҳрланган);
3. Соғлиги туғрисида тиббий маълумотнома;
4. Шахсини тасдиқловчи куқрак гувоҳномаси (бейдҷ);
5. Хар бир катнашувчи укувчи учун ут очиш қуролидан отиш нормативларини бажарганлиги туғрисида муқоффа ишлари булими ёки харбий қисм томонидан берилган маълумотнома.

### **4. "Шункорлар" мусобакалари устидан раҳбарлик.**

1. Ёшларнинг "Қамолот" ижтимоий ҳаракати;
2. Муқоффа ишлари бошқармалари;
3. Халқ таҳлими булимлари;
4. Соғликни сақлаш булими;
5. Жисмоний тарбия ва спорт қумитаси;
6. "Нуроний" жамғармаси;

7. Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кумаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти шаҳар булими;
8. “Соғлом авлод” халқаро хайрия жамғармаси;
9. Ҳарбий кафедра;
10. Ҳарбий қисм.

### **5. Ёш армиячиларнинг ротада ва взводдаги тайёргарликлари.**

- Ёшларни “Шунқорлар” ҳарбий спорт мусобақаларига тайёргарлиги ҳар ҳафталик тадбирларни ўз ичига олади. Ҳарбий-спорт машғулотлари, мусобақалар, эстафеталар, танловлар, викториналар, ҳамда тактик ўйинлар, машқ- тревогалар, марш-бросоклар, походлар шулар жумласидандир.
- Ёш армиячилар учун тайёргарлик куйида курсатилган тартибда ўтказилади.

### **6. Умумий сиёсий тайёргарлик.**

Ёш армиячиларга куйидагиларни билиш зарур:

- Ўзбекистон Конституцияси бобларини, Ўзбекистон Қуролли қучлари Низомларини, Фуқаролик кодексига тегишли булимларни билиши;
- Бугунги кундаги қуролли қучлар олдида турган вазифаларни билиши;
- Ўзида ватанпарварлик, байналминаллик, Ватанга муҳаббат, қуролли қучлар сафида ҳарбий бурчни бажаришга сузсиз тайёр туриш. Юқори тартиб-интизом, ўз Ватани олдидаги бурчини ҳис қилиш тўғуларини тарбиялаши;
- Ўзида мардлик, уртоқларга меҳр-оқибатли бўлиш, доим ёрдамга тайёр бўлиш, берилган топшириқни бажаришга доим шай туриши каби ҳислатларни тарбиялаши керак.

### **7. Ўт очишга тайёргарлик.**

Ёш армиячиларга зарур:

- Қалашников автоматининг, осколкали қул гранатаси қисмларини сир-асрорини чуқур билиши;
- Автоматдан ўқ отиш йўл-йуриқларни, ҳамда қул гранатасини қузланган нуқтага ўқотиришни урганиши;
- Қичик калибрли, пневматик ўқ отув қуролларидан амалий қандай фойдаланиш тўғрисида тушунча ҳосил қилиш;
- Ўқ отиш қуролларини сақлаш қоидалари билан танишиб бориш;
- Ҳарбий қуроллардан фойдаланганда ўзига ишонган ҳолда муомала қилиш.

## **8. Харбий интизом.**

Ёш армиячиларга зарур:

- аскарларнинг харбий интизом тугрисидаги мажбуриятлари, коровул хизмати тугрисидаги билимларини чуқурлаштириш;
- бошликлар томонидан берилган топшириқларни харбий бурч деб билиш, харбий муомалага эҳтибор бериш.

## **9. Сафдаги тайёргарлик.**

Ёш армиячиларга зарур:

- Аскарларнинг сафга тортилиши коидаларини урганиш;
- Курол ва куролсиз сафда туриш коидаларини урганиш;
- Сафда курол билан ва куролсиз юришни урганиш;
- Сафда айтиладиган аскар кушиқларини урганиш;

## **10. Харбий топография ва харбий техника.**

Ёш армиячиларга зарур:

- харита ва компас билан ишлашни урганиш;
- горизонтга караб узи жойлашган жойни аниқлаш каби тажрибаларга эга булиши хамда узи каерда жойлашганлигини махаллий буюмларга асосланиб аниқлаб, улар хакида ахборот бериш кобилиятига эга булиш;
- радиостанцияда ишлаш ва ундан фойдаланиб ахборот бериш усуллари билан танишиб бориш;
- Узида ташаббускорлик, топкирлик, хар доим мустакил харакатта тайёр булиши каби хиссиётларни намоён килиб бориш керак.

## **11. Фукаро химояси буйича тайёргарлик.**

Ёш армиячиларга зарур:

- Оддий нафас олиш органларини химоя килиш асбобларини тузилишини хамда улардан кандай вазиятларда фойдаланиш усуллари билан доим танишиб бориш керак;
- Фукаро химояси буйича билим юртларида, укув муассасаларида хар кандай вазиятда хар хил табиий офатлардан ахолини куткаришга доир чора-тадбирларни куллаш усулларини урганиб бориш керак;
- Огир вазиятлар тугилган пайтларда узида рухий поклик сифатларини тарбиялаш, фукаро мудосфааси тадбирларини натижа беришига ишонч хислатларини узида тарбиялаши зарур.

## **12. Тиббий-санитар тайёргарлик.**

- Оммавий киргин курулларидан захарланган касалларга ёрдам бериш учун фуқаро химояси тиббий хизмати билимини чуқур узлаштириш, асосий вазифаларни урганиб бориш;
- Юқумли касалликларнинг олдини олиш ва беморларга ёрдам бериш борасидаги чора-тадбирларни бажаришда, захарли моддалардан ва нурланиш таъсиридан зарар курганда, бахтсиз ходисалар юз берганда, куйганда, жарохатланганда биринчи тиббий ёрдамни курсатиш буйича амалий куникмаларни мустахкамлаш;
- Захарланган ва жабрланганларга ёрдам бериш юзасидан узининг олийжаноб бурчини бажариш, беморларга мурувватли муносабатда булиш туйғусини тарбиялаш керак.

### **13.Жисмоний тайёргарлик.**

Ёш армиячиларга куйидагилар зарур:

- Харбий хизматга жисмонан тайёр булиш учун узидан мардликни, уз кучига ишонишни, иродасини мустахкамлаш, эпчилликни, чакконликни, рухий-махнавий баркамолликни тарбиялаш, жисмоний кийинчиликларни енгишга тайёр булиши керак.

### **14. “Шункорлар” харбий-спорт мусобакаларини утказиш муддатлари.**

- Хар бир боскич мусобакалари кушма карорнинг 3 бандида курсатилган муддатларда утказилади;
- Утказиш санасини штаблар белгилайди.

### **15. Мусобакаларни утказиш жойи.**

- Штабнинг тавсиясига биноан мусобакаларни утказиш жойи Мудосфаа ишлари бошкармалари жойларидаги тузилмалари буйругига асосан белгиланади;
- Мусобакаларнинг тантанали (очишиш, ёпилиш) кисмлари штаб карорига асосан оммавий жойларда (стадионларда ва хоказо) утказиш мумкин;
- Харбий тактик беллашувлар махсус белгиланган жойларда утказилади.

### **16. Мусобакаларга хакамлик килиш.**

- Мусобакаларга хакамлик килиш хакамлар хайхатига топширилади ва умуммусобака коидалари асосида амалга оширилади. Хакамлар хайхати ахзолари штаб томонидан тасдикланади.

### **17. Голибларни аниқлаш ва тақдирлаш.**

- Мусобакаларнинг муайян босқичи мусобакаларида фақат биринчи уринни эгаллаган жамоа кейинги юқори босқич мусобакаларида катнашиш ҳуқуқини қўлга киритади;
- Жамоаларга уринни бериш тугрисидаги ҳакамлар хайҳати ва тегишли штабнинг қарори қайта қўриб чиқилмайди;
- Тартиб-интизомни бузган жамоалар жарима баллари билан жазоланади;
- Мусобакаларни барча босқичлари голиб жамоалари ахзолари, уларнинг мураббийлари, шахсий биринчилик голиблари ташкилотчилар томонидан тахсис этилган кўчма кубок, байроқ дипломи, фахрий ёрлик ва эсдалик совгалари билан тақдирланадилар.

### **18. Жамоаларнинг мусобакаларда катнашиш тартиби.**

- Жамоаларнинг мусобакаларда катнашиш тугрисидаги талабномалари штаблар белгиллаган муддатларда қабул қилинади;
- Жамоаларнинг мусобакаларда шаҳар финал босқичига катнашиши учун талабномалар 3 февралгача қабул қилинади.

### **19. Жамоалар тайёрлаб келадиган атрибутлар ва уларга қўйиладиган талаблар.**

1. Булинма ахзосининг қийими ва ташқи қўриниши.

- Жамоанинг қийими махсус тайёрланган бўлиши керак. Қўролли кўчлар харбий қийимлари ва бошқа ташкилотларнинг махсус қийимларини қийиб келиш таҳқиқланади;
- Бош қийим булинма учун бир турда бўлиши шарт;
- Булинманинг кичик тимсоли махсус қийимнинг (унг ёнги) юқори қисмига тақилади;
- Шахсини тасдиқловчи кўрак гувоҳномаси (бейдж) чап кўракка тақилади.

2. Шахсини тасдиқловчи кўрак гувоҳномаси ( бейдж).

- 10х6см ҳажмли, намликдан ҳимояланган бўлиши;
- Мусобака катнашчисининг исми-шарифи ёзилган, 4х6 ҳажмли фотосурати ёпиштирилган ва муҳр билан тасдиқланган бўлиши керак.

3.Булинманинг катта тимсоли (вкмпел)

- 1м узунликдаги таёкча урнатилган 60х40см ҳажмли юза (фанера, духоба ва ҳақоза) га чизилган, тикилган, туқилган ва кичик тимсол билан бир хил бўлиши шарт.

4. Жамоалар “Шунқорлар” ҳаракатида катнашувини ақс эттирувчи алғбомни тайёрлаб келадилар.

1. .

### Уқув саволлари:

1. «Шункорлар» харбий-спорт уйинларининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
2. «Шункорлар» командасининг таркиби неча кишидан иборат?
3. Харбий-спорт уйинлари қандай тайёргарликлар бўйича утказилади?
4. Умумий-сиёсий тайёргарлик деганда нимани тушунаси?
5. Ёш армиячилар ут очиш тайёргарлиги бўйича қандай билим ва малакаларга эга бўлиши зарур?
6. Харбий топография бўйича қуйилган талаблар нималардан иборат?
7. Харбий-спорт уйинларига ҳакамлик қандай амалга оширилади?
8. Харбий-спорт уйинлари катнашчилари қандай кийимда бўлиши керак?
9. «Шункорлар» уйинларига қимлар раҳбарлик қилади?
10. Харбий-спорт уйинларини ташкиллашда ЧЁТ раҳбарининг роли.

### Адабиётлар.

1. «Шункорлар» харбий-спорт уйинларининг Низоми. Т. 1999 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Алпомиш ва Барчиной» махсус жисмоний тайёргарлик тестлари Низоми. Т. 2001 й.

### Мавзу № 13: «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлигининг харбий билим юртлари ва харбий касбларга йуналтириш ишларида ЧЁТ раҳбарининг роли».

### Режа:

1. Харбий билим юртларига кириш учун фуқаро ёшларни харбий касбларга йуналтириш ишларини олиб бориш тартиби. Бу ишларда ЧЁТ раҳбарининг роли.
2. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлигининг харбий билим юртлари ва улардаги мутахассисликлар йуналишлари.
3. Харбий билим юртларига қабул қоидалари.

### Таянч иборалар:

Харбий касбларга йуналтириш, ватан химояси, мудофаа

ишлари булими, амалий маслахатлар, жанговар техникалар, мустахам анханалар, Куролли Кучлар Академияси. Авиация билим юрти. махсус факултет, давлат имтихонлари.

Харбий касбларга йуналтириш ишларининг асосий максоди ва касбларга куйилган талаблар ижтимоий-сиёсий, ахлокий-рухий ва жанговар сифатларни ёритиб бериш асосида офицерлик касбини кенг ташвиқот килиш, уни ёшлар уртасида оммавийлаштиришдан иборатдир.

Харбий касбларга йуналтириш ишлари, асосан, фуқаро ёшларда офицерлик касбини онгли тарзда танлашни шакллантиришга, уларга аниқ бир харбий мутахассисликни танлашда ёрдам курсатишга қаратилган.

Харбий касбларга йуналтириш ишлари қушин турлари офицерлари, мудосфаа ишлари булими вакиллари, билим юртларининг ЧЁТ раҳбарларини жалб қилган ҳолда корхоналарда, ташкилотларда ва билим юртларида ташкил қилинади.

### **Эслаб қолинг**

Харбий касбларга йуналтириш ишларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборатдир:

- ёшларга офицерлик касбининг ижтимоий моҳияти ва қахрамонона хизмат эканлигини ёритиб бериш ва бунинг асосида Ўзбекистон Куролли Кучларининг офицерларига фахр ва Ватан химоясидек касб учун уз ҳаётларини бағишлаш истагини шакллантириш;
- харбий билим юртларига киришга қарор қилган усмирларга, уларнинг қобилиятлари ва интилишларини ҳисобга олган ҳолда харбий мутахассисликларни танлашда ёрдам курсатиш;
- харбий билим юртларига қирувчи номзодларнинг ахлокий-сиёсий, рухий сифатларига, жисмоний ва умумтаҳлим тайёргарлигига булган талабларни тушунтириб бериш ва уларда харбий билим юртларига топшириш истагини ривожлантириш;
- харбий касбларга йуналтириш ишларининг бошланғич босқичи касблар ҳақида маълумот бериш булиб ҳисобланади.

Уни амалга ошириш фаол тарзда харбий билим юртларига топширишдан 2-3 йил олдин бошланади. Бу босқичда укувчилар офицерлар таркибига қуйилган талаблар билан танишадилар, офицерлик касбининг ижтимоий аҳамиятини ва офицерлар харбий хизматининг узига ҳос хусусиятларини тушуниб етадилар.

Бу ишлар жараёнида ёшларга харбий касблар ҳақида маълумот беришни қуйидаги шаклларида фойдаланадилар:

- харбий қисмлар ва харбий билим юртлари вакиллари билан учрашадилар;

- Ватан уруши ва Узбекистон Куролли Кучлари фахрийлари билан учрашадилар;
- корхона, ташкилот ва укув юртларида офицерлик касбини ташвиқот қилувчи махсус кургазмали воситаларни жихозлаш;
- офицерлик касбига қуйилган талабларга тула жавоб берувчи ва харбий билим юртларига топширишни хоҳлаган усмирлар билан харбий қисм офицерлари, мудосфаа ишлари булимлари вакиллари иштирокида, офицерлик касби, харбий билим юртларига топшириш тартиблари хақида яққа тартибдаги суҳбатлар утказиш.

Барча усмирларда харбий хизматга булган кизикишни, харбий касблар хақида тугри тасаввурни шаклланиши укув юртларининг ЧЁТ раҳбарларига қуп жихатдан боғлиқ булади. Укувчилар ЧЁТ машғулотларида Узбекистон Куролли Кучлари хақида, қушин турлари, уларнинг мамлакат мудосфаасидаги урни, армия сафидаги хизмат хусусиятлари, жанговар техника ва куроллар хақидаги дастлабки билимларни оладилар.

Харбий касблар хақида махлумот беришнинг асоси булиб, ёшларни харбий ватанпарварлик тарбияси хисобланади. Бу тарбия жараёнида турли харбий ватанпарварлик мавзусидаги тематик кечалар, назарий конференциялар, жанговар ва меҳнат шуҳрати жойларига саёхатлар уюштириш ва шу қаби бошқа тадбирлар утказилади.

Ёшларнинг харбий ватанпарварлик тарбияси мақсадида харбий спорт оромгоҳлари яратилади. Усмирларда офицерлик касби хақида тугри тасаввурни ва харбий хизматга кизикишни шакллантириш, уларнинг ота-оналари ва яқинлари билан бирга олиб борилиши керак.

Ёшларга харбий касблар хақида махлумот беришнинг кейинги босқичи амалий маслаҳатлар булиб, унинг давомида усмирларга, уларнинг кизикиш ва қобилиятларини хисобга олиб, булажак хаёт йулларини танлашда бевосита ёрдам курсатилади.

Харбий билим юртларига топширишдан олдинги бир йил давомида амалий маслаҳатлар жараёнида, у ёқи бу харбий билим юртига топширишга қарор қилган усмирларнинг кизикишлари, интилишлари ва қобилиятларини чуқур урганиш билан бирга, бир вақтни узиди, уларда Узбекистон офицери учун зарур булган сифатларни шакллантириш ишлари ҳам олиб борилади.

Амалий маслаҳатлар укув ва ишлар даврида утказилади. Усмирлар учун дастлабки амалий маслаҳатлар билим юртларида ЧЁТ раҳбарлари томонидан утказилади. Улар усмирларнинг шахсий сифатларига, харбий билим юртларида уқишга ахлоқий-рухий жихатдан тайёргарлиги даражасига дастлабки баҳони берадилар.

Амалий маслаҳатларнинг кейинги босқичлари харбий билим юртлари вакиллари, мудосфаа ишлари булимлари офицерлари томонидан олиб борилади. Бу ишларга Куролли Кучлар фахрийлари, «Ватанпарвар» ташкилоти вакиллари кенг миқёсда жалб қилинади.

Харбий касбларга йуналтириш ишларининг асосий шаклларида бири, бу -харбий билим юртлирида укишга истак билдирган усмирлар билан якка тартибда иш олиб бориш булиб, у айникса, амалий маслахатлар давомида кенг кулланилади. Бу ишлар давомида усмирларнинг ижтимоий-сиёсий ва ахлокий сифатлари, рухий холати, саломатлиги, жисмоний ва умумтахлим тайёргарлиги даражаси аниқланади.

Харбий касбларга йуналтириш ишларининг якуни булиб, усмирларга улар топшириши мақсадга мувофиқ деб топилган харбий билим юртлирига йулланмалар бериш хисобланади. Бу йулланма харбий билим юртлига топшириш учун расмийлаштирилаётган хужжатларда уз аксини топиши керак.

Харбий касбларга йуналтириш ишларини ташкиллаш ва бу ишларни утказилишини назорат килиб туриш, махаллий хокимият органлари, мудофаа ишлари булимлари, «Ватанпарвар» ташкилоти ва бошка махсул шахс ва ташкилотлар зиммасида булиши керак.

Бу ишларнинг муваффақияти, самарадорлиги куп жихатдан барча ташкилотлар мутасадди шахсларнинг узаро хамжихатлик билан олиб борадиган фаолиятларига, уларнинг ташкилотчилик қобилиятларига боглик булади.

Ёшларни харбий касбларга йуналтириш ишлари давлат ахамиятига эга булган вазифалар булиб, бу борадаги ишларни сидқидилдан амалга ошириш, барча мутасадди шахсларнинг амалий бурчларига айланиши керак.

### **ТОШКЕНТ ОЛИЙ УМУМКУШИН КОМАНДИРЛАР БИЛИМ ЮРТИ.**

Тошкент олий умумкушин командирлари билим юрти 1918 йил 12 июлда ташкил этилган. Бу харбий билим юртининг тарихи Узбекистон тарихи билан чамбарчас булиб боғланиб кетган.

Тошкент олий умумкушин командирлари билим юрти шонли тарих саҳифаларига, мустахам анханалар ва юкори малакали харбий мутахассисларни тайёрлашда катта хизмат ва бой тажрибаларга эгадир.

Узбекистон Республикасининг мустакилликка эришиши, бу билим юрти хаётига куп ижобий узгаришлар олиб келди. Билим юртидаги укув тарбиявий жараён узининг янги, янада юкори босқичига кутарилди.

Бугунги кунда бу куп тармоқли замонавий олий харбий билим юрти тажрибали профессор укутувчилар таркиби, техник тараккиётни энг сунги ютуқлари булган жихозлар, шинам укув хоналари, лаборатория, устахоналар, укув маркази ва ахло даражадаги жанговар техникалар билан тахминланган.

Хозирги вақтда Тошкент олий умумкушин командирлари билим юрти умумкушин командирлари билан биргалиқда кушин разведқаси, шахсий таркиб билан ишлаш буйича, шунингдек, харбий кирув булинмалари учун офицерлар тайёрламоқда.

### **ЧИРЧИК ОЛИЙ ТАНКЧИ -КОМАНДИРЛАР МУХАНДИСЛАР БИЛИМ ЮРТИ.**

Чирчик олий танкчи -командирлар мухандислар билим юрти 1918 йил 12 июлда ташкил этилган.

Бу билим юрти узининг шонли анханаларига эга булиб, унинг битирувчилари юксак даражадаги малакалари, интизомлилиги, уз хизмат бурчларига содикликлари билан ажралиб турадилар. Бу харбий билим юртини битирган офицерлар Ватанимиз тарихида чуқур из қолдирганлар. Улар орасида Ватан қахрамонлари, генераллар, кузга қуринган машхур харбий саркардалар бор.

Бугунги кунда бу харбий билим юрти қошида танкчи -офицер мухандислар билан бир қаторда зенит бўлинмалари командирлари ва ҳаво-десантчи бўлинмалари учун офицерлар тайёрланмоқда.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда бу харбий билим юртини Ўзбекистоннинг нафакат зирҳли, балки яна ҳаво «қалқони» ҳам деб атамоқдалар.

### **САМАРҚАНД АВТОМОБИЛЧИ КОМАНДИР-МУХАНДИСЛАР ОЛИЙ ХАРБИЙ БИЛИМ ЮРТИ.**

Самарқанд автомобилчи командир-мухандислар олий харбий билим юрти 1969 йил 21 октябрда ташкил этилган. Қисқа вақт ичида бу харбий билим юрти минтақадаги энг яхши харбий билим юртлари қаторига қушилди.

Ҳозирги вақтда бу билим юрти энг замонавий жанговар техника ва қуроллар, автомобиллар ва бошқа жиҳозларга эгадир. Уқув хоналари, автомобилг парклари, устахоналар, энг сунғи техника намуналари билан таҳминланган.

Шинам ва қулай ётоқхоналар, ошхоналар, сув ҳовузлари, клуб, спорт мажмуалари, курсантларнинг ахлоқ уқишлари ва маданий ҳордиқ чиқаришларига имқоният яратмоқда.

Бу билим юртида бугунги кунда автомобилчи командир-мухандислар билан бир қаторда инженер-сапер бўлинмалари, артиллерия қушинлари учун офицерлар тайёрланмоқда.

### **ЖИЗЗАХ АВИАЦИЯ ОЛИЙ ХАРБИЙ БИЛИМ ЮРТИ.**

Жиззах авиация олий харбий билим юрти 1994 йили 20 июнда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Қаримов ташаббуси билан ташкил этилди. Бу олий харбий билим юртини ташкил этилиши мустақил Ўзбекистон Қуролли Қучларининг шаклланиши ва ривожланишида янги қадам бўлди.

Бугунги кунда бу харбий билим юртига Ватанимизнинг садокатли химоячилари бўлишга, уз ҳаётларини авиация билан боғлашга қарор қилган энг сара йигитлар топширмоқда.

Билим юрти ташкил этилганлигига куп вақт булмаган булсада, у Ватанимиз харбий билим юртлари орасида узининг муносиб урнини эгаллади ва ёшлар орасида катта обрў-эҳтиборга эга булди.

Билим юртида учувчилик ва техник факултетлар мавжуд булиб, у ерда куйидаги мутахассисликлар буйича офицерлар тайёрланмоқда.

#### УЧУВЧИЛИК ФАКУЛТЕТИДА:

1. Учувчи кирувчилар;
2. Вертолёт учувчилари;
3. Штурманлар;
4. Жанговар бошкарма офицерлари;

#### ТЕХНИК ФАКУЛТЕТИДА:

1. Авиация жихозлари мутахассислари;
2. Авиация куруллари мутахассислари;
3. Самолёт двигателлари мутахассислари;
4. Радио электрон жихозлари мутахассислари.

Бугунги кунда бу харбий билим юртини битирган учувчи-офицерлар, техник мутахассислар Ватанимиз Мудофаа кудратини оширишда, унинг тинч осмонини химоя қилишда узларининг юксак даражадаги малакаларини, чуқур билимларини ва харбий хизмат бурчига садокат туйгуларини намоён қилмоқдалар.

### **ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АЛОКА ИНСТИТУТИ КОШИДАГИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАХСУС ФАКУЛТЕТИ.**

Тошкент электротехника алока институти қошидаги мудофаа вазирлигининг махсус факултети 1993 йил феврал ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармониға мувофиқ ташкил этилди.

Бу махсус факултет Ўзбекистон Курулли Кучлари учун алоқачи-офицер мутахассисларни тайёрлаб берувчи олий харбий билим юртидир.

Ушбу махсус факултет энг замонавий алока техника ва жихозлари, компютерлар ва бошқалар билан тахминланган. Бу ерда йирик алока мутахассислари, тажрибали офицерлар ёш курсантларға сабоқ бермоқдалар.

Бугунги кунда ушбу факултетни битирган алоқачи-офицерларни Курулли Кучларимизнинг барча турлари ва булинмаларида учратиш мумкин. Улар уз билим ва малакаларини Курулли Кучларимиздаги алока тизимини ривожлантириш ва

такомиллаштириш, шунингдек кушинларни бошқаришдек муҳим вазифаларни бажаришда намоён қилиб, сидқу-дилдан хизмат қилмоқдалар.

## **УЗБЕКИСТОН КУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ХАРБИЙ АКАДЕМИЯСИ.**

Узбекистон Куролли Кучлари Харбий Академияси 1995 йил 2 сентябрда ташкил этилган.

Бу Харбий Академия Марказий Осиёда ягона булиб, асосан, Куролли Кучларимиздаги харбий кадрлар - офицерларнинг малакасини ошириш ва олий харбий мутахассисларини тайёрлаш билан шугулланади.

Академияда уқишни хоҳловчи офицерлар, Куролли Кучларда 5 йил мунтазам офицерлик амалларида хизмат қилган булиши керак.

Бугунги кунда бу олий харбий академияни тамомлаган офицерлар Куролли Кучларимиз қумондонлигида, округ ва штабларда, йирик харбий тизилмаларда шараф билан хизмат қилмоқдалар.

## **ОЛИЙ ХАРБИЙ УКУВ ЮРТЛАРИГА КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

Узбекистон Республикаси олий харбий билим юртлирида уқиш истагини билдирган, тугалланган урта махлумотли, юксак махнавий ва ишчан хислатларга эга, соглиги ва харбий-касбий йуналиш буйича қабул шартларига жавоб берувчи Узбекистон фуқаролари қабул қилинади.

Қабул йилнинг 1 сентябргача 23 ёшига туладиган прапоршиқлар, муддатдан ташқари хизматдагилар, муддатли харбий хизматдаги харбий хизматчилар ҳамда захирага бушатиқган харбий хизматга мажбурийлардан иборат номзодлар уз харбий мутахассислигидан катхий назар билим юртига қабул қилинадилар.

Қабул йилнинг 1 сентябригача 17 ёшга туладиган, бирок 21 ёшдан ошмаган харбий касбга йуналтирувчи укув муассасаларининг (харбий лицейлар) битирувчилари ва фуқаро ёшлар билим юртига қабул қилинадилар.

Билим юртига қиришни хоҳловчилар қабул йилининг 1 майгача яшаш жойларидаги туман (шахар) Мудосфаа ишлари булимига ариза, харбий хизматчилар эса урнатиқган тартиб буйича 1 апрелгача қисм командирини номига рапорт ёзадилар.

Ариза (рапорт)да фамилияси, исми, шарифи, тугилган йили, ойи, махлумоти, манзилгохи, уқиған мутахассислиги ҳамда олий укув масканининг номи курсатилади. Ариза (рапорт)га қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- таржимаи хол;
- уқиш (иш хизмат) жойидан тавсифнома;

- нотариал идораси томонидан тасдиқланган тугилганлик хақидаги гувоҳнома ва урта маълумот хақидаги ҳужжатлардан кучирма;
- яшаш жойидан маълумотнома;
- оилавий таркиби хақида маълумотнома;
- номзодни урганиш варақаси;
- касбий танлов картаси;
- анкета;
- ҳарбий тиббий комиссиясининг уқишга яроқлиги хақидаги хулосаси;
- 4,5x6 ҳажмдаги 6 дона сурат.

Паспорт, ҳарбий билет ёки ҳарбий ҳисобда турганлиги хақида гувоҳнома, тугилганлик ва урта маълумот тугрисидаги ҳужжатларнинг асл нусхаси катҳий тартибда билим юртига келган номзод томонидан тақдим этилади.

Мудофаа ишлари булимлари ва қисм командирлари томонидан танлаб олинган номзодларнинг ҳужжатлари билим юртига жунатилади.

Номзодларнинг касбий синовга келиш вақти ҳамда жойни билим юрти бошлиғи мудофаа ишлари булимлари ва қисм командирлари орқали хабар қилади ва улар томонидан номзодларга йул хақини туловчи ҳужжатлар берилади.

Кириш имтихонларидан ута олмаган шахслар яшаш ёки хизмат жойларига қайтишлари учун яна йул хақини туловчи ҳужжатлар билан тахминланадилар.

Билим юртига келган абитуриентлар бепул овқат ва ётоқхона билан тахминланадилар. Ҳарбий хизматчилардан иборат номзодларда қуйидагилар булиши лозим: кийим-кечак, аттестатига мувофиқ равишда формали кийим, озик-овқат ва пул аттестатлари, ҳисоб-хизмат карточкаси, ҳарбий билети, тугилганлик хақидаги гувоҳномаси, тугалланган урта маълумотга эғалиги хақидаги ҳужжат, тозалик ҳамда пойафзал кийимларни тозалаш буюмлари.

Фуқаро ёшларидан иборат номзодлар озода кийинган холда келишлари ва уларда қуйидагилар булишлари лозим: паспорт, ҳарбий билет, ёки ҳарбий ҳисобда турганлиги хақида гувоҳнома, тугалланган урта маълумоти хақидаги ҳужжат (диплом ёки аттестат)нинг асл нусхаси, фуқаролик олий укув юртларининг талабалари эса -академик маълумотнома, тугилганлик хақида гувоҳнома, ҳисобдан чиққанлик хақида маълумотнома, қушимча ички кийимлар, ҳамда пойафзал кийимларни тозалаш буюмлари, зарур китоблар ва кулланмалар.

Кириш имтихонлари бошлангунга қадар номзодлар билим юртида тиббий комиссиядан утадилар. Соғлиги туфайли яроқли булмаган шахслар имтихонларни топширишга қуйилмайди. Билим юртига кирувчиларнинг ҳаммаси умум жисмоний тайёргарлик буйича (3км га қросс, 100 метрга югуриш, турниқда тортилиш, сузиш) имтихон топширадилар ҳамда касбий-руҳий

танловнинг махсус услублари буйича квалификация имтихонларидан утадилар. Харбий касб талабларига мувофиқ булмаган шахслар умумтаҳлим имтихонларини топширишга куйилмайди ва номзодлар руйхатидан учиради.

Курсантликка номзодлар куйидаги фанлар буйича тестга асосланган давлат имтихонларини топширадилар; узбекистон тарихи, математика, физика, она-тили.

Билим юртига тест имтихонлари ва касбий танловдан яхши натижалар билан утган етим болалар ҳамда каровсиз колган болалар танловсиз кабул килинадилар.

Номзодлар конкурсли танлови уларнинг жамоат ишларидаги фаоллиги, махнавий-ахлокий сифатлари, соглиги, умум жисмоний ва касбий тайёргарлик даражаси хисобга олинган холда тест натижаларига асосланиб утказилади.

Куйидаги шахслар имтиёз хукукига эгадирлар:

- Узбекистон Республикасининг орден ва медаллари билан мукофотланганлар, шунингдек хизмат бурчини уташда юксак махнавий-жанговар сифатларни намоён этган харбий хизматчилар;
- Касбига алокадор мутахассислик буйича мутахассисларни тайёрловчи усталар ёки 1 тоифа малакасига эга булган харбий хизматчилар;
- Бир йилдан зиёд хизмат килган муддатли хизматдаги харбий хизматчилар;
- Амалий иш стажи бир йилдан кам булмаган фукаро ёшлар.

Машгулотлар 1 августда бошланади.

Билим юртида укиш муддати -4 йил.

Тошкент электротехника алока институтининг махсус факултетиде -4 йилу 10 ой; Жиззах олий харбий авиация билим юртининг техникавий факултетиде -3 йил. Билим юртидаги укиш муддати Куролли Кучлардаги хизмат стажига киради.

Билим юртини муваффакиятли тамомлаганларга «лейтенант» харбий унвони берилиб, курак нишони ҳамда мутахассислигига мувофиқ умум давлат намунасидаги диплом топширилади.

#### **Укув саволлари:**

1. Харбий хизмат -давлат ахамиятига эга булган хизмат тури эканлигини тушунтириб беринг.
2. Укув юртларида харбий касбларга йуналтириш ишларида ташвикот ишлари кандай олиб борилиши керак?
3. Харбий касбларга йуналтириш ишларида кандай омилларга эҳтибор бериш керак?
4. Узбекистон Республикаси Мудосфаа Вазирлигининг олий харбий билим юртларини санаб беринг.
5. Тошкент олий-харбий кушин командирлар билим юрти хакида сузлаб беринг.
6. Куролли Кучлар Академияси качон ташкил этилган?
7. Жиззах олий харбий авиация билим юрти качон ташкил этилган?

8. Харбий билим юртларига киришнинг ёш чегараси кандай белгиланган?
9. Харбий билим юртларига кабул коидалари хакида сузлаб беринг.
10. Харбий касбларга йуналтириш ишларида ЧЁТ рахбарининг роли.

#### **Адабиётлар:**

1. «Харбий ватанпарварлик асослари» дарслиги. М. 1987 й.
2. Узбекистон Республикаси Мудосфаа Вазирлигининг «Ватанпарвар» газетаси.
3. Узбекистон Республикаси Мудосфаа Вазирлигининг «Узбекистон Куролли Кучлари журнали» Т. 1998 й.

### **Мавзу № 14: «УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХОЛИСИНИНГ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИК БУЙИЧА «АЛПОМИШ» ВА «БАРЧИНОЙ» МАХСУС ТЕСТЛАРИ».**

#### **РЕЖА:**

1. Узбекистон Республикасининг «Алпомиш ва Барчиной» махсус тестларининг жорий этилиши.
2. «Алпомиш ва Барчиной» махсус тестларининг боскичлари.
3. Тестлар асосида синовларни тайёрлаш, утказиш шартлари ва тартиби.
4. «Алпомиш ва Барчиной» махсус тестларининг дастури.

Узбекистон ахолисининг жисмоний тайёргарлиги ва саломатлик даражасини белгилаб берувчи «Алпомиш» ва «Барчиной» махсус тестлари тугрисида тушунча.

#### **Таянч иборалар:**

“Алпомиш ва Барчиной” махсус тестлари, жисмоний тайёргарлик, саломатлик даражаси, ташкилий-услугий курсатмалар, жисмоний чидамплик, жисмоний сифатлар, синов ва меҳёр турлари, аклий ва жисмоний иш қобилияти, назорат қундалиги, билим, қуниқма ва

малакалар.

«Алпомиш ва Барчиной» махсус тестлари (бундан кейин - тестлар) Ўзбекистон аҳолисининг жисмоний тарбияси тизимининг дастурий ва меҳёрий асосидир. Назорат меҳёрлари ёрдамида аҳолининг уқишга, меҳнат фаолиятига ва ҳарбий хизматга булган жисмоний тайёргарликнинг умумий даражаси аниқланади. Тестлар саломатликни мустаҳкамлаш, ижодий ва меҳнат фаоллигини оширишга ёрдам беради.

«Алпомиш» махсус тестлари эркеклар, «Барчиной» махсус тестлари эса хотин-қизлар учун мулжалланади.

## **II. МАКСАД ВА ВАЗИФАЛАР:**

Тестлар соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, аҳолини жисмоний тарбия ва спортнинг махсус машғулотларига жалб этиш, уз соғлигини мустаҳкамлашдаги эҳтиёжни қондириш ҳамда ҳаётнинг турли босқичларида жисмоний тайёргарликни ошириб бориш воситаси булиб саналади. Шунингдек, тестлар жисмоний машқлар билан мустақил шугулланишга доир асосий билимлар ва амалий қуникмаларни эгаллашга, уқиш, меҳнат қилиш ва дам олиш, кун тартибда жисмоний машқларнинг хилма-хил шаклларида фойдаланишга, истеҳдодли спортчиларни аниқлаш ва тарбиялаш мақсадида оммавий спортни ривожлантиришга ёрдам беради.

## **III. ТЕСТЛАР ТИЗИМИ.**

Аҳолининг жисмоний тайёргарлигини аниқлаш мақсадига қаратилган тестлар куч, чидамлик, эгчиллик ва чаконликни акс эттирувчи синов турларини уз ичига олади.

«Алпомиш» тестлари 6 ёшдан 60 ёшгача булган эркеклар, «Барчиной» тестлари эса 6 ёшдан 55 ёшгача булган хотин-қизлар учун мулжалланиб, 3 босқичдан иборат.

«Алпомиш» тестлари:

- 1-босқич -6 ёшдан 17 ёшгача булган эркеклар учун (мактабларнинг 1-9 синфлари, коллеж ва лицей уқувчилари);
- 2-босқич -17 ёшда 34 ёшгача булган эркеклар учун (олий уқув юртларининг талабалари, ишлаб чиқаришда банд булган ёшлар, ҳарбий хизматчилар ва бошқалар);
- 3-босқич -35 ёшдан 60 ёшгача булган эркеклар учун (халқ хужалигида банд булганлар, нафақахурлар ва бошқалар).

«Барчиной» тестлари:

- 1-боскич -6 ёшдан 17 ёшгача булган кизлар учун (мактабларнинг 1-9 синфлари, коллеж ва лицей укувчилари);
- 2-боскич -17 ёшда 34ёшгача булган хотин-кизлар учун (олий укув юртларининг талабалари, ишлаб чиқаришда банд булган ёшлар, харбий хизматчилар ва бошқалар);
- 3-боскич -35 ёшдан 50 ёшгача булган хотин-кизлар учун (халқ хужалигида банд булганлар, нафақажурлар ва бошқалар).

Машгулотлар аҳолининг уқиш, хизмат ҳамда турар жойларида ташкил этилади. Мехёрларни қабул қилиш ишлари маҳмуриятнинг буйруқлари билан тасдиқланиб, жойлардаги тегишли спорт кумиталар билан келишилган тестлар буйича тегишли маҳаллий комиссиялар томонидан утказилади.

«Алпомиш ва Барчиной» тестлари жисмоний машқлар ва мустақил шугулланишга доир билимларни, қуниқма ва малакаларни эгаллаши, шунингдек, гигиена ва фуқаролар мудофааси юзасидан назарий ҳамда амалий машгулотларни назарда тутади.

«Алпомиш ва Барчиной» тестлари асосида иштирокчининг ёши, жинси ҳисобга олинган ҳолда, спортнинг қуп қураш турларидан 6 таси киритилади. Ташкил этиладиган синовлар спортнинг қуп қураш қоидаларига мувофиқ тарзда утказилади.

#### **IV. ТЕСТЛАР АСОСИДА СИНОВЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ, УТКАЗИШ ШАРТЛАРИ ВА ТАРКИБИ.**

Тестлар асосида мусобақалар умумий таҳлим мактабининг барча синфларида, коллеж, лицей ва олий укув юртларининг барча курсларида утказилади. Мехнат қилаётган ёшлар учун соғломлаштириш йуналишидаги мусобақалар ташкил этилади. Харбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари учун махсус утказиладиган машгулотлар уюштирилади. Тестларни топширишга юқорида номлари зикр этилган барча контингент жалб этилади. Бундан ташқари шифокорнинг рухсатномасига эга булган, ташкилий суратда ёки мустақил равишда спорт билан шугулланадиган, барча хохловчилар иштирок этиши мумкин.

Тестларни синаш турлари буйича мусобақалардаги машқларни бажариш шартларига ҳамда шаҳар (туман) спорт кумиталари томонидан тасдиқланган спорт турлари мусобақалар қоидаларига мувофиқ ҳакамлар хайҳати утқазади.

Тестларни топширишга тайёргарлик ишлари укувчилар ва талабалар учун, укув юртларида укув машгулотлари ҳамда уқишдан ташқари жисмоний тарбия соғломлаштириш ҳамда спорт тадбирлари жараёнида, мехнат қилаётган ёшлар учун спорт тугаракларида, амалий жисмоний тайёргарлик, сихат- саломатлик гуруҳларида мустақил ташкил этилади.

#### **V. ТЕСТЛАР БУЙИЧА ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.**

Республика, вилоят, шаҳар ва туманларда тест меҳёрларининг бажарилишига раҳбарлик ва бу ишлар устидан назорат тегишли ҳокимиятлар, спорт кумиталар ва халқ таҳлими бўлимлари, Олий ва урта махсус таҳлим вазирлиги ва уларни жойлардаги органлари, корхона ва ташкилотларнинг Касаба уюшмаси кумиталари, ҳарбий қисмларнинг кумондонлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бўлим раҳбарлари томонидан амалга оширилади.

Тестларни топшириш ишларини ташкил этиш махсулияти укув юртларида жисмоний тарбия уқитувчилари, корхона ва муассасаларда эса, спорт буйича инструктор-методистлар, тренерлар ва тиббиёт ходимлари, ҳарбий қисмлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида жисмоний тайёргарликка эга раҳбарлар зиммасига юкланади.

## **VI. ТЕСТЛАР БУЙИЧА СИНОВ ТУРЛАРИНИ БАЖАРИШ**

### **VII. ШАРТЛАРИ.**

1. 60,100, 1000, 1500, 2000 ва 3000 метрга югуриш стадионнинг югуриш йулагиди утказилади.
2. Жойдан югуриб келиб узунликка сакраш. Узунликка сакраш учун мулжалланган секторда утказилади.
3. Баланд турникда тортилиш, оёқлари билан полга тегмаган холда, юқоридан кул билан ушлаб осилган холатда бажарилади. Агар энгак турникнинг грифини кесиб утган булса, машк хисобига олинади. 5 секунддан ортик тухтамга рухсат берилмайди, машк осилган холатда тулик тухтаганда бошланади. Тебранишга рухсат этилмайди.
4. Гавдани кутариш чалканча ётган холатда бажарилади. Оёқларнинг тизза қисми 90°С бурчак остида буқик, кул кафтлари елкага куйилган булади, оёқ кафти тепа томонидан ушлаб турилади.
5. Тупни (коптокни) улоқтириш 200 см баландликда мулжалдан, 15, 30, 40 метр масофада жойлашган 100x100см катталиқдаги халкага истаган текис майдончада, гранатани отиш (700гр. эркаклар. 500гр. хотин-қизлар учун) улоқтириш секторидан ёки ҳар қандай текис жойларда утказилиши мумкин.
6. Қичик калибрли милтиқдан 6 та нишонга, пневматик милтиқдан нишонга қараб ук отилади.
7. Сузиш сув хавфзасида ёки хавфсизлик қоидаларига риоя қилган холда махсус жихозланган жойда утказилади.

## **VIII. “АЛПОМИШ ВА БАРЧИНОЙ” КУПКУРАШ ТЕСТЛАРИ БУЙИЧА ДАСТУР.**

11-15 ёшлар

**Қиз болалар**

**Уқил болалар**

- |   |  |
|---|--|
| 1. 60м югуриш                                   | 1. 60м югуриш                                      |
| 2. 100м югуриш                                  | 2. 200м югуриш                                     |
| 3. 50м сузиш                                    | 3. 50м сузиш                                       |
| 4. Пневматик милтиқдан<br>отиш(3синов+5хисобли) | 4.Пневматик милтиқдан<br>отиш(3 синов + 5 хисобли) |
| 5. Узунликка югуриб келиб<br>сакраш             | 5. Жойдан туриб узунлик-<br>ка сакраш              |
| 6. Тупни улоктириш                              | 6.Тупни улоктириш                                  |

16-39 ёшлилар

### **Аёллар**

- |   |  |
|---|--|
| 1. 60м югуриш                                   | 1. 60м югуриш                                      |
| 2. 1000м югуриш                                 | 2. 2000м югуриш                                    |
| 3. 50м сузиш                                    | 3. 50м сузиш                                       |
| 4. Пневматик милтиқдан<br>отиш(3синов+5хисобли) | 4.Пневматик милтиқдан<br>отиш(3 синов + 5 хисобли) |
| 5. Узунликка югуриб келиб<br>сакраш             | 5. Жойдан туриб узунлик-<br>ка сакраш              |
| 6. Граната улоктириш                            | 6.Граната улоктириш                                |

### **Эркаклар**

40 ва ундан юкори ёшлар

### **Аёллар**

- |   |  |
|---|--|
| 1. 60м югуриш                                   | 1. 60м югуриш                                      |
| 2. 1000м югуриш                                 | 2. 2000м югуриш                                    |
| 3. 50м сузиш                                    | 3. 100м сузиш                                      |
| 4. Пневматик милтиқдан<br>отиш(3синов+5хисобли) | 4.Пневматик милтиқдан<br>отиш(3 синов + 5 хисобли) |
| 5. Жойдан туриб узунликка                       | 5. Жойдан туриб узунлик-                           |

### **Эркаклар**

сақраш  
6. Граната улоктириш

ка сақраш  
6. Граната улоктириш

“Алпомиш ва Барчиной” купкураш тестлари буйича мусобакалар спорт турлари коидаларига мувофик утказилади.

## **“АЛПОМИШ ВА БАРЧИНОЙ” ТЕСТЛАРИ БУЙИЧА ИШЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ, ТАШКИЛИЙ ВА УСЛУБИЙ КУРСАТМАЛАР.**

Ўзбекистон Республикасининг истикболга эришуви мустақил давлат тақдирида муҳим давр булиб қолди. Табиийки, жисмоний тарбия ва спортнинг ҳам ижтимоий тараққиёт билан уйғун равишда ягона босқичи бошланди. Шунини таъкидлаш жоизки, жисмоний тарбия ва спорт истикболи, Ўзбекистон Республикасини ривожланган мамлакатлар каторига олиб чиқиш концепсиясига, Республикада ҳуқуқий демократик давлат қурилишига, Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига утишига бевосита боғлиқдир.

Бинобарин, жисмоний тарбия ва спорт соҳаси, истикбол дастурларини ишлаб чиқишда, давлатимизнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий асосларидаги туб ўзгаришларни ҳисобга олиш зарур. Ушбу босқичда, бозор муносабатлари шароитида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг янги иқтисодий-сиёсий ва ижтимоий асосларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Давлатимиз соғлом авлод тарбиясини ўз сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида танлаб олди ва шу муносабат билан “Соғлом авлод учун” фонди тузилди. 2000 йил “Соғлом авлод йили” деб эълон қилинди.

“Алпомиш ва Барчиной” тестлари илк бор мамлакатимиз аҳолисининг жисмоний тайёргарлигини аниқлаш ва жисмоний тарбиянинг ягона тизимини яратиш вазифасини қуймоқда. Тестлар қуйидаги меҳорларни ўз ичига олади:

1. 30 м.60м.100м.га югуриш. Ушбу меҳорлар чакконликни ривожлантиришга ёрдам беради, югуриш масофасидан каттиқ улчанган йулакда ёки ҳар қандай тегиш жойда утказилади. Қуйи стартдан туриб югуришда (30м. бундан истисно) йулакчалар сонига қараб, 4-6 нафар бахшлашувчи қатнашади. Машгулот вақтида ҳам, мусобакалар утказилаётган пайтда ҳам туппонча ёрдамида старт беришга руҳсат берилади. Натижа 0,1 сек. аниқликка эга бўлган секундомерда қайд этилади.

Қиска масофага мулжалланган барча югуриш машқлари тайёргарлик пайтида қўлланилади:

- 15-20 м га югуриш (45 сек. 1 мин вақт оралиғида 2-3 марта тақрорий югуриш);
- 20-25 м га аста-секин тезликни ошириб бориб югуриш. (45 сек. 1 мин вақт оралиғида 2-3 марта тақрорий югуриш);
- 15-20 м га юк (огирлик) билан югуриш (45 сек. 1 мин вақт оралиғида 2-3 марта тақрорий югуриш);
- 1-2 уринлар учун энг чакконлар югуришини назорат қилиш.

2. 1000м. 2000м.,3000м га югуриш. бу чидамлиликни ривожлантирувчи югуриш меҳёрлари. Ушбу меҳёрлар югуриш масофасига мос равишда старт ва финиш чизиклари тортилган йулак ёки текис жойда ташкил қилинади. юкори стартдан бошланади. Беллашувда 12-15 киши катнашиши мумкин. Хакамлар хайхати томонидан катнашувчилар устидан каттий назорат урнатилади. натижа 1 секундгача аниқлик билан кайд этилади.

Машгулот пайтида узок муддатли югуришга доир барча турдаги машқлардан, шунингдек, парклар, хиёбонлар, кумлок жойлардан фойдаланилади.

Машқ жараёнида масофанинг ярмини югуриб утиш, аста-секинлик билан тезликни ошириб бориш, сунгра югуриш сурхатини узгартирган холда бутун масофани босиб утиш тавсия этилади.

3. Жойдан туриб узунликка сакраш. тезлик ва куч сифатларини ривожлантирувчи меҳёрлардан бири. Ушбу меҳёр текис, имкон қадар машқ бажарувчи сакраганда юмшок ерга тушадиган жойда (майдончада) қабул қилинади.

Майдончада старт чизиги тортилади, сантиметрли тасма, чизгич ёрдамида сакраладиган жойга 5 (10 см) булинишлар асосида белгилар туширилади. Ярим чуқкайган таянч холатдан куллари олдига, кейин юкорига эркин холатда силкитиб, оёқлар ёрдамида кескин итарилиш, (сакраш) бажарилади. Ерга тушиш оёқлар жуфтлаштирилган холда амалга оширилади.

Натижани аниқлаш мақсадида ушбу меҳёрни бажараётган сакровчининг кули ёки гавдасининг бирор қисми майдончадаги старт чизикининг яқинрок жойига тегса, уша ергача, аксарият холларда старт чизигидан товонлари (товони) тушган масофагача улчанади, сакраш чоғида старт чизигига оёқ учи тегиб кетса, натижа ҳисобланмайди.

Сакраш кетма-кет 3 маротаба бажарилади, энг яхши натижа 1 см гача аниқлик билан кайд этилади. машқ жараёнида куйидаги сакраш машқлари бажарилади - арқонча билан сакраш, юк билан (огирликни оширган холда), бир жойда туриб сакраш, кутариб куйилган таянч томон ва таянч оша сакраш, жойида туриб натижа учун сакраш. айнан шу талаблар югуриб келган холда узунликка сакраш меҳёрига ҳам таалуклидир.

Гранатани улуктириш, туп отиш. Ушбу меҳёрлар аниқ, мувофиқлаштирилган ҳаракатларни такомиллашувига хизмат қилади. Гранатани улуктириш, 150 гр. огирликдаги тупни (коптокни) отиш (текис майдонда узокка отиш тарзида) баландлиги 200 см булган 100х100см. катталиқдаги нишонни мулжалга олиб амалга оширилади.

Улуктириш (отиш) старт чизигидан бажарилади. 15, 20, 25, 30, 35 метр узукликда урнатилган халка нишон вазифасини утайди. Беллашувчилар турган жойларидан икки маротаба машқни бажариб келадилар. Сунгра халкага (нишон) 3 маротаба ҳисобга олинандиган улуктиришни бажарадилар. Халкага тегиш (ха ёки йук) деб кайд қилинади.

Копток ёки гранатани улуктиришда натижа метр ва сантиметрларда 1 см аниқликда улчанади.

Машгулот чогида улоктириш машкларидан фойдаланилади. Мускул пайларининг умумий ривожланиши учун куйидаги машкларни куллаш лозим - елка ва суякларда кулларнинг айланма харакатлари, таклидий машклар, майда тошларни отиш, теннис коптокчаларини нишонга отиш, узок ва якин масофадаги нишонга отиш (улоктириш), турган жойидан улоктириш, югуриб келган холда улоктириш, мулжалсиз улоктириш мехёрларини бажариш. Машклар унг ва чап кулда бажарилади.

5. Турниқда тортилиш. Кучни ривожлантирувчи мехёр.

Машк тугри чузилиб турган куллар билан юкоридан ушлаб осилган холатда баланд турниқда бажарилади. Ушбу машк чогида оёклар ерга тепмаслиги лозим. Кулларда тортинишда энгак турнирнинг грифини кесиб утса хисобга утади. 5 сек.дан ортик муддатта тухташ, силкиниш рухсат этилмайди. Тортилишнинг миқдори кайд этилмайди (10-15 марта ва хоказо).

Бир турниқда “мумкин” буйругига кура икки иштирокчи тортилиши мумкин. Санашни ижрочиларнинг рупараларида турган хисобчи хакамлар баланд овозда олиб борадилар. Нотугри бажарилган тортилиш “хисобланмасин” деган буйрук билан кайд этилади. Машк тугаши билан натижа иштирокчига ва мусобака карорини ёзаётган котибга эшиттириб эхлон килинади.

Машк жараёнида жихозларсиз ва жихозлар билан умумий ривожлантирувчи машклар кулланилади -тортилишнинг хар хил вариантлари (ётган, осилган, турган холатда), шериги ёрдамида баланд турниқда, юк билан осилган холатда тортиниш - максимал миқдорда, кулда осилиб турган статик тавсифдаги машклар, натижани хисоблаш учун тортилиш.

Мунтазам суратда тортилиш миқдорини аста-секинлик билан ошириб бориш, тортилишни эрталабки жисмоний машклар термасига киритиш, уларни “бадантарбия” сунгида бажариш.

Гавдани чалканча ётган холатда кутариш.

Бу жисмоний куч сифатини ривожлантиришга кумаклашувчи мехёрдир.

Машк текис юзада оркаси билан (чалканча) ётган холатда бажарилади. Оёкларнинг тизза кисми 90 даража бурчак остида букик холатда булади, уларнинг кафти (юзи) шериги томонидан ушлаб турилади, куллар елкага куйилади.

Таянч холат кабул килингандан кейин катнашувчиларга “мумкин” буйруги берилади. Катнашувчи гавдани неча марта кутарган булса, натижа шунга караб кайд этилади (20,30 марта ва хоказо). Агар гавда вертикал (тик) холатда кутарилаётса, машклар инобатта олинади.

Машк жараёнида тугри тутилган оёкларни турли хил силкитиш харакатларини куллаган холда, умумривожлантирувчи машклар, оёкларни тиззадан букиш билан бир вақтда тиззаларни куракка текизиш, тугри тутилган оёкларни юкори бурчак холатига кутариш, оркаси билан ётган холатда навбат билан тугри тутилган оёкларни кутариш, кулларни турли хил холатта (белга, елкага, бошнинг оркасига) куйиб, гавдани кутариш, оёкларни тиркаб куйган холатда (гимнастик уриндикка, нарвонга, бошка буюмга, шериги ёрдамига) гавдани кутариш, умуман мехёрларни бажариш сирасига киради.

6. Сузиш. Жисмоний чидамлилик сифатларини ва гайриоддий сув мухитида ҳаракат қуникмаларини ривожлантиришга ёрдам берувчи меҳёр.

Сузиш машгулотларини ташкил этиш ва сузиш меҳёрларни қабул қилиш алоҳида диққат-эҳтиборни, эҳтиёткорликни талаб этади. Шунингдек, машгулот ва мусобакаларнинг хавфсизлигини тахминловчи барча қоидаларга риоя қилиш зарур. Машгулот ва меҳёрларни қабул қилиш хавфсизлик қоидаларига амал қилинган ҳолда бассейн, табиий сув хавзалари (дарё, қул), махсус жиҳозланган жойда ташкиллаштирилиши мумкин. Табиий сув хавзаларининг мусобака ўтказиладиган жойи 90-120 см чуқурликка эга бўлиши керак.

Меҳёрларни топшириш суза оладиган катнашувчиларга руҳсат берилади. Суза олмайдиганлар учун эса машгулотлар ташкил этилиб, сузишни урганганларидан кейин мусобакаларга қўйилади.

Сузишни ташкил этиш учун ҳакам катнашувчиларни (чүзүк хуштак овози билан) стартга чакиради.

Ҳакамнинг “Старт”га деган буйруғи билан катнашувчилар “Сузувчининг старт” ҳолатини эгаллайдилар ва туппончадан ўқ отиши асносида сузишни бошлашади. Сузишда иштирок этадиганлар сони бассейндаги (сув хавзасидаги) йулақлар миқдорида боғлиқ. Натижа 0,1 сек аниқлик билан ҳар бир йулақ бошида турган хронометрчи-ҳакамлар томонидан қайд қилинади.

7. УҚ ОТИШ. Бу қурол билан муомалада бўлиш ва ўқ отишни дастлабки асосларини шакллантирувчи ҳарбий-амалий меҳёр ҳисобланади.

Ушбу меҳёрни қабул қилишдан олдин қурол билан муомала ва ўқ отиш маррасида катнашувчилар ўзларини қандай тутишлари ҳақида суҳбат ўтказиши зарур.

Махсус жиҳозланган тирда ТОЗ-8 туркумидаги кичик калибрли милтиқдан 25 м. ўзқликдаги 6 нишонга, ИЖ-38 туркумидаги пневматик милтиқдан стол ёки устунга таянган (ётган) ҳолатда 5м. ўзқликдаги 8 та нишонга ўқ отиш амалга оширилади. Нишонлар тайёр ҳолга келтирилгандан сунг, катнашувчилар ўқ отиш жойига таклиф этилади. Ҳар бир баҳслашувчига 3 тадан ўқ берилади. Ўқ отишлар катҳиян раҳбарнинг руҳсати билан бажарилади. Ўқ отиб бўлингандан кейин нишонлар алмаштирилади ва катнашувчиларга ҳисобга олинандиган 5 тадан ўқ берилади.

Нишонга ўқ отиш натижалари қулга киритилган очқолар миқдори билан белгиланади. Ушбу очқолар мусобакалар қарорида курсатилади.

Меҳёрни қабул қилиш учун шароит бўлмаса, қоптоқни нишон урнига алмаштириш мумкин. Эрақлар 35-40м, хотин-қизлар 25-30м, ўзқликдаги қоптоққа 2 марта отиб қуришади. 5та отилган ўқ нишонга 3-5 марта тегса ҳисобга олинади.

**Ўқув саволлари:**

1. Махсус тестларнинг жорий этилишидан кузланган мақсад ва вазифалар нималардан иборат?
2. Тестларнинг ёш буйича боскичларини айтиб беринг.
3. «Алпомиш ва Барчиной» махсус тестлари қачон қабул қилинган?
4. Махсус тестлар буйича ишлар қандай ташкилланади?
5. Синовларни утқазиланинг шартлари нималардан иборат?
6. Тестларнинг биринчи босқичи қимлар учун мулжалланган?
7. Иккинчи босқич талабларини сузлаб беринг.
8. Тестларнинг «Саломатлигинг уз қулингда» бўлимининг мазмуни нималардан иборат?
9. Учинчи босқичдаги синов ва меҳёр турларини сузлаб беринг.
10. «Алпомиш ва Барчиной» махсус тестларини ривожлантириш ва ташвиқот қилишда ЧЁТ раҳбарининг роли.

#### **Адабиётлар.**

1. Ўзбекистон Республикасининг аҳолисини жисмоний тайёргарлиги ва саломатлик даражасини белгилаб берувчи «Алпомиш ва Барчиной» махсус тестларининг Низоми. Т. 1999 й.
2. «Шунқорлар» харбий-спорт уйинларининг Низоми. Т. 1999 й.

### **Мавзу 15: ХАРБИЙ СПОРТ БАЙРАМЛАРИНИ ТАШКИЛЛАШ ВА УТҚАЗИШ УСЛУБИЁТИ.**

#### **РЕЖА:**

1. Уқув юртларида ЧЁТ фанини яқунланишига бағишлаб утқазиладиган харбий спорт байрамларининг мақсад ва вазифалари.
2. Харбий спорт байрамларига тайёргарлик босқичлари.
3. Байрамда утқазиладиган мусобақалар руйхатини тузиш.
4. Харбий спорт байрамларини утқазилари тартиби.

#### **Таянч иборалар:**

Харбий-спорт байрамлари, байрамни режалаштириш,

харбий-спорт байрамини утказиш услубиёти, спортнинг харбий-амалий турлари, харбий-спорт байрамларининг режаси, моддий-техник база, кургазмали воситалар, байрам таклифномалари;

1. Чакириккача ёшлар тайёргарлиги курсининг якунланишига багишлаб утказиладиган харбий спорт байрами, билим юртининг, ёшларни Ўзбекистон Куролли Кучларидаги харбий хизмат учун тайёрлаш буйича якуний тадбири булиб хисобланади. Билим юртида бундай тадбирни ташкиллаш ва утказиш, ЧЁТ рахбари томонидан катта хажмдаги ишларни бажарилишини такозо этади. Хар бир ЧЁТ рахбари харбий-спорт байрамини режалаштириш ва унга тайёргарлик куришдан аввал, бу байрамнинг мақсад ва вазифаларини аниқ тасаввур қилиши зарур. Бунинг учун, хар бир синф буйича харбий ва жисмоний тайёргарликдан утилган мавзуларни узлаштирганлиги, укувчилар томонидан фуқаролар химосяси нормативларини топширилишини, ук отар куроллар билан муомала қилишни, укувчиларни жисмоний чидамлилигини, уларнинг рухий холатлари ва бошка сифатларини яхши билиш керак. Юқоридагилардан келиб чиккан холда, харбий-спорт байрамининг мақсад ва вазифалари куйидагича булиши мумкин:

- *Тантанали вазиятда укувчиларнинг жисмоний тайёргарликлари натижаларини умумий якунини утказиш;*
  - *Спортнинг оммавий харбий-амалий турларида катнашувчи укувчилар тайёрлигининг куриги;*
  - *Укувчиларда харбий касбларга булган кизикишни уйғотиш, уларнинг Ватан химосясига доимо шайлик рухида, ватанпарварлик туйғусида тарбиялаш;*
  - *Укувчилар билан саф машқларни, уларни шахдам кадамлар билан юришини машқ қилиш;*
  - *Спортнинг оммавийлигини ошириш;*
- Харбий-спорт байрамининг вазифаларидан келиб чиккан холда, ЧЁТ рахбари байрам мусобакаларининг режасини ишлаб чиқади.

### **Режа куйидаги булимларга булинади:**

#### **Биринчи булим:**

#### **Байрамга тайёргарлик.**

- Билим юрти директори ва укув булими бошлиги билан байрамнинг мақсади ва вазифаларини аниқлаш;
- Тадбирнинг моддий жихатдан тахминлашга тайёргарлик;

- Мусобакаларда катнашувчи командаларни тайёрлаш;
- Спорт ва спортнинг харбий-амалий турлари буйича мусобакалар утказиладиган жойларни тайёрлаш;
- Куролларни отишга тайёрлаш ва хавфсизлик чораларини куриб чиқиш (бу ишларга ЧЁТ рахбари катта эҳтибор билан ёндашиши керак.)
- Синфларни колонна булиб юришга, мусика остида колонналарда шахдам кадамлар билан ҳаракат қилишга, синфлар буйича кушиқлар билан юриб утишга, фахрий ёрлик ва мукофотларни олиш учун сафдан чиқишларни машқ қилдириш;
- Махсус танлаб олинган укучилар билан тантанали байрам байрогини кутаришни машқ қилиш;
- Мусобакаларда катнашувчи командаларнинг командирларига, мусобакаларни утказилиш тартиби ва жойлари тугрисида курсатмалар бериш;
- Чакирикча ёшлар тайёргарлигини ахлоқ баҳолар билан тугаллаган, шунингдек, байрам мусобакаларида голиб чиққан укучиларни тақдирлаш учун фахрий ёрликлар, кимматбаҳо совғалар ва бошқа мукофотларни тайёрлаш;
- Байрамни утказилиш куни, вақти ва тартиби ҳақидаги эҳсонлар, синфларнинг деворий газеталарини чиқариш, байрамга бағишлаб фотоқуриқлар, плакат ва шиорлар ва шу каби кургазмали ташвиқот воситаларини тайёрлаш;
- Байрамни утказиш маҳмурияти учун трибуна (минбарлар) тайёрлаш ва уларни безаш, радио воситалари ва мусобака утказиладиган жойларни тайёрлаш;
- Укучиларнинг ота-оналарини байрамни утказилиш куни, вақти ва жойи ҳақида хабардор қилиш;
- Байрамга таклиф этилганлар учун жойлар тайёрлаш;
- Билим юртининг илмий кенгаши орқали уруш ва меҳнат фахрийларини, «Ватанпарвар» ташкилоти ва мудосфаа ишлари бўлимлари вакилларини таклиф этиш.
- Юкорида айтиб утилган таклиф қилинганлар таркибидан сузга чиқувчиларни тайёрлаш;
- Байрам тантаналарини суратга олишни таклиф этиш;
- Байрамда тартиб сакловчи, шунингдек, уқ отишда хавфсизлик чораларини назорат қилиб турувчи посбонларни тайёрлаш;
- Махаллий ҳокимият органлари ва ёшлар ташкилотларини байрамни утказилиш куни ва вақтидан хабардор этиш;
- Укучилар билан спорт турлари буйича утказиладиган мусобака шартларини урганиш;
- Байрамга тайёргарлик буйича барча масалалар, муаммолар директорга олиб чиқилади ва режадаги ҳар бир тадбир учун жавобгар шахслар тайинланади.

Режани бажарилиши билим юрти укув бўлимининг бошлиғи томонидан ва, албатта, биринчи навбатда ЧЁТ рахбари томонидан назорат қилиб турилиши керак. Режадаги ҳар бир тадбирни бажарилиши, ЧЁТ рахбаридан, бу ишларга унинг махсулият билан жиддий тарзда ёндашишини талаб қилади. Бунинг учун у катхтиятли, талабчан, шунингдек, уддабурон булиши

керак. Байрам тантаналарида бериладиган мукофотлар хомий ташкилотлар ёки билим юрти фондидан ажратилган маблағларга сотиб олинади. Бахзи бир мукофотларни, эсдалик такинчокларини билим юртининг узида тайёрлаш мумкин.

### ***Иккинчи булим:***

#### **Утказиладиган мусобакалар руйхати:**

Мусобакаларга куйидаги спорт ва спортнинг харбий-амалий турлари киритилиши мумкин:

- ук отиш буйича мусобакалар. Бу мусобакаларга усмирларни хам кизларни хам жалб килиш мумкин. Хар бир синфдан 10 кишидан катнашади;
- фукаролар мухофазасидан нормативларни бажариш буйича мусобакалар;
- тусиклар чизигини ошиб отиш буйича мусобакалар;
- гранаталарни узокка улуктириш;
- ярадорларни боғлаш ва уларни олиб юриш. Бу мусобакада факат кизлар катнашади;
- турниқда осилиш;
- 24 ва 16 кг. тошларни кутариш;
- пластунчасига узоклик вақт ва сифат учун эмаклаш;
- кросс. Усмирлар учун 1,5 -3 км, кизлар учун 1 км;
- 100, 200, 400 метрларга югуриш;
- аркон тортиш;
- миллий кураш;

Юкорида курсатиб утилганлардан ташкари байрам мусобакаларига, шароитга ва ЧЁТ рахбарининг фантазиясига караб бошка спорт ва спортнинг харбий-амалий турларини хам киритиш мумкин.

#### **Энг асосийси, ЧЁТ рахбари куйидагиларни назарда тутиши керак:**

А) байрам режасига киритилган мусобакаларнинг утказилиш шартлари олдиндан тузиб чикилган, мусобака катнашчиларига етказилган ва кургазмали ташвикот воситаларида уз аксини топган булиши керак. Мусобака шартларини тузиш учун балл системаси керак булади, чунки, укувчилар нималар учун юкори баллар, кандай хатолар учун паст баллар олишаётганини билиши зарур. Мусобакалар утказилишининг синфлараро шартлари аникланиб олиниши керак, яхни бунда хар бир тур буйича булган мусобакаларга синфлар усмир ва кизларнинг махлум бир сонини куйиш керак, у ёки бу тур мусобакаларига етарли иштирокчиларни куймаган командалар учун жарима

баллари аниқлаб олинishi керак. Бундан ташқари ҳар бир тур мусобакалардаги голиблар учун аниқ мукофотлар белгилаб қуйилиши зарур.

- Б) ҳар бир мусобака тури учун ҳакамлар таркиби ёки ҳакам тайинланиши керак. Улар мусобакалар утқизиш шартларини, баҳо бериб, тартибини яхши билишлари зарур. Ҳакамлар билим юртига таклиф этилган фахрийлардан, оналардан, спорт ва ёшлар ташкилотларидан танлаб олинishi мумкин.
- В) мусобакалар шартларига асосан, тайёргарлик босқичда барча командалар иштирокида 2-3 марта тайёргарлик машқларни утқизиш керак.
- Г) ҳакамлар хайхати ёки ҳакамларни йиғиб, барча мусобака турлари буйича аниқ курсатмалар бериш зарур.
- Д) режалаштирилган барча тадбир ва мусобакаларни юқори савияларда утқизиш учун моддий база, тир, стадион ва бошқа спорт ҳарбий анжомлари булиши шарт.

### **Учинчи булим:**

#### **Ҳарбий спорт байрамини утқизиш тартиби.**

Режанинг бу булими бевосита байрамнинг қандай тартибда утқизилишига бағишланади. Булимга қуйидагилар киритилиши мумкин:

- билим юртининг умумий сафланиш вақти ва тартиби, укувчиларнинг келиши ва сафланишига масхул шахс;
- байрамга бағишланган митингнинг бошланиш ва якунланиш вақти, унинг очилиш ва ёпилиш тартиби, байрамни очилиши шарафига бағишлаб, Ўзбекистон мадҳиясини ижро этган ҳолда давлат байрогини кутариш. Тантанали марш ва қушиқлар билан утиш;
- режалаштирилган мусобакаларни утқизилиш тартиби ва уларнинг бошланишини эҳлон қилиш;
- радио ёки овоз кучайтиргичлар орқали барча турлар буйича мусобакаларнинг боришини эҳлон қилиб туриш;
- «Ватанпарвар» деворий газетаси ва жанговар варакалар чиқариш, уларда фаол иштирокчилар, голиблар ҳақида маълумотлар бериш;
- байрам жараёнини, мусобакалар ва голибларни суратга тушириш;
- голиб синфлар ва укувчилар сурати туширилган фотогазеталар чиқариш;
- мусобакаларнинг якунланиши, билим юртининг сафланиши;
- мусобака якунини утқизиш, голибларнинг саф тортиши;
- Ўзбекистон мадҳиясини ижро этган ҳолда, байроқнинг голиблар томонидан туширилиши, байрамни ёпилиши;

Юкорида курсатиб утилганлардан ташкари маҳаллий шароит ва билим юртининг имкониятларига қараб, голибларга мукофотлар билан бирган гуллар, сувенирлар тақдим этиш мумкин.

Билим юрти укувчилари томонидан тайёрланган эсталик совгаларни, гулларни, шунингдек, байрамга тақлиф этилганларга ҳам бериш мақсадга мувофиқдир.

Қуриб чиқилган режа халқ таҳлими бўлими билан келишилади. Билим юрти директори томонидан тасдиқланади ва бажариш учун барча махсус шахсларга етказилади.

### **ХАРБИЙ-СПОРТ БАЙРАМИГА ТАЙЁРЛАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.**

Харбий-спорт байрамига тайёргарлик ва уни утқизиш режасини тузгандан кейин, ЧЁТ раҳбари, уни байрамдан 1,5- 2 ой аввал билим юрти директорига тақдим этади, у билан бирга режадаги ҳар бир тадбирни аниқлайди, махсус шахслар тайинланади ва байрамни утқизиш учун зарур бўлган моддий базанинг имкониятларини аниқлаб, ечилиши зарур бўлган муаммоларни белгилаб олади.

Билим юрти директори режа билан танишиб чиққандан сунг, педагогик кенгашда унинг мазмунини барча укутувчиларга етказди ва байрамни утқизиш учун махсус шахслар ёки байрамни утқизиш маҳмуриятини тайинлайди. Бу шахсларга байрамга тайёрланиш бўйича вазифалар, уларнинг бажарилиш муддатлари етказилади. ЧЁТ раҳбари байрамга тайёрланиш машқлари ва байрам олди якуний машқларининг қачон утқизилишини эҳсон қилади.

Шундан сунг, ЧЁТ раҳбари байрамни утқизиш учун зарур бўлган моддий базани тайёрлашга киришади.

-Укувчилар билан бирга у мусобақа утқизиладиган спорт майдончаларини, мусобақалар учун зарур бўлган қурол-яроғларни, ук-дориларни, оммавий қиргин қуролларидан ҳимояланиш воситаларини, гранаталар ва тиббий анжомларни тайёрлайди. Агар мусобақалар утқизиш учун бирор бир нарса етишмаса, ЧЁТ раҳбари билим юртининг ҳужалик ишлари бўйича мудирни ёки директор орқали уни топишга ҳаракат қилиши керак.

Байрам утқизиладиган жой тайёрланиб, минбар қуйилади, тақлиф этилганлар учун жойлар ажратилади. Байрам утқизиладиган жой ранг-баранг байроқлар, харбий-ватанпарварлик ва соғлом авлод мавзусидаги шиорлар, билим юрти фаолиятини ҳикоя қилувчи қурғазмали воситалар билан безатилган бўлиши керак. Байрамга тақлиф этилганлар учун махсус, чиройли қилиб безатилган тақлифномалар тайёрланади ва бу тақлифномалар билим юртининг фаол укувчилари томонидан тақлиф этилганларга топширилади.

ЧЁТ раҳбари билим юрти директори орқали байрам тантаналарига оркестрни жалб қилишга ҳаракат қилиши керак. Агар билим юрти уз оркестрига эга бўлса, у ҳолда оркестр ҳам режа бўйича тайёргарлик ишларига жалб қилинади. Харбий спорт

байрамида оркестрни катнашиши катта ахамиятга эгадир. Чунки, оркестр садолари остида шахдам кадамлар билан юриш, кушиклар айтиш ва, ниҳоят оркестр ижросидаги харбий ватанпарварлик мавзусидаги мусикалар, байрам тантаналарига узгача жозоба киритиб, байрам катнашчилари ва иштирокчиларига яхши кайфият, хурсандчилик хисларини бахш этади. ЧЕТ рахбари албатта буни назарда тутиши керак.

- Хакамлар хайхати ёки хакамларни танлаб, уларни тайёрлайди. Уларга мусобака шартларини, конун-қоидаларини етказди ва мусобакаларга хаққоний тарзда хаққлик қилишлари хақида курсатмалар беради.

- Хар бир мусобака тури буйича қоидаларни ишлаб чиқади ва уларни синф рахбарлари орқали хар бир синф укучиларига етказди. Командалар тузишда укучиларга яқиндан кумак бериб, тайёргарлик машгулотлари жаadwalини тузади, ва унинг бажарилишини назорат қилиб боради.

- Билим юрти суратчисига ёки таклиф қилинган суратчига байрам тантаналарини қандай тартибда тасмага тушириш хақида курсатмалар беради.

- Байрамдан 10-15 кун олдин бутун билим юрти микёсида машқлар утказишни белгилайди.

- Байрамдан 2-3 кун олдин оркестр иштирокида байрам олди машқларини утказди. Агар ЧЕТ рахбари, узига яхши ёрдамчи укучиларни танлай олса ва уларни байрам тантаналарини юқори савияларда утказиш кераклигига ишонтира олса, шунингдек, укучиларнинг харакатлари, қизиқишлари ва интилишларини тугри йуналтира билса, байрамга тайёргарлик буйича барча масалаларни муваффақиятли ечиш мумкин. Албатта, шу уринда синф рахбарлари ва байрам тадбирлари учун махсул булган бошқа шахслар хақида ҳам айтиб утиш керак. ЧЕТ рахбарининг вазифаси биринчи навбатда, бу шахсларга уз вазифалари нималардан иборат эканлигини эслатиб туриш ва уларни бу вазифаларни сидқидилдан бажаришларига эришишдир.

### **ХАРБИЙ-СПОРТ БАЙРАМИНИ УТКАЗИШ УСУЛУБИЁТИ (намуна)**

Қуйида харбий-спорт байрамини утказиш тартибининг намунаси берилган:

- Билим юртини сафланиши;
- ЧЕТ рахбарининг директорга махлумотномаси;
- Байрамга таклиф этилганларга гуллар, эсдалик совгаларни тақдим этиш;
- Билим юрти директорининг кириш сузи;
- Билим юртининг «Укучиларнинг ЧЕТ фани буйича уқишларининг яқунлари тугрисида»ги буйруқни уқиб эшиттириш;
- Мусобакалар бошланиши шарафига байроқни кутариш ёки мактаб байроқини саф олдидан олиб утиш;
- Харбий-спорт байроқига бағишланган қиска муддатли митинг. (Байрам катнашчилари ва мехмонларнинг сузлари);

- Бош хакамнинг мусобакалар утказилиши тартиби хақидаги сузлари;
- Шаҳдам кадамлар ва кушик билан саф булиб утиш куриги;
- Командаларни мусобакалар утказиладиган жойларга таркатиш;
- Мусобакалар жараёнини билим юрти радиоузели, фотогазеталар ва жанговар варакалар оркали ёритиб бори;
- Хакамлар хайхати томонидан мусобакалар якунини утказиш;
- Харбий-спорт байрамнинг якуний кисми;
- Голибларни тақдирлаш;
- Билим юртининг энг яхши спортчилари томонилан байрам байрогини туширилиши;
- Бадий хаваскорлик тугаракларининг куриклари;
- Дам олиш кечаси.

Узбекистон халки буюк давлат, ҳукукий жамият курилиши йулида мардонавор меҳнат килмоқда. Бизнинг кундалик вазифамиз, ёшларни ана шу курилишлар жараёнига жалб килиш, улар онгига Узбекистоннинг буюк келажаги айнан ёшлар кулида эканлигини сингдириш, кундалик машгулотлар, турли тадбирлар давомида уларда ватанпарварлик туйғуларини асраб-авайлаб тарбиялашдир.

Харбий ватанпарварлик ва оммавий-мудофаа ишлари жараёнида утказиладиган турли-туман тадбирлар, узларнинг тарбиявий ахамияти жихатидан муҳим ролг уйнайдилар. Бу тадбирларни юкори савияларда утказилишига, уларнинг тарбиявий ахамиятини янада ошишига харбий-ватанпарварлик ва оммавий-мудофаа ишларини пухта режалаштирилганлиги, укув юрти моддий-техник базасини ривожланганлиги ва ЧЕТ раҳбари, шунингдек, педагогик жамоани бу вазифаларни сидкидилдан бажаришлари имкон яратади.

#### **Укув саволлари:**

1. Байрамни ташкиллашда ЧЕТ раҳбарининг вазифалари нималардан иборат?
2. Харбий-спорт байрамларига кимлар таклиф килинадилар?
3. Мусобака хакамлари кандай тайёрланади?
4. Байрамнинг тантанали очилиши ва ёпилишида нималарга эҳтибор бериш керак?
5. Харбий-спорт байрамларининг харбий ватанпарварлик тарбиясидаги ахамияти.
6. Харбий-спорт байрамга тайёргарлик қачон бошланади?

7. Харбий-спорт байрами режаси қачон ишлаб чиқилади?
8. Байрам дастурига қандай тайёргарликлар буйича мусобақалар киритилади?
9. Байрамни утқишиш жойи қандай жиҳозланади?
10. Байрамда ташвиқот ишлари қандай тарзда олиб борилади?

### Адабиётлар:

1. «Харбий ватанпарварлик асослари» дарслиги. М. 1987 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Мудосфаа Вазирлигининг «Ватанпарвар» газетаси.
3. Ўзбекистон Республикаси Мудосфаа Вазирлигининг «Ўзбекистон Қуролли Қучлари журнали» Т. 1998 й.
4. Ўзбекистон Республикасининг аҳолисини жисмоний тайёргарлиги ва саломатлик даражасини белгилаб берувчи «Алпомиш ва Барчиной» махсус тестларининг Низоми. Т. 1999 й.